

SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
проф. Убайдулла Уватов
Сирожиддин Саййид
проф. Поён Равшанов
проф. Абдурахим Эркаев
проф. Қаҳрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
ф.ф.д. Нафас Шодмонов
Тўлқин Ҳайит

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Масъул котиб:

Шерали Панжиёв

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.
Журналдан кўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манзилимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
2-уй. Телефон: 221-13-78. 91.466-80-32

Теришга 13.02.2019 йилда берилди.
Босишга 15.03.2019 йилда рухсат
этилди. 25.03.2019 йилда босилди.
Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табақ.
Адади 800 нусха. Буюртма № 530
Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш
корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Электрон манзилимиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2019 йил № 1 (35)



2019 йил - Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2018 йил
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.



ОЛТИН МЕРОС

Бахтиёр ИСОҚОВ, Башариятнинг боқий байрами.....5

ТИРИК САТРАП

Абдулла ОРИПОВ, Умринг шамоллари муаттар бўлсин.
Шеърлар.....12

ЗАМОНДОШИМИЗ

Поён РАВШАНОВ, ^{Тарих}Тарих-Ватан шаъни, эл ва олим имкони.....24

ТАРИХ

Ботиржон ТОЖИБОЕВ, Эшнӣёз аминнинг аччиқ қисмати.....31

Саодат МУРТОЗОВА, Бахшичилик санъати ва унинг намояндалари
фаолияти тарихидан35

Феруза АМОНОВА, Бухоро Амирлигида саноат ишлаб чиқаришини
ривожлантиришда фирма ва ширкатларнинг тугган ўрни.....40


Фурқат СОДИҚОВ, БХСРда маҳаллий бошқарув органларининг
ташkil топиши.....46

Очил БЎРИЕВ, Ўзбекистон темиршунослигининг қабоҳатли
даври.....50

Нурулло ТУРСУНОВ, Сурхон воҳаси аҳолиси этник тарих.....59

ЖАМИЯТ ВА ОИЛА

Рамз ЗОҲИРОВ, Ўзбек оилаларида авлодлараро муносабатлар:
миллийлик ва умуминсонийлик.....65





ТАДҚИҚОТ

Ғулом МИРЗО, Абдулла Орипов ижодида Амир Темур образи.....	14
Зафар ШОНАЗАРОВ, Ўзбек мумтоз муסיқаси тарихидан.....	73
Тўлқин ҲАЙИТ, Яна Амир Темурнинг "Тузуклар"и ҳақида.....	79
Абдишукур ОМОНОВ, Тарих давр сиёсатига мослаб яратилмайди.....	84
Сурайё ШОДИЕВА, Қашқа воҳасида яратилган тазкира.....	89

РУҲИЯТ СУРАТИ


Назар ЭШОНҚУЛ, Сибизга ноласи (миф-ҳикоя).....	92
Шодмонқул САЛОМ, Халажи (ҳикоя).....	104
Нилуфар УМАРОВА, Кўзингни очганда яйраса олам. Шеърлар..	111

ЖАҲОНИЙ ЖАВОҲИР

Сомерсет МОЭМ. Қиртоғора, ҳикоя (инглиз тилидан Алишер Отабоев таржимаси).....	113
--	-----

БАРКАМОЛЛИК ЗИЁСИ

Севинч АБДИЕВА, Эъзоза ЙЎЛДОШЕВА. Шеърлар.....	119
--	-----





"...олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур.

Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Ўтмишга берилган баҳо, албатта, холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур.

Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Шу мақсадда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида "Ўзбекистон тарихи" каналини ташкил этиб, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлилар билан биргаликда унинг дастурларини пухта шакллантириш керак".¹

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг
Олий Мажлисга Мурожаатномасидан
2018 йил 28 декабрь.*

¹ «Халқ сўзи», 2018 йил 29 декабрь.



BASHARIYATNING BOQIY BAYRAMI

Бахтиёр ИСОҚОВ,

Наманган давлат университети «Архившунослик»
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

Башариятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти мобайнида келиб чиқиши, мазмун-моҳияти ҳамда ижтимоий ҳаётда қарор топишига кўра анъанавий, диний, миллий ва бошқа байрамлар шакланган. Аждодлардан авлодларга мерос тариқасида ўтиб келадиганлари анъанавий байрамлар дейилади¹. Аждодлар анъаналарини абадиятга айлантирган айём Наврўз ҳам айнан шундай байрамлар тоифасига киради.

Байрамлар инсоннинг маънавий эҳтиёжи сифатида вужудга келган ва муайян мафкуравий вазифаларни адо этган. Жамиятнинг ҳаёти ўзгариб боргани сари байрамлар ҳам мавжуд воқеликларга мослаша бораверган. Айни бир пайтда ҳар бир авлод байрамларга ўзидан нималарнидир қўшиб борган. Инновациялар оқибатида айёмлар ҳам трансформацияга учраган. Натижада, байрамлар "дунё маданиятига йиғилган қимматли маънавий бойликларни уйғунлаштириш"² вазифасини ҳам бажара бошлаган.

Байрам инсоният маданиятининг бошланғич шаклидир. Шу боисдан ҳам у башариятнинг ўзи босиб ўтган сермашаққат йўлларини чуқур, тегингисиз, эришилган зафарлардан мағрурланиши, келажакка умид билан қарашига кўмаклашади³. Уларда элнинг руҳи, унинг ўтмиши, сермазмун бугуни, порлоқ келажаги акс этади⁴.

Маҳмуд Қошғарий унга шундай таъриф берганди: "Бадрам - халқ орасида шодлик ва кулгу. Гуллар очилган ерга бадрам ер дейилади, яъни "ёқимли ер" демакдир. Асли нима эканини мен билмайман, чунки мен буни форслар оғзидан эшитдим. Лекин ўғузлар "ҳайит куни"ни **байрам** дейдилар. Яъни "шодлик ва ёқимли кун"⁵. Айни шундай нуқтаи назардан қаралганида, байрам маълум вақтдаги идеал ҳаёт ҳисобланади⁵.

Байрам бугунги бағоят таҳликали замонда ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб қолган тарбия тизимидаги ўзига хос беҳад муҳим ва йирик шаклдир. Ҳар қандай этнос маданияти ва санъати шакллари орасида энг улкан оммани ўзига жалб этадиган тадбир ҳам байрамдир.

1 Байрам // Ўзбекистон миллий энциклопедаси 1- жилд. - Т.: 2000, 584- бет.

2 Арнольдгов А. И. Вступительная статья. - В кн: Жигульский К. «Праздник и культура». - М.: Прогресс, 1985, стр. 5.

3 Исоқов Б. Қадим ва навқирон Наврўз // «Наманган ҳақиқати», 2017 йил, 18 март.

4 Султонмурод Олим. Истиқлол саналари «Халқ сўзи», 1998 йил, 23 октябрь.

5 Қошғарий Маҳмуд. Девону луғатит-турк Туркий сўзлар девони - Т.: Фафур Фулом номидagi нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. - 191- бет.



Шу боисдан "Оммавий байрамлар ғоятда кучли эмоционал таъсир этувчи воситаларни ҳам бирлаштириб, тарбия тизимида ўзига хос кульминацион ҳалқани намоён этади".

Шарқ халқларининг муштарак ижоди бўлмиш - Наврўз жуда узоқ мезийдан бугунга қадар етиб келган беҳад муқаддас қадриятлардан бири, байналминал байрамдир. Унинг мазмунига қадимги аждодларимизнинг мифологик тасаввурларидан тортиб, токи бугунги замондошларимизнинг креатив қарашларигача маънавият олами бутунлай сингиб кетган ва у цивилизациянинг узоқ асрлар мобайнидаги ҳар бир ютуғидан доимо куч-қувват олиб турган. Башарият тарихида Наврўздан қадимийроқ байрамни топиш қийин, унинг илдизлари неолит (мил. авв. VI -IV минг йилликлар) даврига бориб тақалади⁶. Наврўз байрамини нишонлаш одамларнинг Ер ҳақида унинг коинотдаги ўрни хусусида мулоҳаза юрита бошлаган даврга тўғри келади. Бошқача ифодаланганда, Наврўз замин ҳақидаги дастлабки илмий-географик тасаввурлар, илм пайдо бўлган замондан шаклланган⁷. Даставвал Наврўз байрамини нишонлаш ўтроқ деҳқонлар орасида расмга айланган, кейинчалик бўлса улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатлари таркибига кириб кетган⁸. Байрамлар турли гуруҳлар фаолиятида ғоятда муҳим аҳамият касб этган хўжалик фаолияти - деҳқончилик билан бир вақтда шаклланган⁹. Шундай қилиб, ҳозирда Наврўз байрамнинг бундан энг камида 3,5-4 минг йиллар муқаддам "аждодлар мардона руҳи ёр", "эркин ёш авлодлар зўр қанот" "серқуёш ҳур ўлкам"изда пайдо бўлганлиги илмий жиҳатдан исботланган¹⁰.

Аждодларимиз йилда баҳорги Наврўз, кузги Меҳргон (Меҳржон) байрамларида ота-боболари арвоҳларига бағишлаб ис чиқариб, садақа ва қурбонликлар қилганлар¹¹. Улар Наврўзни нишонлаш билан бирга қишки манзилгоҳлар - қишлоқлардан ёзлоқларга кўчиб ўтганлар¹².

Асрлар ўтавериши билан турли хил этносларда Наврўз байрамини нишонлаш маросимлари уларнинг турмуш тарзига, мафкурасига мослаша борган. Айнан шу маънода Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва тараққиёти жараёнида туб аҳолининг урф-одатлари, анъаналари ҳамда маънавияти азалий бирлаштирувчи омил бўлган. Миллати, тилидан ва динидан қатъи назар Наврўзни башариятнинг боқий байрами сифатида нишонлаш инсоният ҳаётининг ёрқин тимсолига айланиб кетмоқда. Айни шу маънода 1966 йилдан бошлаб БМТ Бош Ассамблеяси қарорига биноан 21 март -"Халқаро ирқий камситилишларни тугатиш учун кураш куни"

⁶ Ртвеладзе Э. В. Наврўз-бахт ва фаровонлик байрами. // «Мозийдан саго», 2003, №1, 14- бет.

⁷ Бўриев О. Асрлар бағридан келган шодиёна. // Наврўзи олам бугун. - Т.: «Ўзбекистон», 1989, 15- бет.

⁸ Миролимов Ш. Наврўз. // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6- жилд. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2003, 237- бет.

⁹ Кармышева Дж. Х. Земледельческая обрядность у казахов. // Древние обряды, верования и культуры народов Средней Азии. - М.: "Наука", 1986, стр. 49.

¹⁰ Мирзаев Т. Жўраев М. Асрларни мунаввар қилган байрам. Наврўз. - Т.: Фан, 1992, 4-15-бетлар.

¹¹ Сулаймонов Р. Ҳ. Исҳоқов М. М. Заратуштранинг ватани ва яшаган даврга оид мулоҳазалар. // Ўзбекистон тарихи, 1999, 1- сон, 46- бет.

¹² Саттор М. Ўзбек удумлари. - Т.: Фан, 1993, 98- бет.



сифатида ҳам нишонланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан ифодалаганда, "Наврўз - умумбашарий аҳамиятга эга байрамдир. Унинг моҳиятида мужассам бўлган гуманистик ғоялар, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун ер юзидаги барча пок ниятли кишилар учун бирдек тушунарли ва қадрлидир... Айни пайтда Наврўзи олам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам эътироф этилиб, жаҳон миқёсида кенг нишонланиб келаётгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди"¹³.

Қадимда деҳқонлар эрта баҳорда ерга уруғ қадаш муносабати билан "Далага қўш чиқариш", "Шохмойлар", "Экин сайли", "Қўш оши" номлари билан юритилувчи махсус маросимларни ҳам амалга оширганлар. Ҳосилни йиғиб олиш жараёнида эса "она буғдой", "Хирмон тўйи", "Ҳосил байрами" сингари тантаналар бўлган. "Она буғдой" маросимида охириги тутам буғдой "Она буғдой" деб аталиб, уни ўриб олингандан сўнг, махсус бир тутамни хонадонга элиб, уйнинг тўрига осиб қўйилган ҳамда кўкламгача авайлаб сақланган. Баҳорда унинг бир қисмидан нон (патир) ёпилиб, далага дон сепишга чиққан деҳқонларга улашилган. Галлакорлар бу нонни еб: "Бу йил ҳам ҳосил мўл-кўл бўлсин!" "Она буғдой" ўзи бизни қўлласин!" "Бободехқоннинг ўзи бизга мададкор бўлсин!" дея дуо қилиб, қолган донни эса уруғлик сифатида замин бағрига сепганлар¹⁴. Нон қадри тушунчаси халқимиз наздида замин, Она ер, коинот, меҳнатта муносабат, инсон шаъни билан чамбарчас ҳолда келади¹⁵.

Наврўзга доир афсона ва ривоятлардан кўпгина маълумотларни ҳам олишимиз мумкин. Улар орасида зардуштийлар замонида оид Ахурамазда ва Ахриман билан боғлиқ ривоятлар, шунингдек, Одам Ато билан Момо Ҳавонинг учрашган куни ҳақидаги афсона ҳамда бошқалар ғоятда муҳим аҳамият касб этади¹⁶. Абу Райҳон Беруний келтирган афсонага биноан Наврўз беҳад улкан ишларни амалга оширган Жамшид шоҳга бағишланган: "Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша куни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбованддан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар. Жамшиднинг (аравада учишига) тақлид қилиб аргимчоқлар учдилар"¹⁷. Қадимги афсоналардан бирига кўра, Наврўзнинг урф бўлишини оловнинг кашф этилиши билан боғлаш ҳам ўзига хос мантиққа эга. Айтишларига кўра, Жамшид кунларнинг бирида Мозандарон ўрмонларида товушқон овлаб юрган экан. Иттифоқ, бир сеҳрли илонни кўриб қолиб ўша заҳотиёқ унга қарата камонидан ўқ узибди. Илон бир қоятошнинг остидаги ковакка кириб кетиб, кўздан ғойиб бўлибди. Жамшиднинг камонидан учган ўқ эса тошга тегиб, ундан учқун чиқарибди. Учқунлардан бири харсанг ёнидаги қуруқ хас-чўпларга тушиб гуриллаб ёна бошлабди. Одамлар шу дам-

¹³ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 ж. - Т.: "Ўзбекистон", 2017. 374- бет.

¹⁴ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. - Т.: «Фан», 1986, 54 - 56- бетлар.

¹⁵ Малик Мурод. Ўзбек қадриятлари. 1- китоб. - Т.: «Чўлпон», 2001, 94- бет.

¹⁶ Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. - Т.: «Ўқитувчи», 1991, 14- бет.

¹⁷ Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1- том. - Т.: «Фан», 1968, 254- бет.



гача олов нималигини билишмас экан, шу боис ўтти кўрган ҳамма кишилар бу мўъжизадан ҳайратга тушиб, лол қолиб, дарҳол унга сажда қилибди. Шу-шу одамлар оловни муқаддас билиб, уни сира ҳам ўчирмасликка ҳаракат қилишибди. Жамшид оловни кашф этган кунни эса "Янги кун" сифатида байрам қила бошлабдилар.

Тагин бир ривоятга биноан, қадимги Хоразм давлатининг бошкенти Қўйқирилганқалъа марказий майдонида ҳосилдорлик маъбудаси Ардвиг Сура Анахитанинг 6,5 метр баландликдаги ҳайкали бўлган. У диаметри 12 см келадиган биллур ушлаган қўлини марказий оташқада туйнути устида шундай бир ҳолатда тутиб турганки, биллурга тушган қуёш нури фақат 21 март кунигина туйнук ичкарисиди қаланиб турган қуруқ ўтинни ёндирган. Бу олов муқаддас ҳисобланиб йил давомида асло ўчирилмаган.

Кишилар шу кунни эзгулик ва поклик олиб келувчи янги кун сифатида орзиқиб кутганлар ҳамда гоётда катта тантана сифатида нишонлаганлар.

Йил мобайнида ишлатилган оловдан охирги марта сумалак тайёрлашда фойдаланганлар¹⁸. Хоразм воҳасининг анча кўпгина жойларида сумалак тайёрланадиган қозон тагидаги оловни бирор-бир хонадон ўчоғида ёниб турган ўтдан тутатқич олиб келиб ёндириш одатлари ҳанузгача сақланиб қолган. Ҳаётда ушбу байрам билан боғлиқ ҳолда сақланиб келаётган жуда муҳим анъаналардан бири янги туғилган чақалоқларга Наврўз исмини қўйиш одатидир. Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухорода Наврўз кунини туғилган бўлса асосан ўғил болаларга, гўзал Фарғона водийсида эса, қизларнинг исмини кўп ҳолларда Наврўза қўйилади¹⁹.

Аждодларимиз бошлаб берган Наврўз сайлининг ўзига хос ажойиб хусусияти шундаки, унинг очилиш маросимини кўриш мумкин-у, яқун топишини сезиш амри маҳол. Қадимдан Ота маконимиз - Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида бу айём ҳар хил кутиб олинган. У 3 кундан 15 кунгача нишонланаверган. Масалан, Хоразмда Наврўз айёмини тантана қилишдан аввал махсус йиғинлар ўтказилган. Унда байрамнинг раиси - корфармони тайинланган²⁰. Тантаналар жадвалида томошалар, сайиллар, мусобақалар ўтказиш тартиблари ҳақида сўз борган. Водилликлар бу айёмни "Наврўз гули" сиз нишонламайдилар. Ёш-яланг бунақа гулларни териб келиш учун тоққа чиқадилар. Кечга яқин бўлса қучоқ-қучоқ гуллар териб қайтадилар. Кўпчилик "Наврўз келди, қут-барақа келди, шундай кунларга етказганига шукр. Тинчлик-омонлик бўлсин, шу яшнатиш фаслида келгуси йил, келгуси баҳорга ҳам эсон-омон тўрт кўз тугал бўлиб етайлик!" дея "Наврўз гули" - бойчечакни ҳидлайдилар, юз-кўзларига суртадилар.

Ушбу битиклар муаллифининг туғилиб ўсган Ота юрти - Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги гўё арслон сингари юртимиз сарҳадини қўриқлаб ётган ҳайбатли Ўнғортоғ пойидаги "Юксакликдаги қўрғон" - Пономон қишлоғида ҳам бу удум ҳанузга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. биз ҳам ўтган XX аср 60-йиллари иккинчи ярми - 70-йиллари ибтидоси-

¹⁸ Ортиқова М. Анахита ва Наврўз. // Мустақилликнинг етти Наврўзи - истиқболнинг ойдин йўли. - Т.: «Шарқ», 1999, 31- бет.

¹⁹ Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. - Т.: «Ўқитувчи», 2003, 100- бет.

²⁰ Каримова Г. Наврўз тантаналарининг муштарак ҳамда ўзига хос хусусиятлари. // Мустақилликнинг етти Наврўзи - истиқболнинг ойдин йўли. - Т.: «Шарқ», 1999, 89- бет.



дан бошлаб доимо эъзозлайдиган Поромон тоғининг "Сассиқ унгур", "Тешиктош", "Кийикбой чўққи", "Узун осқа", "Етти зиндон" ва ҳамда "Сариқ осқа" деб номланган ўзимиз учун жуда азиз, қалбларни, ҳаприқтирадиган жойларидан бойчечакни териб келиб, ҳазрати аёлларга, бобо-момоларга совға қилиб, ҳамон улар шодлигидан баҳраманд бўлиб, бойчечак эвазига бўлса олтиндан ҳам қимматлироқ ва улугроқ дуоларни, олқишларни олиб келмоқдамиз.

Бундан ташқари мустақиллик йилларида қишлоғимизда ўзгалар ҳам беҳад ҳавас қиладиган даражада Наврўз айёми тантаналари нишонлаб келинмоқда. Бунинг учун қишлоқда аждодлари оламдан оила фарзандлари, неваралари, қариндош-уруғлари бутун қишлоқ аҳлига буюк байрамни ўтказиб бериш орзу-ниятиди, аввалдан, яъни бир неча йил аввал Поромон маҳалла фуқаролар йиғинига ариза билан мурожаат қиладилар.

Ҳар йили айнан 19 март куни қишлоқ марказидаги айём тантаналари содир бўладиган рамзий маънода қишлоғимизнинг Онаси ҳайкали пойида келгуси йилда бир қатор номзодларнинг орасидан қайси оила ва сулола (фамилия, яъни, Мўминов, Исроилов, Мусабеков, Қаюмовлар...) Наврўз тантанасининг асосий мезбони деган юксак шарафга лойиқ бўлгани ҳам барчага тантанали равишда эълон қилинади. Улар келгуси йилда бўлажак байрам сценарийси хусусида махсус режа тузишга киришадилар. Байрам мезбонлари айнан шу куни, яъни 19 март куни бутун қишлоқ аҳлига Хотира ошини тортадилар. Санъаткор, полвон, дорбоз, хўроз уриштирувчиларга совғаларни топширадилар. Байрамни ўтказиб берувчи биргина фамилия тимсолида қишлоқдаги барча аждодлар эсланади ҳамда хотирланади. Ҳар ким қўлидан келганича бу тантананага ўзининг улушини қўшади: кимдир қўшиқ куйлайди, тагин бири рақсга тушиб беради. Барча кишилар, бутун қишлоқ аҳли гўё бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қиладилар. Шу боисдан ҳам бизнинг Поромонимизда тантана қилинадиган Наврўзнинг овозаси узоқ-узоқларга, ҳатто қўшни вилоятларга ҳам аллақачон тарқалиб кетган. Назаримизда, бу сингари ўзига хос танлов асосидаги Наврўз байрамига мезбонлик қилиш, уни нишонлаш Ўзбекистон Республикасининг бошқа жойларида ҳозиргача бўлмаса ҳам керак...

Аждодларимиз байрам арафасида етти хил дон (буғдой, арпа, нўхот, жўхори, гуруч, мош, ловия)дан гўжа тайёрлаб, қўни-қўшни, қариндош-уруғларга тарқатганлар. Бундан ташқари, "С" ҳарфи билан бошланадиган етти хил ўсимлик (сиб - олма, сабзи, сир - саримсоқ, сирка, сатортошгул, сиёҳдон - қора данак, синжид - ёввойи зайтун кабилар) уруғидан ўстирилган кўкатлар билан дастурхон безатилган²¹. Эронликларда ҳанузга қадар "суфрейэ ҳафт син" ("етти син дастурхони") деган зиёфат мавжуд. Бу дастурхонга номининг бош ҳарфи арабча "син" бўлган еттита нарса қўйилади. Булар саккэ (танга пул), сиб (олма), сир (саримсоқпиез), санжед (жийда), саману (сумалак), сабзэ (кўкатлар) самоқ (тотим) ҳамда бошқа нарсалардан иборат. Шунингдек, Қуръони карим, сув тўла идиш, қизил балиқ, гул, кўзгу, шам ҳамда товуқ тухуми ҳам ушбу дастурхонга албатта қўйи-

²¹ Бўриев О. Наврўз тарихидан лавҳалар. - Т.: «Ўзбекистон», 1991, 16- бет.



лиши даркор бўлган нарсалар жумласига киради²². Ота-боболаримиз Наврўз айёми дастурхонига қуритилган мевалардан тайёрланган шарбат, бўялган тухумлар ва бошқа ноз-неъматлар қўйганлар.

Байрам дастурхони яна бир жиҳати билан киши диққатини ўзига тортади. Бу катта идишга сув тўлдириб, унга кўк барг (кўкат) солиб қўйишдир. Бу одат эса янги йил сув ва экинга мўл бўлсин, деган орзу-ниятнинг рамзий ифодаси бўлган.

Буюк аждодларимиз томонидан уюштирилган "Байрамлар шоҳи" (Фирдавсий ибораси) Наврўзга ажнабий сайёҳлар ҳам қойил қолганлар ва ҳамон ҳайратланмоқдалар. Ҳаёт яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, зиё ва зулматнинг азалий ва абадий курашидан иборат бўлгани сингари бу улуг айёмга қарши кимсалар ҳам асло кам эмас эди. Бу байрам аввало, босқинчиларга сира қўл келмасди. Бу ҳодиса араб истилосидан сўнг яққол намоён бўлган эди. Дастлаб мутаассиблар уни тақиқлаб қўйишга бағоят кўп уринганлар. Шўроларнинг ҳам бу борадаги чиранишлари чиппака чиққанлигидан барчамиз яхши бохабарсиз. Чунки, Ўзбекистонимизнинг Биринчи Президенти таъбири билан ифодаляйдиган бўлсак: "Наврўзи оламнинг яна бир шарофати ҳам борки, у ҳам бўлса бу байрамнинг барча одамларни, бутун жамиятни бирлаштирувчи кучида намоён бўлади"²³. Ўзбекнинг ўктам ўғли Эркин Воҳидов шундай ёзганди: "Халқимизнинг қадимий байрами Наврўзни таомилдан чиқаришга асоссиз уринишлар бўлди. Бу уринишларнинг муваффақиятсиз туггани, Наврўз байрамининг қайта тикланишини мен ёзувчилар жамоатчилигининг ҳам катта ғалабаси деб ҳисоблайман"²⁴. И. Абдуллаевнинг "Фан ва турмуш" журналининг 1988 йилдаги 3- сонидан босилган "Наврўзи олам", Ш. Миралимовнинг "Ёш ленинчи" ("Туркистон", "Ёшлар овози") газетасида чоп этилган "Халқ севган шодиёна ёки Наврўз ҳақида ўйлар" сарлавҳали мақолаларида ҳам ушбу айёмнинг диний эмас, маънавий мерос эканлиги таъкидланган эди.

Башариятнинг боқий байрами тантана қилинадиган кун 21 март 1999 йилдан БМТ томонидан "Бутун дунё шеърияти куни" сифатида эълон қилинганлигида ҳам улкан рамзий маъно бор. Наврўз айёми доимо шоирларнинг қалбини ром айлаб, битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб келган. Шу ўринда "буюкликнинг кўз илғамас чўққиси" Ҳазрат Навоий соҳир қаламига мансуб оҳорли тилак беихтиёр ёдимизга тушаверади:

Ҳар тунинг Қадр улубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз!

Мавлоно Муқимийнинг қуйидаги сатрлари ҳам ўзини мен ўзбекман деган шеърхонларига жуда яхши маълум,

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,

Суҳбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоқлар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур баҳор айёмини йигитликнинг гоятда кучга тўлиб-тошиб кетган даврига жуда чиройли тарзда қиёслаган эди:

²² "Моҳият" газетаси, 2003 йил, 21 март сони.

²³ Каримов И. А. Энг қадимий, асл миллий, ғоят ардоқли байрам. // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. - Т.: «Ўзбекистон», 2002, 298- бет.

²⁴ Воҳидов Э, Адолат туйғуси, инсон қадр-қиммати. // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1987 йил, 24 апрель, 17- сон.



**Баҳор айёмидир, доғи йигитликнинг равонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.**

Баҳорни ким куйламайди дейсиз. Ҳар бир тоза қалб эгаси борки, Наврўзга ошно, баҳорнинг шайдосидир. Айни шу ўринда падари бузрукворим, устозим Робиддин Исҳоқов қаламига мансуб баҳор айёмига оид шеърни эътиборингизга ҳавола этиш истаги туғилди²⁵:

*Рубобингни чалгин, созанда Наврўз,
Рақсга тушсин қора қош каклик.
Қаҳратон қаҳри-ю, бўрон шаштин буз,
Гул фасли бу - хандон кулайлик!
Булбулларинг чақир базмга,
Базм ўтмас бизда куйсиз, навосиз.
Наврўз латофати кўчсин назмга,
Сатрларда қолсин лолалардан из...
Олам яшаради - Наврўз юзидай,
Наврўз кияр яшил шоҳидан либос.
Олча гулларини узатиб ёрга,
Бахтимиз олқишлаб,
Янгратайлик соз!
Рубобингни чалгин, созанда Наврўз!..*

XX асрнинг 20-йилларига қадар ўзбеклар орасида туғилган кунини нишонлаш одати унчалик ҳам тараққий этмаганди.

Илгари кўпгина Шарқ халқларида, шу жумладан, ўзбекларда ҳам "йил боши" ("Наврўз") келганидан кейин, инсон умрига тагин бир ёш қўшилди деб ҳисобланган. Шу туфайли Наврўз фақатгина табиатнинг уйғониши, янгилиниши бўлиб қолмасдан, барча учун ўзига хос "йил оши" тантанаси, айёми, байрами вазифасини ҳам адо этиб келган...

Бугунги Наврўз айёми моҳиятан Мустақиллик мазмун-моҳияти ила уйғунлашиб кетди. Наврўз байрами воситасида элимизнинг бой миллий-маънавий мероси қайтадан қаддини кўтармоқда. Жойларда маданиятимиз негизлари ва миллий қадриятларимиз тикланиб, унга янги ҳаёт, янги умр бахш этилмоқда. Қайта тикланган Наврўз қайтадан тикланган Миллий Истиқлол тантанаси, тараққиёти туфайлигина ўзининг асл, чинакам ўзига хос ва мос мавқеига эга бўлганлигини ўзингиз ҳам ўта яхши кўриб-билиб турибсиз. Истиқлол ғоялари буюк халқимизнинг қадимий удумлари, урф-одатларини ўзида мужассам этган, анъаналаримизни абадиятга айлантира олган айём, башариятнинг бебаҳо, боқий байрами бўлмиш - Наврўздан мадад ва руҳ олди. Ана шу қудратли руҳият эса элнинг жон-жонига, қон-қонига сингиб кетди. Демак, энди биз Истиқлол тушунчаси билан Наврўз нашидасини бир-биридан асло ажрата олмаймиз.

Умуман, Наврўз минг йиллар мобайнида биз учун эзгулик, ҳурлик, озодликнинг тимсоли, инсон қалби ва онда бунёдкор, ёруғ орзу-умидлар аста куртак очадиган фасл бўлиб келган ва келажақда ҳам, албатта, худди шундай бўлиб қолажак.

²⁵ Робиддин Исҳоқов. Ўнғор нафаси (Сайланма). - "Наманган" нашриёти, 2012 йил, 82- бет.



Umring shamollari muattar bo'lsin



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.
Халқ шоири. 1941 йилда
Қашқадарё вилояти
Косон туманида тузилган.
2016 йилда вафот
этилган.

Bahor kelayotir

*Баҳор келаётир,
Тоза, мусаффо.
Мовий кенгликларда уйнайди шамол.
Даралар қўйнида зангор бир ҳаво,
Туманли шаҳар ичра ётмоқлик малол.*

*Қоялар кўксида шодмон, беқайғу
Оний умри билан солланар чечак.
Баҳор - энг покиза шаббодадир бу,
Баҳор - энг тоза бир шамолдир демак.*

*Кенгликлар бағрига ураман ўзни,
Кўзимга кўрингай дилбар диёрим.
Гудак нафасидек юпатар юзни,
Қиш бўйи интизор кутган баҳорим.*

*Баҳор-ку ўтади шамолдек шитоб,
Майли ўтажак у ва ўтар бўлсин.
Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф,
Умринг шамоллари муаттар бўлсин.*

Mehr

*Негадир ёш бола ва ёки бемор,
Ғуноҳ иш қилгандек боқар жавдираб.
Овозингни баланд қилдингми бир бор,
Улар ҳадик ичра қолар довдираб.
Йўқ ахир уларнинг зарра ғуноҳи,
Мудрар қалбларида бардош ва сабот.
Фақат меҳрга зор улар нигоҳи,
Кутганлари эса шафқат ва нажот.*



Kun ko'rish

Чалпак ёққан эмас осмондан асло,
Хар ким nasib этган лужмасин еган.
Одам болаларин лажъида аммо,
Битта ибора бор Кун кўриш, деган.

Аслида бу қисматга йўлиққан хар кас
Орзу умидидан айрилган демак.
Қайда бир унумни илладими, бас,
Ҷша томонга у югурган бешак.

Кун кўриш дегани ўртаб дилларни,
Амаллаб яшашдан бир белги, нишон.
Забтга олмай у ҳатто элларни,
Не-не мардларни ҳам айлагай яксон.

Нега ёлгон айтдинг, алдадинг нега,
Нега ҳақни ёқлаб бермадинг туриш?!
Дейди:-сен Ҳақ дейсан, жон керак менга,
Кун кўриш керакми, ахир кун кўриш.

Кун кўриш йўлида юрарлар куйлаб,
Кун кўриш дардида тўқарлар кўз ёш.
Аларда теранроқ қарасани ўйлаб,
Жаллод ҳам кун кўриш улун олмай бош.

Фақат кун кўриш деб қилинган ишдан,
Баҳра тоғармикан бирорта банд.
Одам ғарғар бир кун бундай юмушдан,
Ўзини ўйлаб-ку ҳеҳ бўлмаганда.

Улуғ орзуларга этганди давват,
Фидоин инсонлар - беназир зотлар.
Наҳотки, кун кўриш йўлида фақат
Ёниб битган бўлса ўша ҳаётлар?!
Инсоф бера қолсин хар кимга Эгам,
Ҳаёт кўзгусида турланмоқ негун.
Эҳтимол, мана шу сатрларни ҳам,
Ёзиб тургандирман кун кўриш улун.

Sharq qismati

Шарқликман,
Эмасман йўлидан озган,
Санъатга ўрайман айтаф сўзимни.
Шағор хинду бўлиб мадҳиям ёзган,
Мулла Шўйи айтган "Қора кўзим"ни.

Кашфиёт қилай, деб уринмай харғанд,
Йўлимни муштасил тўсди хурофот.
Фикрим қонотни кўйса ҳам ғарғанд,
Мудом ҳамроҳ бўлди ароба-ю от.

Мен ҳатто қуёшнинг ҳидини сездим,
Юлдузлар иборини туйдим бехато.
Ғар севсам, Қарбало даштида кездим,
Қирди пушларимга Шожмаҳал танҳо.

Бошқалар яратди, мен эса тун-кун,
Ўнга мафтунликдан айламадим ор.
Афсус, энг ифойли ирнини ҳам бир кун,
Сўлиб, овқ ости бўлмоқдими бор.

Бойлик қазиб олдим ернинг остидан,
Шугаб қолишини ўйламай асло.
Шўй қилиб, айрилган бор висотидан,
Ношуд бойваллангани ўзиман гўё.

Энди англаб етдим, шуҳрат-шонимни
Шаъмин этган экан буюк даҳолар.
Ёвларнинг ўқидан хонадонимни
Асраб келмиш доим эзгу дуолар.



ABDULLA ORIPOV IJODIDA AMIR TEMUR OBRAZI

"Бу ерларда илк бора янграган Темур саси..."

Фулом Мирзо,

*Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.*

Мақтабда ўқиган давримда, яъни XX асрнинг 70-йилларида мен ва аксарият тенгқурларим, балки мендан сал навқирон ва ёши улўғроқ замондошларим ҳам тарих бўйича дарслик китобларида Амир Темур бобомиз ҳақида ёзилган туҳмату бўҳтонларни ўқиб, демак, аслида шундай экан-да, деб ишонганмиз. Ўша дарсликларда буюк Соҳибқироннинг беўхшов расмларига дуч келганимиз ҳам бор гап.

Кечагидек ёдимда: фақат Абдулла аканинг шеърларида Амир Темур шахсига муносабат совет дарсликларидаги ноҳолис талқинлардан фарқ қиларди. Устознинг айна мавзудаги мисраларида Амир Темур шахсига нисбатан қаҳру нафрат - меҳру эътиборга, ғанимлик ва бегоналик - қадрдонлик ва азизликка, туҳмату ифвонинг қора қуруми эса имкон қадар ҳақиқату эъзоз учқунларига ўрин бўшатарди, назаримда. Буни ич-ичимдан сезардим.

Хусусан, Абдулла аканинг 1970 йили ёзилган "Қарши қўшиғи" шеърисида шундай сатрлар бор:

***Йўл юрсанг ҳар жойларда работлар вайронаси,
Искандар, Қутайбадан қолган сонсиз даҳмалар.
Бу ерларда илк бора янграган Темур саси,
Чингизийлар бошига солиб қўрқув, ваҳмалар.***

Қаранг, бу мисралар ёзилган ва халқимизга тақдим этилган даврга Соҳибқирон бобомиз халқимиз ва Ватанимизнинг мустақиллиги учун курашгани ҳақида менинг ён-атрофимдагилар орасида деярли ҳеч ким билмас, билганларнинг аксарияти эса чурқ этмасди. Кейин англасам, Соҳибқирон сиймосидан қора пардани кўтариб ташлаган жасоратли олим Иброҳим Мўминовнинг бошига тушган кўргиликлар ўша кезларда бундан хабардор кишиларни анча сергак тортириб қўйган экан.

Гап шундаки, академик Иброҳим Мўминов 1968 йилда "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли" номли рисоласини ёзган ва нашр эттирган. Абдулла ака атоқли олимнинг ўша рисоласи тимсолидаги жасоратини ўз шеърларида Амир Темур шахси ҳақидаги ҳаётий ҳақиқатларни тақдим этиш орқали изчил давом эттирган, десам, янглишмайман.

Нега деганда, 1969-70-йилларда Москвада нашр этилаган марказий



газета-журналларда ўзбек олимину ўтмишни сохталаштиришида айблаб битилган мақолалар эълон қилинган. Собиқ тузумда матбуотда қораланган шахсга нисбатан, албатта, қатъий жазо чоралари кўрилгани тўғрисида тўхталиб ўтирмайман. Абдулла аканинг Темурбек мустақил марказлашган давлат тузиш йўлида кураш олиб борганига ишорат қилинган шеъри ҳам айнан 1970 йилга мансублигига эътибор қаратиш билан кифояланаман.

Мана бу сатрлар эса 1972 йили ёзилган "Муаллим" шеъридан:

**Буюк Темур сендан топгандир таълим,
Сен шундоқ, азиз зот, азиз муаллим.**

Ушбу мисралар орқали шоир, авваламбор, муаллимнинг азизлиги Темурбек каби буюк зотларга таълим берганида дер экан, собиқ тузум таълим муассасаларида ўша пайтда сабоқ бераётган юз минглаб педагог-ўқитувчиларни тарих ҳақиқатларига тийрак кўз билан қарашга даъват этган. Янада муҳими, Абдулла ака Амир Темур ҳам муаллимлардан таълим олганига урғу бергани бежиз эмас. Бу билан ўшандаёқ совет мафкурачиларининг "Темур саводсиз бўлган" деган асоссиз даъволари шоир томонидан инкор қилинган.

1981 йили Тошкентга келдим. Пойтахтдаги энг нуфузли олий ўқув юртининг кечки бўлими талабасига айланиб, кундузи Алишер Навоий кўчасидаги 30-ўйда жойлашган матбаа корхонасида иш бошлаганимдан кейин ўз эркин фикрига эга зиёлилар давраларида Амир Темур шахсига доир ҳақиқатлар, чиндан ҳам, мен ўқиган дарсликларда бузиб талқин этилгани борасида кўзим янада очилди.

"Газетада қасидамни чиқаролмадим..."

Эсимда, ўтган аср 80-йилларининг ўрталарида Давлат матбуот қўмитаси ишчи-ходимлари сафида Тошкент вилоятининг Пискент туманига пахта йиғим-теримида чиққанмиз. Ўшанда адибу ижодкорлар, нашриёт муҳаррирлари ва мусахҳихлари ўртасида адабиёт, шеърият, хусусан, Абдулла Ориповнинг янги шеърлари ҳақида қизғин адабий баҳс-мунозаралар бўлар, мен каби талаба ва босмаҳона ишчилари учун ана шу ажойиб давраларда ўз сукутимиз билан бўлса ҳам иштирок этиш катта бахт эди.

Бир кун нашриёт ходимларидан бири Абдулла аканинг "Ўзбекистон" қасидасидаги алоҳида бир бандда Темур ҳақида (у даврда улуғ аждодимизнинг муборак номига Амир сўзини қўшиб айтиш ҳали ҳеч кимнинг ўйига ҳам сиғмасди) сўз боришини айтиб қолди. Унинг фикрича, ўша банддаги "оқсоқ жаҳонгир" жумласи ва "Демам бу кун, у маним, маним" сатри Абдулла Ориповнинг жаҳонгир шахсига нисбатан муносабати бу борадаги расмий позицияга ҳамоҳанг эмиш.

Табийки, бундай "баёнот" ижодкорлар ўртасида бир неча кун давом этган улкан мусоҳабани бошлаб берди. Ўша баҳсларда устун чиққан нуқтаи назарнинг мухтасар мазмунига тўхталаман. Кўпчиликнинг талқинига



қараганда, Абдулла Орипов "оқсоқ" сўзидан олдин жаҳонгир бобомизга нисбатан "бир зот", "мағрур", "давонгир" каби кўплаб ижобий баҳолар берган.

Шунингдек, бир томондан, Абдулла Орипов халқимиз тарихи Темурбек тарихи билан узвий боғлиқ эканига урғу берган бўлса, иккинчи томондан, ўзимизнинг Осиёдан чиққан жаҳонгир дунёнинг ярмини забт этиб, ягона йирик салтанат яратгани ва унинг салтанати икки аср давомида дунё сиёсати ва иқтисодиётига, маданияти ва санъатига муайян таъсир ўтказиб турганига ишорат қилган. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, шоир шароит тақозосига кўра ишлатган ўша салбий мазмундаги сўзнинг таъсирини бутунлай йўққа чиқаради.

Шеърдаги "Демам бу кун, у маним, маним" сатрига келсак, ундаги биринчи "маним" сўзини шоир цензурани чалғитиш учун қўллагани тайин. "Маним" сўзининг иккинчи марта ишлатилиши эса, бу энди таъкид бўлиб, айти шу ҳолат сатр бошидаги "демам" сўзининг таъсирини инкор этади ва "Барибир, Темурбек маним бобом", деган мазмунни келтириб чиқаради.

Ўшанда даладан келибоқ "Ўзбекистон" қасидасини излаб топдим ва ўқиб чиқдим, ҳатто ёд олдим. Бу қасида 1964-70 йилларда ёзилган бўлиб, унинг баҳсларга сабабчи бўлган тегишли банди қуйидагича:

**Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,
Илғай олмас барчасин кўзим.
Мақтамасман мозийни бироқ,
Ўтмишингни ўйлайман бир зум.
Забтга олиб кенг Осиёни,
Бир зот чиқди мағрур, давонгир,
Икки аср ярим дунёни
Зир қақшатди Буюк жаҳонгир.
Айтгум, бу кун, у маним, маним.
Ўзбекистон - Ватаним маним¹.**

Албатта, агар пайқаган бўлсангиз, муаллиф қасиданинг ушбу вариантини истиқлолнинг илк давридаёқ енгилгина таҳрир қилган. Яъни, собиқ мафкурани чалғитиш учун муваққат қўлланилган баҳсталаб сўзларнинг баҳридан кечилган. Бу ҳақда Абдулла аканинг ўзи шундай деган: "Ватанимга аталган ўша қасидани "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасига олиб бордим. Шеър муҳаррирга жуда маъқул бўлди, у киши, ҳатто мени бу муваффақият билан табриклади. Аммо шарт қўйди... Хуллас, газетада қасидамни чиқаролмадим. У, орадан анча вақт ўтгач, раҳматли Зулфия опанинг катта саъй-ҳаракатлари билан "Саодат" журналида чоп этилди. Шунда ҳам "жиндай" таҳрир билан - "дейман" сўзи "демам" деб ўзгартирилди. "Буюк жаҳонгир" сўзлари "оқсоқ жаҳонгир" сўзлари билан алмаштирилди"².

¹ Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Иккинчи жилд: шеърлар ва достонлар. - Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. - 12-бет.

² Люсьен Керен, Акмал Саидов. Амир Темур ва Франция / Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашр. - Т.: "Адолат", 2016. - 101-бет.



Темурбек, Наполеон ва Ватерлоо

Абдулла аканинг 1968 йилда ёзилган "Хатолар" шеърини илк бор тахминан 1978 йиллар атрофида, 7-синфдалигимда ўқиганман. Бу шеърнинг иккинчи банди шундай мисралар билан бошланарди:

Бобом пайғамбарлар қасоси учун

Гоҳо осийларнинг олди бошини.

Уни қарғадилар хатоси учун,

Ҳамон отмоқдалар таъна тошини³.

Гарчи Амир Темур ва унинг авлодларидан буюк давлат арбоблари, жўмарг саркардалар, бунёдкор шоҳлар, буюк олим ва мутафаккирлар, эл ардоқлаган шоир ва меъморлар етишиб чиққан бўлса-да, ҳатто ўз юртимизда яқингача - истиқлолга қадар бу шавкатли аждоғларимиз золим подшолар сифатида талқин этиб келинганини бир эслайлик. Шу маънода, Абдулла ака ўша вақтлардаёқ буюк Соҳибқирон шаънига ёғдирилган бўҳтонун туҳматларни рад этишга интилан.

Мустақиллик туфайли тарихимиздаги буюк шахслар, хусусан, Соҳибқирон Амир Темур мероси тўғрисида бор ҳақиқатни айтиш имкони тугилди. Жумладан, энди Устознинг юқоридаги мисралари замиридаги туб маъно-моҳиятни чуқурроқ англаш шарт-шароитларига эгамиз.

"Темур тузуклари" асарига кўра, Буюк Соҳибқироннинг ўз пири⁴дан олган мактубида, хусусан: "Худонинг ва пайғамбарининг ҳукмига амал қилгин, расулуллоҳнинг зурриётига ёрдам бер, Тангрининг неъматларини еб, яна унга ва унинг пайғамбарларига душманлик қилган подшоҳларни Оллоҳнинг мулкидан чиқар. Парвардигорнинг мулкида адолатли иш тутгилким, шундай демишлар: "Мамлакат куфр билан туриши мумкин, зулм бор ерда туролмайди..."⁵, деган жумлалар бўлган.

"Пиримнинг бу мактуби менга етиб келгач, Худо мулкани золимлар, бидъатчи мунофиқлар, фосиқу фужурлар қўлидан тортиб олиш, уларни йўқотиш учун белга ҳиммат камарини боғладим"⁶, дейди Соҳибқирон ҳазратлари.

Бу иқтибос Абдулла ака 1968 йилдаёқ "Темур тузуклари" асарининг мазмун-мундарижасидан яхшигина хабардор бўлганини тасдиқлайди. Лекин Устоз ўша замонларда икки ҳақиқатни ҳам - яъни, биринчидан, ўзининг Соҳибқирон тарихини чуқур ўрганганини, иккинчидан, Амир Темур дунёда зулмга барҳам бериш ва адолат ўрнатиш учун ҳарбу зарб қилган одил жаҳонгир бўлганлигини вақтинча хаспўшлаб туришга мажбур эди.

Француз шарқшунос олими Жан Поль Ру қайд этганидек, "Амир Темур номи қалбларда қандай ҳиссиёт уйғотишидан, унинг номига қандай мало-

³ Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд.- Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.- 154-бет.

⁴ Амир Темурнинг уч шайхга нисбатан ихлоси жуда кучли бўлган. Булар - Шамсиддин Кулол, Мир Саййид Барака ва Зайниддин Тайободийлардир. Буюк Соҳибқирон, асосан, Мир Саййид Барака ва Зайниддин Тайободий билан мактублар алмашгани маълум.

⁵ Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ.; форсча матндан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. - Т.: "Ўзбекистон", 2011. - 136-бет.

⁶ Ўша манба. - 137-бет.



матлар ёғилишидан қатъи назар, унинг ғайритабиий ва маҳлиё этгувчи инсон бўлганлигини, унинг саркардалик маҳоратини ва давлат арбоби сифатидаги ажойиб фаолиятини тан олмаслик мумкин эмас. Амир Темур яшаган дунёда унинг салоҳиятига тенг келадиган ёки ортиқроқ салоҳиятга эга бўлган кишилар йўқ эди. Уни буюк саркардалар Александр Македонский, Юлий Цезарь, Чингизхон ва Наполеон Бонапарт қаторига қўйиб ўрганиш мумкин. Чунки, Амир Темур ўз асрининг буюк кишиларидан эди"⁷.

Шу нуқтаи назардан, Абдулла Орипов томонидан ушбу шеърдаги биринчи бандга "Наполеон хатоси"нинг тилга олиниши ўша "хаспўшлаш" ҳийласи учун пойдевор бўлгани тайин. Бинобарин, Соҳибқирон шу қагар буюк геосиёсий муваффақиятларга эришганки, орадан тўрт аср ўтганидан сўнг Наполеоннинг ҳайрату ҳавасини келтирган.

Генерал М.И.Иванин⁸ (1801-1874) Амир Темурнинг жангу жагал, уруш майдонига кириш ва чиқиш, қўшинни сафлаш, ғаним лашкарини синдириш тузуги асосида лашкарни қўл, жавонғор, баронғор, ҳировул, чоповул, шиқовулдан иборат тартибда жанговар сафга тизиш тажрибасини ўз даврининг қўшинни сафга тизиш амалиёти билан қиёслар экан, биринчидан, бу ҳолатларда жуда кўп ўхшашликлар мавжудлигини очиқ эътироф этса, иккинчидан, сафга тизишнинг бундай тартибини негадир Наполеон I нинг кашфиёти сифатида нотўғри нисбат берилиши ҳақида тўхталган⁹.

М.И.Иваниннинг фикрича, агар жанговар сафга тизишнинг бундай тартиби Ласси¹⁰га мансуб ҳарбий соқчиларни сафга тизиш тартибидан кейин киритилганини, бу ўзгаришларга қагар эса қўшин тифиз сафга ва захира қисмларисиз ҳаракатланганини ҳисобга олган ҳолда, Амир Темурнинг қўшинларни жанговар сафга тизиш тартиби баён этилган "Темур тузуқлари"нинг француз тилидаги таржимаси 1787 йилда нашр этилгани назарда тутилса, ўз-ўзидан бир ҳақиқат аён бўлади. Яъни, ҳудди ўша даврда Наполеон Мисрга ва кейин Осиё қитъасидаги Туркияга, Эрон ва Ҳиндистонга ўз ҳарбий экспедициясини режалаштирар экан, "Темур тузуқлари"ни ўқимаган бўлиши мумкин эмас.

Аслида ҳам, Наполеон "Темур тузуқлари"га баён этилган Амир Темур, шунингдек, Чингизхон, араблар ҳамда Александр Македонскийнинг Осиё бўйлаб жанговар юришларини пухта таҳлил қилган бўлиши керак. Ва та-

⁷ **Қаранг:** Люсьен Керен, Акмал Саидов. Амир Темур ва Франция / Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашр. - Т.: "Ағолат", 2016. - 411-бет; Jean-Paul Roux. Tamerlan. Paris, 1994. - P. 24.

⁸ **Михаил Иванин** - рус армияси бош штабининг генерал-лейтенанти. 1875 йилда Санкт-Петербургда "О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингисхане и Тамерлане" номли китоби нашрдан чиққан. Китобга сўз боши ёзган бош штаб генерал-лейтенанти, князь Н.С.Голицин ушбу асарни "Ҳарбий-тарихий адабиётимиздаги ажойиб воқеа", деб баҳолаган. Қаранг: Б.Аҳмедов. Генерал М.И.Иваниннинг "Мўғул-тоторлар истилолари ва Ўрта Осиё халқларининг Чингизхон ва Амир Темур замонидаги ҳарбий санъати" асари ҳақида // Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 2002. №2. 47-бет.

⁹ М.Иванин. Армия Тамерлана // Газета "Татарский мир", 2003. www.tatword.ru/article.shtml

¹⁰ **Ласси** - рус армиясининг генерал-фельдмаршали, миллати ирланд, 1738-1739 йилларда Қрим хони лашкарини тор-мор этган, 1741-1743 йиллардаги рус-швед уруши даврида рус қўшинига қўмондонлик қилган.



бийки, ўз даврининг ҳарбий даҳоси сифатида Амир Темурнинг қўшинлари жанговар сафга тизиб тартибини ёрқин намуна сифатида нафақат чуқур ўзлаштирган, айна чоғда уни замонавий қуроланган ўз даври армиясига мослаштирган ҳолда жорий этган бўлишининг эҳтимоли каттадир¹¹

Бироқ Амир Темур геосиёсатининг олий сир-асрорини Наполеон, барибир, англаб ета олмаган. Гап шундаки, урушдан-урушга ўтгани сари Амир Темурнинг жанговар кучига-куч, иқтисодий қудратига-қудрат қўшилиб борган бўлса, Наполеон ўз ғалабаларига Франция ва Европани ҳолдан тойдириш эвазига эришган. Амир Темурга - куч тафаккурга хизмат қилган бўлса, Наполеонга - тафаккур кучга хизмат қилган.

Наполеон Россияга ўйловсизлик билан ҳужум уюштириб, кейин унинг таслим бўлишини "Поклонная гора"да турганча беҳуда кутган. Амир Темур эса қизғин жанглardan ҳали совиб улгурмаган Куликово майдонигача келиб, сўнг ортига қайтган. Хўш, ҳар икки жаҳонгирнинг бу ўринда қўллаган ўзига хос стратегиялари қандай натижа берди, деган савол туғилади.

Амир Темур, бир томондан, ўзи бирор-бир манфаат кутмаган ҳудуддан қўшинини беталафот олиб чиқиб кетган. Иккинчи томондан, рус князликлари мисолида ўз салтанати яқинида беқарор ҳудудлар ва ғаним кучлар шаклланишининг олдини олган.

Наполеонга эса мутлақо тескари натижа кузатишган. Россиянинг ўша пайтдаги чегараси бўлган Неман дарёсидан 1812 йил 23 июнда 420 минг қўшин билан ўтган ва русларнинг 267 минг лашкарини чекинишга мажбур қилган Наполеон, охир-оқибат, ўша йилнинг декабрь ойида ҳудди ўша дарёдан атиги 18 минг киши билан ортга қайтган. Бу орада Францияга қарши Россия, Англия, Пруссия, Австрия, Швеция, Испания ва Португалиядан иборат кучли ҳарбий коалиция вужудга келган. Германия, Пруссия каби мамлакатларда эса Наполеонга қарши озодлик ҳаракатлари бошланиб кетган¹².

Шундай қалтис вазиятда Франция бирлашган Европага қарши урушга тайёргарлик кўрган. Наполеон мағлубиятга учраган ва тақдири узил-кесил ҳал қилинган Ватерлоо ёнидаги жангда француз қўшинлари сони 275 минг аскардан иборат бўлса, иттифоқчилар томонидан 1 миллиондан ортиқ лашкар иштирок этган.

Абдулла Орипов "Хатолар" номли шеърининг дастлабки бандида ана шу мағлубиятни қуйидагича тасвирлаган:

**Ватерлоода хато қилди Наполеон -
Жаҳонгирнинг қайтди шу кун омади.
Мана ўтса ҳамки неча бир замон,
У ҳақда гапирмаган одам қолмади¹³.**

Шоир буюклар ҳақида фалсафий мушоҳадасини давом эттириб, Наполеонни Соҳибқирон билан қиёслагани бежиз эмас. Нега деганда, академик Акмал Саидовнинг фикрича, бу зотлар турли замонларда ва турлича мада-

¹¹ М.Иванин. Армия Тамерлана // Газета "Татарский мир", 2003. www.tatword.ru/article.shtml

¹² Эргашев Ш. Уч буюк француз. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2014.- 92-94-бетлар.

¹³ Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд.- Т.: Фафур Фулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.- 154-бет.



ний маконларга яшаган бўлсалар-да, улар ўртасида анчагина ўхшашликлар мавжуд:

биринчидан, уларнинг иккиси ҳам қирол ёки хон авлодидан бўлмаган, лекин ўзларининг ёрқин истеъдоди ва тарих тақозоси туфайли навқиронлик пайтиданоқ ҳокимият тепасига келганлар;

иккинчидан, ҳар иккаласи ўз салтанатининг пойтахти - бири Самарқандни, бошқаси эса Парижни дунёнинг энг гўзал шаҳрига айлантириш учун улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширган;

учинчидан, ҳар иккиси ҳам давлат бошқарувида ўз даври учун мукамалликка эришган бўлиб, бирдан "Темур тузуклари", иккинчисидан, "Наполеон кодекслари" мерос қолган;

тўртинчидан, энг муҳими, уларнинг фаолиятига ҳар хил даврларда турлича баҳо берилганига қарамасдан, ҳар икки буюк зотнинг ҳам тарихда ўз муносиб ўрни борлигини ҳеч ким инкор қила олмайди.

Шу билан бирга, Наполеон Амир Темурдан фарқли равишда, тирик пайтидаёқ тахтдан туширилган. Бунга Ватерлоодаги машъум фожиа сабаб бўлган. Шунингдек, Наполеоннинг ҳаёти хўрлик, ҳақорат ва фожиавий қисмат билан якун топган бўлса, Соҳибқирон мардонатор равишда, навбатдаги зафарли жанг остонасида, яқинлари бағрида ҳаётдан кўз юмган.

Яна бир фарқли жиҳат - Амир Темур моҳир шахматчи, айрим манбаларга кўра, ҳатто "катта шахмат" кашфиётчиси сифатида эътироф этилгани ҳолда, Наполеон мутлақо кучсиз шахматчи бўлган. У шахматни жуда мураккаб, зерикарли ва кўп вақтни оладиган ножиддий ўйин, деб ҳисоблаган. Шу боис, асосан шашка ўйнаган ва ўзининг жанг майдонида қўлайдиган тактикаларини ҳам ушбу ўйиндан нусха олган.

Ежи Гжицкий (1919-2009)¹⁴ таъкидлаганидек, тақдир тақозосига кўра, умрининг сўнгги йиллари, яъни муқаддас Елена оролида сургунда бўлган пайтларида Наполеон шахмат ўйинига қайтадан ишқибоз бўлган. Лекин бу гал шахмат Наполеонга, таъбир жоиз бўлса, вафо қилмаган. Яъни, француз жаҳонгирга садоқатли дўст бўлган офицерлар томонидан совға қилинган шахматнинг фил суягидан ясалган айрим доналари ичига сургун оролидан қочиш режаси яширилган бўлиб, Наполеон умрининг охиригача бу сирдан бутунлай беҳабар ўтган¹⁵.

Амир Темур Чингизхон истилосидан кейинги даврда Мовароуннаҳр атрофидаги ўтроқ халқлар яшайдиган ҳудудларни Евроосиё марказига бирлаштиришга бутун умрини бағишлар экан, бу ердаги кўчманчи халқларга хос ҳаёт тарзини, уларнинг ўзига хос тизимли урф-одатларини бекор қилмаган. Бинобарин, Соҳибқиронга бу анъана ва расм-русумларнинг зиёни-

¹⁴ Ежи Гжицкий - польшалик таниқли журналист ва кинотанқидчи, шахмат тарихи бўйича мутахассис ва коллекционер. Машҳур "Шахмат билан бирга асрлар ва мамлакатлар оша" номли китобнинг муаллифи. 1958 йилда ёзилган ушбу асар рус тилида беш марта қайта нашр этилган, шунингдек, инглиз, венгер, чех, швед ва данияликлар тилларида чоп этилган. Владислав Литманович билан ҳаммуаллифликда 1986-87 йилларда илк поляк шахмат энциклопедиясини тузган.

¹⁵ Ежи Гжицкий. С шахматами через века и страны / Из предисловия Давида Бронштейна. Пятое издание. - Warszawa: "Sport i turystyka", 1970. - С.197-198.



дан фойдаси кўпроқ теккан. Ричард Нельсон (АҚШ) эътироф этганидек, "Амир Темурнинг яна бир жиҳатига тан бермай иложи йўқ - у бир қатор маданиятлар, масалан, кўчманчилар билан ўтроқ халқлар ёхуд мўғуллар, турклар, форсийлар, энг муҳими, Фарб ва Шарқ ўртасида яхшигина кўприк ўрнатган"¹⁶.

Алқисса, устоз Абдулла Орипов ўз шеърини қуйидаги банг билан хуло-салайди:

**...Хато қилган бўлсам кечиргин, болам,
Юз йил давомида чўзаверма, бас.
Кўриб турибсан-ку, мен оддий одам,
Наполеон эмасман, Темур ҳам эмас!**

Хўш, шоирнинг ёш авлодлар олдидаги бундай узрхоҳлигига сабабчи хатоси нимадан иборат бўлиши мумкин? Фикримизча, Устознинг бу "хато"си, биринчидан, Амир Темур ва Наполеоннинг "хатолари"дан тўлиқ хабардор бўлганида, иккинчидан, сизу бизни ана шу қизиқарли тарихий жумбоқларнинг тагига етиш учун астойдил изланишга даъват эта билганида - сирлар калитини топишга ундаганида, десак хато бўлмайди.

Дарвоқе, 2004 йили Бельгияга йўлим тушганида, Наполеон учун фожиавий тугаган сўнгги тарихий жанг манзили - Ватерлоо тепалигини зиёрат қилдим. Ўша ердаги дўкончадан Абдулла акамга эсдалик учун арзимаган бир совға харид қилдим. Устознинг боши кўкка етгани-я...

"Удалаган паҳлавоннинг ҳалоли бўлсин"

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманининг Хўжа Илғор қишлоғи қабристонига туташ чимзорда "Т" шаклида тарошланган, вазни тахминан 110-120 килолик кўҳна харсангтош бор. Қишлоқ аҳли уни "полвонтош" деб атайдилар.

Ривоят қилишларича, буюк Соҳибқирон ҳар гал ота юртига келганида, аввало, яқинлари хоки пойини тавоф этар, сўнг қишлоқнинг сайхон жойида сайил уюштириб элга назр-ниёз улашар экан. Шу ернинг ўзига аскарликка талабгор йигитлар синовдан ўтказилар, яъни полвонтошни даст кўтарганча даврани бир қур айланиб чиққан ўғлонлар Амир Темур қўшини сафига қабул қилинар экан.

Тошнинг тепа қисмида пиёла шаклида чуқурча ўйилган. Айтишларига қараганда, бу митти ҳавза унда тўпланадиган ёмғир сувидан парранда-паррандалар ичиши учун мўлжаллаб Амир Темур кўрсатмаси бўйича тарошланган. Бунинг замирида навқирон, ақл-фаросатли, баҳодир, довюррак, тадбиркор, сергак ва садоқатли ўғлонлар билагидеги куч-қудрат, уларнинг соғлом руҳи, жисмоний камолоти наинки юрт осойишталигини, халқнинг тўқис ва фаровон турмушини, салтанат ободлиги ва шон-шавкатини таъмин этишга хизмат қилади, балки, ҳатто осмондаги қушларга ҳам ғойибона қуввату офият бағишлайди, деган эзгу ақида мужассам.

¹⁶ Ричард Нельсон. Темур ҳарбий стратег ва улкан сиёсатдон сифатида // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. - Т.: "Ўзбекистон", 1996. 33-бет.



Холисона айтадиган бўлсак, буюк ажодимиз ҳаётига бағишланган ман-баларда бу тош ҳақида бирор-бир ёзма маълумот учрамайди. Демак, полвонтошнинг Амир Темур фаолиятига қанчалик алоқадорлиги тарихи но-маълум. Айни чоғда, юқоридаги ҳикоятда бошқа бир муҳим моҳият - Амир Темурнинг соғлом авлод, соғлом халқ ҳақидаги орзу-ҳаваслари, қараш-лари яққол ифодасини топганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Тарихдан аёнки, Амир Темур ўз салтанатини ўн икки тоифага бўлган ва уларга таяниб, салтанат қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб тузган ҳолда иш юритган. Бунда саккизинчи тоифа - ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислардан иборат бўлган. Амир Темур-нинг фикрича, бу тоифа мамлакат ишига ривож берувчи кишилардир.

Бошқача айтганда, халқ соғлиги - юрт бойлиги, деган мақол ўша давр-лардаёқ маълум бўлиб, Амир Темур унга қатъий риоя этган. Халқ ёнпасига саломат бўлса, юрт обод, тинч-фаровон бўлади, деган ақидадан келиб чиқ-қан Соҳибқирон ҳақимлар, табибларни, яъни халқ саломатлиги посбонла-рини ҳурмат қилган, уларнинг меҳнатини эъзозлаган.

Жаҳонгир бобомизнинг сиҳат-саломатлик масалаларига нафақат дав-лат арбоби, балки оддий инсон сифатидаги ёндашуви ҳам ҳаётийлиги ва манتيқий асосланганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бу қараш-лар ҳозирги кунга қадар ўзининг долзарблигини йўқотмай келмоқда.

Амир Темур ҳаммадан, фарзандлари ва невараларидан ҳам оилавий ма-салаларга ҳамisha шаръий ёндашишни, покиза, ҳалол бўлишни талаб қил-ган. У аёлларнинг шарм-ҳаёли, иффатли, ҳушёр, оқила бўлишини истаган, келинларига нисбатан ниҳоятда меҳрибон ва шафқатли бўлган. Оғироёқ келинларини ўз эътиборига олиб, уларга ғамхўрлик қилишни шахсан оқила Бибиҳоним зиммасига юклаган. Улар учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган.

"Миллатнинг дардларига гармон бўлмоқ вазифангиздир" - бу ҳикматли шиор шавкатли бобокалонимиз маънавияти бебаҳо дурдоналаридан бир шингил, холос. Амир Темур маънавияти улкан манба, туганмас булоқ бўлиб, ҳозирги кунда миллий истиқлол ғоясини ҳаётимизга кенг жорий қилиш йўлида айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Алқисса, Хўжа Илғор қишлоғида кўрганам бир қарашда ўта жайдари, яна бир қарашда том маънода тарихий ўша тош ҳақида Абдулла ака билан гурунглариимизнинг бирида ниҳоятда берилиб сўзладим. Юқорида ёзган гапларимнинг ҳар бир жумласини обдан ошириб-тошириб ҳикоя қилдим.

Устоз эса берилиб тинглади. Мен кашф этган янгиликдан мутлақо беҳа-бардек, баъзан ҳайратланиб ва сира чарчамасдан бош ирғаб, маъқуллаб ҳам турди.

Ўша тарихий полвонтош ҳақида келгусида мақола ёзмоқчи эканимни¹⁷ айтгач, ниҳоят гапиришдан тўхтадим. Сўнгра чуқур нафас ростладим, зеро ўзимдан кўнглим тўлган эди. Кимсан, Абдулла Орифдек зот беҳабар нарсаларни кўриб келиб, бошлаб айтиб бергандим ва Устозни лолу ҳайрон эт-гандим, ахир!

¹⁷ Абдулла акага ваъда қилган мақоламни кейинчалик ёздим ва матбуотда чоп эттирдим. Қаранг: Гулом Мирзо. Полвонтош / "Туркистон" газетаси. 2005 йил 23 февраль.



Яна узоқ суҳбатлашиб ўтирдик, бошқа мавзуларга ҳам берилиб гурунглашдик. Хайрлашиш асносида, Абдулла ака бир варақ қоғозни секингина чўнтагимга солиб қўйди.

Уйга келганимдан кейин ўша варақнинг буклоғлиқ қатини очдим, унда Устознинг қаламига мансуб **"Темур тоши"** номли шеър битилган экан:

**Хўжа Илғор қишлоғида яхлит бир тош бор,
Уни ердан уза олмас унча-мунча зот.
Бир замонлар ёвқур Темур - ёш ва шиддаткор,
Машқ қиларкан ўша тошни кўтариб азот.**

**Асрларким Темур тоши турар мустаҳкам,
Синашмоқчи бўлса ҳар ким иқболи кулсин.
Ўша тошга ўхшаб кетар замон юки ҳам,
Удаллаган паҳлавоннинг ҳалоли бўлсин¹⁸.**

Ушбу ҳикоятларни баён этишимдан мурод шуки, кейинги даврда асрлар бўйи улуғ Соҳибқирон бобомизга бағишлаб хорижда яратилган опера, достон ва ҳикоялардан айрим намуналарни ўзбек тилига таржима қилдим. Бунда, албатта, Амир Темур ёдини бир умр қалбининг тўрида, кипригининг учида, кўзининг оқу қорасида эҳтиётлаб сақлаган Абдулла Ориповдек ор-номусли Устознинг руҳи менга ҳамиша илҳом бағишлаб турди.



¹⁸ Қаранг: Абдулла Орипов. Темур тоши / "Соҳибқирон юлдузи" журнали. 2010, 1-сон 7-бет.



TARIX - VATAN SHA'NI, EL VA OLIM IMKONI

(Профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг илмий
фаолиятига чизгилар)

Поён РАВШАНОВ,
Қарши давлат университети профессори.

Инсониятнинг босиб ўтган йўли, яшашда орттирган тажрибаси тарихнинг ададсиз силсиласидир. У ўтаётган кунлар, ойлар, йиллар ва босилаётган қадамлар билан кенгайиб, узайиб боради. Бу силсиланинг учи қуйруғи, интиҳоси йўқ, олам янглиғ қадим, одам мисол яшовчан. Милоддан нарига бўйлаганда, кеча ва бугунга назар ташлаганда ҳам, унинг хазинаси доимий тўла боришда эканлигини англаш мушкул эмас. Тарих одамзод билан туғилган ва одамзод билан умргузаронлик қилади. Ўтган воқеа-ҳодисаларни жамлайди, истиқбол учун хулоса ва ибрат ҳозирлайди. Ўтган, элу юрт бошидан кечирган саналарга, уларнинг айрича хусусиятларига, тараққий омилларига, иктисодий фаровонлигига, шу билан бирга, кечмишнинг таназзулларига, босқинларига, зиддиятли курашларига, қирғин ва офатларига эътибор берилмаса, лоқайдлик кўрсатилса, давлат, жамият, раиият ҳар қадамда қоқилишга, табиатан, мустаҳиқ этилган. Тарих - муддатсиз ва синфсиз ўқув даргоҳи.


Унинг ибрат мажмуини ҳали-ҳамон ёзиб тугатиб бўлмайди. Тарих - аҳли башарнинг сояси, ундан донишмандона фойдаланиш ва соялаш, узоқ йўл босишда нафасни ростлаб олишда кўмак олиш муносибдир. Ва, ниҳоят, тарих ҳар бир кишининг, эл - юртнинг, ватаннинг сўнмас, шаффоф ойнаси ҳамдир. Бу кўзгуга қараб орасталанмоқ фарздир ва бу анъанани ҳеч қачон фаромуш қилмаслик вожибдир.

Мустабидлик замонида қўлимиздан мозий ойнаси - тарих тортиб олинганлиги боис 74 йил давомида қиёфамизни афтодаҳол, гира-шира тасаввур этишга мажбур қилинганлигимизни, Ватан мустақиллиги туфайли жуда теран англадик. Бу ҳақиқатни, биринчи галда, сўзнинг том маъносидаги тарихчи олимлар, зиёлилар олдиндан тушуниб етган, аммо, терс ушланган кўзгуни ўнглаб қўйиш, мустабид тузум даврида имкондан эмасди. Мен, мухтасар фикр юритмоқчи бўлган муаррих олим, шу жумладан, етакчиларидан бири бўлиб, янги тарихимиз истиқболи-



га пешвоз чиққан эди. Бу муҳтарам аллома Андижон давлат университетининг профессори, Республика-мизда биринчилардан бўлиб, "Ўзбекистон тарихи" кафедрасини ташкил этган ва унинг мудури лавозимида фаолият кўрсатган Рустамбек Шамсутдинов эди. Тарих илмиётининг пешволарини, Қарши, Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда ҳам яхши билардим. Рустамбек Шамсутдинов билан Самарқанд давлат университетидан бир вақтда, биримиз тарих, иккинчимиз филология йўналишида таҳсил олганмиз. Олийгоҳни 1963 йилда хатми кутуб қилганмиз. Рустамбек акани, таассуфки, юзма-юз эмас, мақолалари ва китоблари орқали таниганман. У киши баъзи бир ҳамкасбларига ўхшаб, съездлар, пленумлар, партия арбоблари ҳақида эмас, пинҳон қолиб келаётган кечаги тарихимизнинг олмос қирраларини кашф этишга бел боғлаган эдики, шунга ташна ва ихлосманд бўлган ўқувчилар нигоҳидан бу жўмардик четда қолмасди. Мени ҳайратга солган "Олтин ва муқаддас бешик", "Тарих ва тақдир", "Эрка чорлаган эркисизлик", "Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари", "Тарих ҳақиқатгўйликни ёқтиради ёки жанжалнинг тарихий илдизи хусусида", "Босмачилик ҳаракати ҳақида" сингари илмий, журъатли чиқишлар Рустамбек аканинг "портлашга" истибдод йилларидаёқ тайёр бўлганлигининг далолати эди. Сир эмас, ўтган асрнинг 90-йилларида, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда бу тарихий ўзгаришдан карахт бўлиб қолган, илм йўлакларидан юрар сўқмоғини адаштириб қўйган мана-ман деган олимлар аксар кўпчиликни ташкил этарди. Мен буни сал кейинроқ,

Рустамбек Шамсутдинов билан 1997 йилда Тошкентга, Янги тарих марказига ишга таклиф этилганим, эшитган эмас, кўз билан кўриб, гувоҳ бўлиб, англаб етганман.



1996 йил 18 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида "Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида" фармойиш қабул қилинган эди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрда дастуриламал аҳамиятга молик қарори катта аҳамият касб этди. 1997 йилнинг бошларидан эътиборан Янги тарих маркази амалий-илмий фаолият кўрсата бошлади. Ўзбекистоннинг янги тарихи - уч жилдлик тамалий мажмуани яратиш кун тартибига чиқазилди. Янги тарих марказининг раҳбари, илмий жамоаси, кенгаши шакллантирилган эди. Шу йил март ойидан эътиборан Андижондан профессор Рустамбек Шамсутдинов, Қаршидан мен ўриндошлик асосида марказнинг бош илмий ходимлигига, янги тарихнинг биринчи жилди - "Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида" асарини яратишга, муаллифликка таклиф этилган эдик. Профессор Ҳамдам Содиқов учаламиз мақбул режа бўйича илмий изланиш, тадқиқот натижаларимизни умумлаштириш, илмий истифодага киритиш бўйича қизгин иш олиб борганмиз.

Эндиликда, Янги тарих маркази



ташкил этилганига 20 йил тўлаётир. Мўлжал қилинган 3 жилдлик 2000 йилда нашрдан чиқди. Янги тарих маркази, чамамда, ўз зиммасидаги масъулиятни уч китобни ёзишдан иборат, деб тор қамров доирасида қолгандек эди. Раҳбарлар алмашди, уч жилднинг айримларига кутилмаган "муаллифлар" тиркаб қўйилди. Охири, бўлмади, Янги тарих маркази ўз ўрнини совутди. Инсоф юзасидан айтганда, тиришқоқлик, ҳалоллик, холислик ва ватанпарварлик билан, мустақиллик руҳидан катта илҳом олиб ёзилган учта асар фойдага қолди. Уларнинг илмий-амалий қимматини ҳамиша юксак қўйиш ҳақиқат юзига тик қараш бўлур эди.

1997 йилнинг 11 июль куни, соат ўн бирда Янги тарих марказининг Илмий кенгаши бўлган, Н. Жўраев ва Т. Файзуллаевларнинг 3-китобини нашрга тавсия этиш масаласи муҳокамага киритилганди. Бизларнинг 1-жилддигимиз ҳам нашрга тахт, кун тартиби мундарижасида бор эди. Рустамбек Шамсутдинов билан ҳамкорликда тайёрлаганимиз "Амирлашкар Алимқул тарихи" табдиллий асарнинг нашри ҳақида ҳам шу анжуманда ечимга келиниши кутилаётганди. Йиғилишда Алишер Азизхўжаев иштирок этганди. Кенгашда уч академик ҳам қатнашаётганди. Масалалар муҳокамаси бошланмай туриб, бироз қизишув, танг вазият вужудга келди. Академиклардан бири "Янги тарих ҳам уч жилдлик экан, биз академиклар ҳам учтамитиз, шундай экан, ҳар биримизни учала жилдга муаллифлар сифатида киритишни талаб қиламиз", деб қолди. Бош вазир ўринбосари, академия ректори Алишер Аббосович бу таклифга кескин қарши чиқди:

"Сизлар совет мафкураси билан тўйингансиз, янги тарихни эски қарашлар, андозалар билан ёзиб бўлмайди", деди. Алишер Аббосович бу гапини бир эмас, уч марта такрорлаб айтди. Орадан шунча йиллар ўтиб, ўйлайманки, янги тарихнинг уч жилддигини ёзиш ва китоб ҳолига келтириш осон кечмаган, тўсиқлар бартараф бўлмай, жабрини муаллифлар кўрган эди. Китобни қаттиқ машаққатлар чекиб, эрталаб соат олтидан тунги ўн иккига қадар ҳар бир варагини ёзиш, таҳрир қилиш, умумий мундарижага мувофиқлаштириш билан банд бўлардик. Ўша пайтлар Рустамбек аканинг фидоийлигига, ишлаб толмаслигига, билим доирасининг теран ва кенглигига, зукко ва ҳозиржавоблиги, қувваи ҳофизасига қойил қолганман. Уч хонликнинг сиёсий, тарихий, иқтисодий, маданий ҳаётини ёритишда манбалар кам эмасди. Ёзилган ҳар бир босма табоқни Рустамбек ака синчиклаб ўқир, ўзини ҳам, бизни ҳам ишга жалб этарди. У кишининг таклифи билан шу вақтга қадар илмий истеъмолга киритилмай келинган, Қўқонда, Хивада, Қаршида, Бухорода ёзилган қўлёзма тарихий асарлар асосий манбаларимиз туркумига киритилди. "Амирлашкар Алимқул тарихи", "Алимқул жангномаси" шу ташаббуснинг маҳсули ўлароқ, майдонга келди. 1997 йилнинг 29 июлида, юқорида эслатилган илмий кенгашдан ўн саккиз кун ўтиб, академик Бўрибой Аҳмедов "Амирлашкар Алимқул тарихи"ни нашрга тавсия этиб, тақризга имзо қўйиб берди. Асар нашр этилди, бироқ, ҳасад хирмонига ўт тушди. Орага "Ҳуррият" газетаси тушди ва мубҳамлик тарқалиб, нашрга тайёрловчиларнинг юзи



ёруғ бўлди. Олим киши гапидан тонмайди, лекин, уни тондиришга кимлардир, учинчи одам сабаб бўлади. Бу сафар ҳам шундай бўлган эди.

Олим, аллома учун унвонлар, даражалар писанд эмас. Бу жиҳатлар ҳам истеъдод, билим, қийинчиликлар билан қўлга киритилади. Ҳаётда мавқеъ эгаллашда қўл келади. Академикнинг ўрнига номзодни тавсия этиб бўлмайди. Булар тушунарли ҳолат. Бироқ, чўққига чиқиб олган алломанинг саводхонлиги ҳавас қилгудек бўлиши, илмий маҳсулоти 20-30 китоб чегарасини алақачон бузиб ўтиши, муомаласи, маданияти, бағрикенглиги илмий даража ва унвондан юз карра устунроқ деб биламан. 1997 йилнинг 28 июли куни "Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида" китобимизга Фанлар академиясининг тегишли бўлимадан тақриз олишга бордим. Академикнинг қўлда ёзилган тақризини ўқидиму, ҳайрон қолдим, гиж-гиж имло хато. Машинкаловчи котиба - рус аёлидан "домланинг русчаси қалай, тўғри ёзадими?", дея сўрадим. Котиба камгап экан, "ещё хуже", деди бир оғиз. Бу тақриз муаллифи Янги тарих Илмий кенгашида муаллифликни даъво қилган таниқли олим эди. Алишер Азизхўжаевдан, рост, ўша пайти, йирик алломаларни бежиз ранжитди, деган малолиятга келгандим. У киши биз билмаган кўп нарсани билар экан.

Рустамбек Шамсутдинов кенг фаолиятли олим. Марказда иш қизгин давом этаётган маҳалларда у кишининг ватан тарихига оид салмоқли китоби босилган, катта қизиқишларга сабаб бўлган эди. Миннатдорчилик ўрнига, муаллифнинг йўлига канча тўсиқлар қалаштирилган эди. Бу олимдаги матонат, ўзига ишониш,

тинимсиз илмий меҳнат енгиб ўтиш омили эди. Мен Рустамбек акадан олти ой давомида кўп нарса ўргандим. Масъулият, ишга садоқат, толиқмай илм қилиш у кишининг устувор фазилатлари. Марказнинг жони тани ҳам, қувват ва жипслаштирувчи манбаи, ташаббускори ҳам Рустамбек ака эди. Илм-фанда айтирли оби-ҳаво қилмаган, тарих илмиётини юзаки пайпаслаб юрган мен кабилар учун Рустамбек Шамсутдиновнинг тадқиқотчилик усулининг ўзи бир мактаб эди. Фан оламининг қайноқ марказларида билим ва иқтидорни чархлаган, докторлик диссертациясини ҳимоя қилган, қанчадан-қанча дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, рисоалар яратган Рустамбек ака илмий иш технологиясини жуда нозик ва ўткир ҳис қиларди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун "Ўзбекистоннинг янги тарихи" биринчи жилдига, унинг мундарижасига, "Кириш" қисмига бир нигоҳ ташлаш kifоя. Шу, бир босма табоқлик "Кириш"ни Рустамбек ака тавсияси ва иштирокига мувофиқ беш марта қайта ишлаганмиз. Китобнинг номи масаласида эътирозлар бўлганди. "Чор Россияси" деган истилоҳ илмийликдан йироқ "Царь" - подшоҳ деган сўзнинг бузилган шакли эканлиги, бинобарин, "подшоҳлик Россияси" тарзида қўлланилиши мақбул, деган фикрлар, афсуски, инобатга олинмади. Рустамбек аканинг саъй-ҳаракати билан, яхшиямки, матнда шу истилоҳ сақлаб қолинди. Биздан кейинги "таҳрирчилар" бунинг фарқига бориб ўтирмаганлар.

Рустамбек акадан ўзлаштириш керак бўлган яна бир илмий ҳислат, тадқиқот давомида, ўнлаб ман-



балар билан танишиш жараёнида, асосий мавзуга дахли бўлмаган, лекин, изланувчига кейинги ишларида асқатиб қоладиган далилларни қайд этиб бориш одати, дейиш мумкин. Шу ижобий ёндашув туфайли, "Амир лашкар Алимқул тарихи" нашрга тайёрланди. "Шарқ юлдузи" журналида бу асарнинг табдили берилган, таассуфки, мусанниф қўлёзмаси аёвсизларча ўзгартирилган, "эди"нинг ўрнига, "бўлди" дейилиб, бузиб ёзилган эди. Мумтоз тарихий қўлёзмалар, манбалар табдилида муаллифнинг бир ҳарфини алмаштиришга табдил қилувчининг ҳақи йўқ. Ҳозиргача кузатаман, бу қусур ўша табдилчи аралашган ноёб тарихий асарларда ҳам кўзга чалиниб туради. Майли, бу томонни қўя турайлик. Янги тарихнинг уч жилдлик қолган муаллифларида Рустамбек акага мансуб тармоқли тадқиқот интилишини кўрмадим. Ана буни илмий уфқ, узоқни кўра билишлик салоҳияти, деса бўлади.

Рустамбек Шамсутдинов янги тарихимизга фидойилигича қолди. 1997 йилнинг қайноқ, серғалва, тортишувли ойлари ортада қолди. Янги та-

рих маркази ишонч ва зиммадаги масъулиятни оқлай олмади. Оқибатда, у парокандаликка юз тутди. Айрим обрўли, шу йўлда илк қадамни босган муаллифлар арзон мавқега асир бўлдилар. Кўчирмачилик билан машғул бўлдилар. Булар Янги тарих маркази учун исноддан бўлак нарса эмасди. Шу ҳақда ўйлар эканман, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг алп қомати янада юксалгандек бўлиб туюлади.

2000 йилдан сўнг, "Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида" деган биринчи жилд китобимиз нашр этилгач, бош илмий ходимлик ваколатимиз тугаб, Андижон ва Қарши давлат университетларига қайтганимиздан кейин, кўп ўтмай, Рустамбек Шамсутдиновнинг илм-фандаги сиймоси янада юксалиб, овози баян ва баралла янграй бошлади. "Шаҳидлар хотираси. Сургун", "Ёлқин", "Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари", "Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун", "Ватан тарихи", "Шимолий Кавказ сурғунидаги



Париж 1995 йил август. Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонасида суҳбат. Чапдан: Рустамбек Шамсутдинов, Акмал Саидов, Люсьен Керен, элчихона аташеси Мадамин.



юртдошлар қисмати", "Репрессия" (рус тилида) ... Бу хил китоблар мундарижасини эринмасдан давом эттириш мумкин. Ҳамкору ҳамдаст, устоз олимнинг эришаётган муваффақиятлари, чинакамига, оламшумул эди. Назаримда, Янги тарих маркази Андижонга, профессор Рустамбек Шамсутдинов манзилига кўчгандек эди. Менга, айниқса, "Қатагон қурбонлари" (2007), "Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун" (2003) асарлари стол усти китобларим сифатида кечган тарихимизни инкишоф этган манбалар бўлиб қолди. "Қатагон қурбонлари", сирасини айтганда, мустақиллик даври ўзбек тарихшунослигининг шоҳ асарларидан бири. Уни ёзиш, далилларни жамлашнинг ўзи нақадар машаққат эканлигини архивларда ҳафта ишлаган тадқиқотчи яхши билади. Асарда 1937 йилнинг учлик, қатагонга доир 21-баённомаси таҳлил қилинган. Бу баённомалар ортида мудҳиш воқелик, ота-боболаримиз бошига тушган мустабид сиртмоғи қон юқлари билан осилиб, тебраниб туради. Китобни очиб, уни оҳиста варақлайман. Ўзбекистоннинг бирор вилояти, тумани, қишлоғи йўқки, фуқаролар мазлумлик азобини тортмаган, аксар ҳолларда эса, тухмат билан отувга ҳукм қилинмаган бўлса. 1937 йилнинг 15 сентябрида қабул қилинган Учликнинг ҳукм баённомасига кўз ташлайман.

Шу баённома асосида Кашқадарёдан отувга ҳукм қилинганлар орасида қуйидагилар бўлган: Ҳожимуродов Отақул Бухоров, Рўзиев Тўхли, Раимов Қори Хол, Мухторов Хасан, Шамаев Хожи, Камолов Оғохон, Иброҳимхонов Исмоилхон, Шукуров Бойназар... Бу рўйхатнинг

адоғи узун. Уларнинг айби нимада эди? Т. Хожимуротов "душманлик кайфиятида бўлиб, доимий равишда аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, очлик тўғрисида иғво гаплар, миш-мишлар тарқатганликда айбланган". Ҳукмда қарор бир хил - аксилинқилобчилик, тарғиботчилик, диний қарашлар, бир қолипли айбловларга фақат маҳкумнинг исми шарифи тиркаб қўйилган, холос. Муаллифнинг "Қишлоқ фожеаси" асари билан танишар экан, ўқувчи, беихтиёр Ватан мустақиллигининг қадрини ниҳоятда баланд эканлигига имон келтиради.

Рустамбек Шамсутдинов қомусий тарихшунос аллома. Илмий тадқиқот, фан ташкилотчилиги билан бир қаторда, ёш авлодга тарихимизни олдинги маррада, мустақиллик мафкураси асосида тушунтириш, таҳсил ва сабоқ бериш бобида жонкуяр. Илм-фанга кириб келаётган ёш изланувчиларга тўғри йўлни кўрсатиш, етук олимлик рутбаларига эришишда етакчилик, раҳнамолик қилиш бобида у тенгсиз устоз, мураббий, улкан донишманд. Фан номзодлари, докторлари даражасига муяссар бўлган шогирдлари сони йигирмага яқинлашиб қолди. Улуғ алломанинг этагини тутган илм ихлосмандлари ҳам ўн беш нафарга етай деб қолди. Рустамбек ака омадли, улгурувчан, сариштали олим. У вақтнинг қадрини чуқур туяди. Бирга ишлаган, шогирд сифатида кўп жиҳатларини ўрганишга интилганим йирик олим, забардаст муаррих, бутун қалби, виждони билан элини, халқини, Ватанини севадиган Рустамбек ака, давримизнинг пешқадам олими, юксак одамгарчилик, маданият соҳиби, олижаноб,



саховатли, ўзгалардан ёрдамани, билимини, тажрибасини аямайдиган устоздир.

Рустамбек ака жаҳонгашта олим. Англиягами, қайси давлатга бормасин, китоб саройларини ахтаради. Бир неча тилларни билиши, дўсту қадрдонларининг кўплиги унинг одамийлик, алломалик шоҳсупасига кўтарилишида тенгсиз омилардир. Ҳайратим ва ҳавасим шундаки, профессор Рустамбек ака ҳеч қачон тиним билмайди, кўнгли губорсиз, дарё бу инсон ўзбекнинг гурури, бир сўз билан таърифлаганда, фидойи олими. Рустамбек ака, яқинда Андижондан кўнғироқ қилиб, ҳолаҳволлашиб, янги бир журнал ташкил этганликларини, каминани ҳам таҳририят аъзолигига сайлашганла-

рини айтиб, севинтирди. Мен, ўз умримда жуда кўп олимлар, зиёлилар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Бағри кенглиқда, саховатда, донишмандликда, юртга фидойилиқда Рустамбек Шамсутдинов олдиға тушадиган фан кишиларини кам кўрдим. Кишидаги тақдир ва салоҳият Яратганнинг инъомидир. "Таврот"да айтилганидек, "Аллоҳ пешонасидан ўпган кишигина олим бўлади". Рустамбек ака, туғма тарихшунос аллома.

Рустамбек ака, босиб ўтаётган катта йўлингизнинг ҳамisha ойдин бўлишини, элимиз, юртимиз бахтига толиқмасдан ижод қилишингизни, доимо толиби илмлар давра-сида, илмий анжуманларда тўрда бўлишингизни тилаб қоламан.





ESHNIYOZ AMINNING ACHSHIQ QISMATI

Ботиржон Тожибоев,
Анджон давлат университети
катта ўқитувчиси.

Таянч сўз ва иборалар: *Сурхондарё вилояти, Шеробод, Эшниеъ амин, босмачилик, совет ҳокимияти, милиция, оқсоқол, қизил аскарлар.*

Тарихдан маълумки, 1924 йил кузида Ўрта Осиё республикаларида Марказ ташаббуси билан миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, 1925 йил февралда Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССР ҳамда бошқа автоном республикалар ва областлар тузилди. Бу даврга келиб бутун Туркистон ҳудудида давом этаётган советлар режимига қарши қуролли ҳаракатлар сусайган бўлсада лекин аксар ҳудудларда давом этаётган эди. Хусусан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 1925-1926 йилларда кўплаб қўрбошилар гуруҳлари қизил армияга қарши жангларда фаол қатнашган.

Масалан, 1926 йил 24 октябрда Шеробод шаҳрида¹ бўлган Сурхондарё вилояти "босмачилик"ка қарши кураш кенгаши (облбасмсовещание)нинг махсус йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё обкоми масъул котиб ўринбосари Валидов, Сурхондарё обкоми Шевцов, Сурхондарё вилояти ижроия комитети раиси ўринбосари Исахўжаев, Сурхондарё вилояти ОГПУ бошлиғи Николаев, 7-махсус бригада бошлиғи Брониславский, 7-отликлар бригадаси командири Фадин, Сурхондарё вилояти милицияси

бошлиғи Раҳимбоевлар қатнашиб, унда Фединнинг "Сурхондарё вилоятида сиёсий аҳвол тўғрисида маърузаси"² муҳокама қилинган. Докладда асосий урғу бу пайтда совет ҳокимияти томонида туриб, ўзининг собиқ сафдошлари бўлган қўрбошиларга қарши жанг қилаётган бойсунлик Эшниеъ амин (Эшниеъ командир) ва унга муносабат хусусида сўз боради. Мажлисда қатнашган Николаевнинг фикрича, бугунги кунда Эшниеъ совет ҳокимияти ва қизил армияга халақит бераётганлигини айтиб шундай дейди: «Биз Эшниеъ билан мушук-сичқон ўйинини қайта-қайта ўйнаб, пировардида уни ютиб чиқдик. У бизнинг раҳбарлигимизда фаолият кўрсатиб, аҳоли ўртасида катта нуфузга эришди». Мен унинг фаолиятига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман: ҳокимиятни суистеъмол қилиш, одамларни таҳқирлаш ва ҳақорат қилиш ҳамда хўрлаш, порахўрлик, турли ёлғоняшиқ маълумотлар, "босмачилар"ни қўллаб-қувватлаш, "босмачилар"ни қўллаб-қувватлаганларни турли мақсадлар учун яшириш, кафандўзлик ва талончилик, ноқонуний солиқ ва тушумлар тўплаш, совет комиссарлари номидан сохта мактублар тай-

¹ Бу даврда Шеробод шаҳри Сурхондарё вилоятининг маркази бўлиб марказ кейинчалик Термиз шаҳрига кўчирилган.

² Сурхондарё вилояти давлат архиви ҳузуридаги Денов туманлараро давлат архиви, 6-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 76-78-варақлар.



ёрлаш ҳамда игвогарона хабарларни тарқатиш - буларнинг ҳаммаси ҳаққоний далиллар билан тасдиқланмоқда.

Масалан, Дугоба қишлоғи Совети вакили номига Эшнӣез томонидан ёзилган мактубнинг асл нусхасида айтилишича, экин экиш кампанияси барбод қилинса ҳам у айбдорларни жазоламайди ёки улардан 100 рубль миқдоридан жарима ундирмайди. Иккинчи далил: Саид Менглиқуловга у 60та дарахт кесишига рухсат берди. Учинчи далил: Қораевни қишлоқ кенгаш (сельсовет) раислигидан олиб ташлаб, унинг ўрнига Хўжақул оқсоқолни тайинлади. Бунга ўхшаган мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айримларнинг айтишича, ҳозир Эшнӣезга тегмаслик керак, уни ушласак хато бўлади. Аслини олганда у билан биргаликда бир неча кишини тутиш керак³.

Шу ўринда Эшнӣез амин Юнусов ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Эшнӣез Аминнинг ўзи Бойсун туманидаги Қўшбулоқ қишлоғида туғилган бўлиб, у амирлик даврида қишлоқ оқсоқоли лавозимида ишлаган. Бухоро амирлиги тугатилгач, у дастлаб қизил аскарларга қарши мустақиллик курашида қатнашган. Бироқ, кейинчалик совет ҳокимияти томонига ўтиб, Бойсун, Шеробод, Деновда фаолият кўрсатаётган турли кўрбошиларни, хусусан, 1925 йил 30 декабрда Саломбек кўрбоши⁴ (Салом Калта) гуруҳини тугатишда жонбозлик кўрсатган. У ўзи туғилган Қўшбулоқ қишлоғида совет ҳокимиятининг оқсоқоли бўлган. Кейинчалик у кенгаш ҳокимияти томонидан қамоққа олинган. У қамоққа

олингунга қадар кўнгилли мусулмон отрядининг командири ва Бойсун милициясининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Эшнӣез аминнинг ҳаёти ҳам минтақада фаолият кўрсатган кўплаб кўрбошилар сингари жанг майдонида душман ўқидан эмас, балки чекистлар ва айрим сотқинларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида ёвузлик билан тўқилган туҳмат ва макр натижасида ўз юртидан олисда фожиали тутаган.

Юқорида айтиб ўтилган махсус мажлисда қатнашган Шевцов қуйидагича фикр билдиради: "Айни пайтда ҳарбий кўмондонлик мулоҳазаларини ҳисобга олиш лозим. Фадин айтган ишларни олдинроқ қилиш керак эди. Ҳозирги пайтда бундай қадам ташлаш таваккалликдан бошқа нарса эмас. Чунки вилоятда сиёсий вазият мураккаб бўлиб, бизга душман бўлган гуруҳлар "босмачилик"ка қарши курашни маҳаллий ҳокимиятга топшириб қўйса, бу ҳолат бизнинг фойдамизга ишламайди. Шунинг учун ҳам кичик жиноятчи бандитлар билан йирик гуруҳлар ўртасидаги фарқни аниқ ажратиш керак, албатта, милиция кичик жиноятчи гуруҳларга қарши кураш олиб бориши лозим"⁵.

Бу мажлисда Эшнӣез фаолиятига кескин қарши чиққан Исахўжаев фикрларига Валидов томонидан қисман эътироз билдирилиб, Эшнӣез аввал энг яхши ходим бўлганлиги, ҳозирда эса энг ёмон ходим деган фикрларни ўйлаб кўришни, Эшнӣезни айни вақтда зарарсизлантириш мумкин эмаслигини, ҳарбий қисмлар "босмачилик"ка қарши курашни милицияга топширишни

³ Денов туманлараро давлат архиви, 6-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 78-варақ.

⁴ Конец курбаши Саяма // "Красная Звезда" (Ташкент), 11 января 1926 г.

⁵ Денов туманлараро давлат архиви, 6-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 77-варақ.



мўлжаллаётганлигини, бироқ милиция ва совет аппарати бунга тайёр эмаслигини таъкидлайди. У балки Эшниеэни Бойсундаги ишидан Шерободга ўтказиш лозимлигини таъкидлайди. Ҳозир Эшниеэнинг мавқеини пасайтириб, уни сиқиб чиқарсак катта сиёсий хатога йўл қўямиз, бироқ уни жўяли сабабларсиз вилоят марказига чақирсак, эртага бу ерга уни қувватлаб 1000 киши келади. Уни Самарқандга жўнатиш керак, бу пайтда ГПУ ходимлари аҳоли ўртасида унинг нуфузини туширувчи ишлар билан шуғулланиши керак. Бундан ташқари, Эшниеэнинг кўнгиллилар отрядига сиёсий ходимлар юбориш лозимлиги⁶ тўғрисида фикрларини айтиб ўтади.

Федин мажлисда қилган яқунловчи сўзида Эшниеэ ҳақида тўхталиб, қўйидагича фикр билдиради: "Бу масала олдин кўтарилмаган бўлиб, бутун материаллар қаердадир тўхтаб қолган. Менинг фикримча, бу материалларни яна 7-8 ой тўлдириб туриб, сўнгра Эшниеэни жавобгарликка тортиш тўғри эмас. Бунга мен қаршиман ҳамда бу масала бўйича ўз фикримда қоламан. Мен масалани бундай қўяман: Эшниеэ отрядини тарқатиб юбориб, фақат 10 кишини ўз-ўзини ҳимоя қилиш учун қолдириш мумкин. Эшниеэнинг ўзи қишлоқ хўжалиги билан шуғуллансин, мен ўзаро суҳбатлардан шуни билдимки, Эшниеэ кейинги фаолиятида галла етиштириш билан шуғулланмоқчи⁷.

Николаев бу фикрларга қўшимча қилиб, Эшниеэни турли сабаблар кўрсатиб албатта судга берили-

ши зарурлигини, чунки у большевиклар сиёсатига зарар етказганлиги ҳамда маҳаллий ҳокимият билан ҳисоблашмаслигини айтиб, ўзини улардан баланд қўйишини таъкидлайди. Уни йўлимиздан олиб ташлаш керак, бироқ Самарқандга юбориб эмас, бу ҳолат унинг обрў-эътиборини янада кучайтиради. Менимча, бу масалани ГПУ тезроқ ҳал қилиши ҳамда Эшниеэни қамоққа олиш ҳақидаги гояларни ва бундай чақирикни маҳаллий аҳоли фикри сифатида кўрсатиб, ўз таклифларини обкомга тақдим этиши керак⁸ дейди.

Сурхондарё вилоятида, хусусан, Бойсунда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда катта ишларни қилган қизил командир Эшниеэ амин оқсоқол ҳамда "босмачилар" тақдирини ҳал қилган ушбу мажлисда қўйидагича қарор қабул қилинади:

"1. Кичик жиноятчи бандитларга қарши курашга жавобгарлик жиноят қидирувчи ва милиция зиммасига юклансин.

2. Жиноят қидирувчи ва милициянинг заифлиги сабабли, Николаев, Исахўжаев ва Раҳимбоев каби ўртоқларга милиция ва жиноят қидирувининг ҳолати тўғрисидаги масалани зудлик билан ҳал қилиш учун Обком йиғилиши муҳокамасига қўйиш топширилсин...

3. Эшниеэ амин ҳақидаги масалани қайта ишлаш ўртоқ Николаевга топширилсин ҳамда у Обком секретариати мажлисида аниқ таклифлар билан чиқиб, маъруза қилсин.

Комиссиянинг ишлаш муддати жорий йилнинг⁹ 1 ноябригача бел-

⁶ Денов туманлараро давлат архиви, 6-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 77-варақ.

⁷ Ўша манба,

⁸ Ўша манба,

⁹ Бу ўринда 1926 йил 1 ноябрь кўзда тутилмоқда.



гилансин"¹⁰.

Дарҳақиқат, 1926 йил ноябрдан кейин орадан кўп вақт ўтмай Эшнӣёз амин Юнусов совет ҳокимияти томонидан дастлаб ўз вазифасидан олиб ташланди. Жамоа хўжалиги тузуми даврида у "Қаҳрамон" хўжаликнинг тузилишида бош бўлди. 1930 йили Қумқўрғон ариғини қазिश учун кетган Эшнӣёз қамоққа олинди. Сурхондарё округ суди 1931 йил июлда Эшнӣёзни отиш жазосига ҳукм қилди, бироқ ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси ҳузуридаги махсус «тройка» ўлим ҳукмини 1932 йил августда 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирди¹¹. Эшнӣёз Магадан ўрмонларига жўнатилди ва кейинчалик ўша ерда халок бўлган. Эшнӣёз Юнусов вафотидан сўнг Ўзбекистон ССР Олий суди томонидан 1975 йил 20 октябрда оқлаган.

РЕЗЮМЕ

Мақолада 1926 йил 24 октябрда Шеробод шаҳрида бўлиб ўтган Сурхондарё вилояти "босмачилик"ка қарши кураш кенгашининг махсус йиғилиши таҳлил этилган. Шунингдек, мазкур йиғилишдаги Сурхондарё вилоятида сиёсий аҳвол тўғрисида маъруза ҳамда Эшнӣёз амин Юнусов фаолиятига доир масалалар ҳам ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализировано специальное заседание Совета борьбы против "басмачества" в Сурхандарьинской области, состоявшееся 24 октября 1926 года в городе Шерабаде. А также, в статье приводятся данные, освещающие лекции по политическому положению в Сурхандарьинской области и деятельности Эшнӣёза амина Юнусова.

SUMARRY

In the article has been discussed special meeting which against to the independence movies of council in city of Sherobod in Surkhandarya region in 24 th of October in 1926 and also analyzed talk about political condition of Surkhandarya region and illuminated activity of Eshniyoz amin Yunusov as well.



¹⁰ Денов туманлараро давлат архиви, 6-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 75-76-варақлар.

¹¹ Холмирзаев Ш., Усмонов Т. Кўчки (эссе, пьеса, қиссалар). -Тошкент: "Ёш гвардия", 1990.



BAKSHICHILIK SAN'ATI VA UNING NAMOYONDALARI FAOLIYATI TARIXIDAN (SOVET DAVRI MISOLIDA)

Саодат Муртозова,

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти "Ўзбекистон тарихи"
кафедраси доценти в.б., (PhD) тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

Таянч сўз ва иборалар: маданий мерос, анъана, фольклор, дўмбира, бахши, дoston, устоз, шогирд, намоянда, совет даври, фестивал, терма, қатагон сиёсати, чанқовуз, танлов.

Мамлакатимизда кейинги йилларда миллий анъаналар, қадриятлар, маданий меросни асраб-авайлаш, ёш авлодга бебаҳо анъанавий маънавий, маданий, номоддий меросимизни бекаму кўст етказиш мақсадида олиб борилаётган ишлар кўлами юқори поғонага кўтарилмоқда.

Ҳар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти энг аввало унинг оғзаки ижоди, хусусан, фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 1 ноябрда қабул қилинган "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида" ги қарорида таъкидланганидек, "...Ўзбек миллий бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-

авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғуларини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтириш²" каби масалалар ўз аксини топган.

Халқ оғзаки ижодининг бахшичилик йўналишида фаолият олиб борган намояндаларнинг фаолиятини ўрганиш, яқин тарихда, яъни, совет даврида ушбу санъат тури ва намояндаларига бўлган муносабатни ёритиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Совет даврида ҳам дostonчилик анъаналари ривожлантирилиб, янги-янги дoston ва термалар билан бойитилди. Бу даврда Шеробод-Бойсун, Чироқчи дostonчилик мактаби вакиллари сермахсул ижод қилди. Сурхондарёлик Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Улаш Ғози ўғли,

¹ uza.uz .

² uza.uz



Шодмон Эгамберди, Рўзибой Турсунов, Йўлдош Сувонов кабилар бахшичилик санъати ривожига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшди. Бу санъат тури айниқса Бойсуннинг Мунчоқ, Тўра, Тангимуш, Даштиғоз, Газа, Тоба, Бандихон, Кофрун каби қишлоқларида кенг тарқалди.

Қашқадарёлик бахшилардан Абдулла шоир Нурали ўғли, Қодир бахши, Қаҳҳор бахши, Тоғай бахши, Шомурод бахши, Азим шоир кабилар совет ҳукмронлиги шароитида дostonчилик анъаналарини кенг ёйиш йўлида хизмат қилди.

Совет даврида Абдулла шоир Нурали ўғли (1874-1957) бахшичилик санъати ривожига муҳим роль ўйнади. Унинг номи Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил шоир Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир каби бахшичилик санъати дарғалари билан ёнма-ён турди. Абдулла шоир ижоди дастлаб 1936 йили Ҳ.Зарипов томонидан ўрганилиб, 1937-1938 йилларда фольклоршунослар томонидан ундан "Алпомиш", "Гўрўғли", "Равшанхон", "Авазхон", "Ҳондалли", "Хумкелди", "Маликайи айёр", "Гулихиромон", "Қиронхон", "Сайдамхон", "Кунтуғмиш" каби дostonлари ёзиб олинди. 1936 йили унга "Ўзбекистон халқ шоири" унвони берилди. 1937 йили у Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг Москва шаҳрида ўтказилган декадасида иштирок этди³.

Қашқадарё "Ҳомери" деб ном олган Қодир бахши Раҳимов ушбу санъат йўналишида устоз-шогирд анъаналарини асраб-авайлаб, қатор

шогирдларни тайёрлади. Унга Ражаб бахши Нормурод ўғли, Умир бахши Сафар ўғли устозлик қилди. Қодир бахши 1937 йили Деҳқонободда туғилган. Қодир бахши II, III, IV, V ва VI республика халқ бахшилари танловларининг биринчи даражали дипломини қўлга киритган. 1974 йил Москвада ўтказилган Халқаро конкурснинг лауреати, 1979 йили Париж шаҳрида бўлиб ўтган III жаҳон халқ ижодиёти кўригининг совриндори бўлди. Шунингдек, 1980 ва 1982 йилларда Тошкент халқ ижодкорларининг халқаро танловлари голиби бўлди⁴. У 70 дан зиёд дostonларни ёд билган.

Қодир бахшининг фарзанди ва шогирди Қаҳҳор бахши 1957 йилда туғилган. У ҳам бу санъат ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Қаҳҳор бахши 40 дан зиёд дostonларни ёддан билиб, 50 дан ортиқ термаларни ижод қилди. У 1987 ва 1989 йиллар Ўзбекистон бахши-шоирлар танловининг голиби бўлди ва 1989 йилда Озарбайжонда ўтказилган Ўрта Осиё, Қозоғистон, Кавказ, Болтиқ бўйи оқинлари фестивалининг лауреати бўлди. У "Олланазар Олчинбек", "Темур ва Боязид", Махтумқули ҳақидаги "Туркман даҳоси", "Самарқанд таровати" каби дostonларни яратди⁵.

Чироқчи дostonчилик мактабининг йирик вакилларида бири Тоғай шоир (1893-1976) совет даврида ижод қилди. Унинг ҳаёти жуда оғир кечиб, 1930 йили Шимолий Қозоғистонга сургун қилинди. 1932 йили

³ Йўлдошев Б. Қашқадарё бадиияти. - Тошкент: Шарқ, 1998. - 417-419-бетлар.

⁴ Ўша манба.

⁵ Ўша манба.



у сургундан қочганлиги учун яна оиласи билан Сибирга сургун қилинади. 7 нафар фарзандидан 4 нафари очликдан нобуд бўлди. У 1950-йилларнинг охирида оқланиб, юртига қайтади. Тоғай шоирдан ёзиб олинган. "Эр ўғли" ва бошқа шу каби дostonлар ЎзРФА А.Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланади. У ўғли Шомурод бахшига бахшичилик сирларини мукамал ўргатди. Шомурод бахши отаси билан сургунда бўлиб, ўзга юртда қийналиб катта бўлди.

Шомурод бобо ўз сўзида "...биз шоирлар авлодимиз. Тоғай шоир отам, Майдон шоир бобом, Маҳман бобо катта бобом. Биз етти авлод шоирлар авлодимиз. Сарой уруғидан Меккамчол деган кишининг кўрсатмаси билан 1928 йил шу дўмбира учун отам қатагон қилинди.

1931 йилнинг охирида Сибирдан қочиб 3 ойда Мулло Аҳмад бобо, Ибодулло бобо, Мулло Ризоқул бобо Ўзбекистонга қайтиб келган. Лекин Тоғай шоир, Ибодулло бобо, Мулло Ризоқул боболар яна қайтадан Сибирга ҳайдалган.

1932 йили отамни дўмбирасини синдириб оилавий ҳайдади. Шу дўмбира учун отам, онам, опам, акам, барчамиз оилавий Сибирга сургун қилиндик. 1939 йил рус-япон уруши, 1941 йил иккинчи жаҳон уруши бошланди. Сивашда Иброҳим акам 1942 йил оламдан ўтди. Тожиҳон аям, Райим акам, Умбар опам оламдан ўтди. Мен (Шомурод бобо) 9 ойлик чақалоқ қолдим. 1942 йил

отам урушга кетди"⁶.

Унинг "Миккамчол" термаси мана шу қийин ҳаёт таъсирида яратилган. Шунингдек, унинг "Тинчлик", "Қарши қўшиғи", "Айтайми?" каби термалари ҳам халқ орасида машҳур бўлди. Москвада Останкино телевидениеси у ҳақида бир нечта кўрсатувларни тайёрлади. 1985 йили у Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳрида ўтказилган "Айтис" танловида "Юксак ижрочилик маҳорати учун" олтин медалга сазовор бўлди⁷.

Чироқчи дostonчиларининг яна бир йирик вакили Азим шоир бўлиб, у 1929 йил туғилган. У "Алпомиш", "Гўрўғли", "Аҳмадхон ва Юсуфхон" каби дostonларни ёддан ижро этди. 1988 йил Китоб туманида Абдулла шоирнинг 110 йиллигига бағишлаб ўтказилган бахшишоирлар танловида иккинчи ўринни эгаллади. У "Чиял мадҳияси", "Кўқдалам", "Яхши ва ёмон хотин", "Ферма мудирини" каби термаларни яратди. Азим шоирнинг ўғли Ёдгор бахши ва набираси Акбар бахшилар ҳам элда таниқли бўлиб, бахшичилик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшдилар⁸.

Шеробод дostonчилик мактабининг йирик вакилларида бири Шоберди Болтаевдир. У 1944 йили Бойсун тумани Мунчоқ қишлоғида туғилди. 1972 йили Термиз давлат педагогика институтини тамомлади. Шоберди бахши куйлаган терма ва дostonларнинг мавзуси ҳамда мазмуни фалсафий мушоҳадаларга бойлиги, долзарб муаммоларни қам-

⁶ Дала ёзувлари. Шомурод бахши Тоғай ўғли билан суҳбат. 2012 йил июнь.

⁷ Ўша манба.

⁸ Норбўтаев П. Қашқадарё воҳаси ўзбеклари этник хусусиятларининг халқ дostonларида акс этиши. -Тошкент: Янги нашр, 2014.



раб олиши билан қимматлидир. Унинг "Олтинқовоқ", "Кунтуғмиш", "Малла савдогар", "Сулувхон", "Санамгавҳар", "Ойпари", "Олланазар Олчинбек" дostonлари ва "Меҳмондур", "Тилар", "Кунларим", "Дўмбира" каби термалари эл олқишига сазовор бўлди⁹.

Бойсунлик Улаш Ғози ўғли (1892-1969), мулла Эрмамат бахшилар совет даврида дostonчилик анъанасини ривожлантириш бўйича сермаҳсул ижод қилди.

Халқ дostonлари асосан дўмбира мусиқа чолғуси ёрдамида ижро этилган. Дўмбира асосан қозоқ халқ мусиқа чолғуси сифатида қаралган. Мусиқа чолғусининг тузилиши, унинг ёрдамида ижро этилган оҳанглар, ижрочи созандалар фаолиятини ўрганиш натижасида маълум бўлишича, ўзбек дўмбиралари қозоқ халқ дўмбирасидан фарқ қилган.

Дўмбира чолғуси асосан Ўзбекистоннинг тоғли ва паст-текисликларида яшайдиган чорвачилик билан шуғулланган аҳоли орасида кенг тарқалди. Ҳар бир ўтовда деярли дўмбира бўлиб¹⁰, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Шўрчи, Ангор, Самарқанд вилоятининг Фориш, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ, Чироқчи, Қамашчи туманларида яшовчи аҳоли орасида дўмбира чолғуси кенг тарқалган. Мазкур чолғудан бахшилар халқ дostonларини, термаларни куйлашда фойдаланганлар.

Сурхондарёнинг Сариосиё туманида яшовчи Шоди ота Алимардонов, Шўрчи туманидан Жўра Доһниёров, Шеробод туманидан Т.Обрўев, Ангор туманидан Мусулмонқул Олтиев, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидан Эсон Тилолов, Қамашчи туманида Н.Баратов, Самарқанд вилоятининг Фориш туманидан Бекқул Алимов кабилар дўмбира чолғусини чалиш бўйича анча машҳур бўлганлар¹¹. Улар "Чўпон чақириш", "Қўйларни йиғиш", "Қўйларни судров қилиш", "Қўйни кидириш", "Чўпонча", "Келиной", "Қиз сулув", "Дўмбира куй", "Тойчоқ", "Қўнғироти", "Қўлоб қизи" каби қўшиқларни куйлаганлар¹².

Шунингдек, XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан мусиқанинڭ фольклор турига қизиқиш ва уни ўрганишда янги давр бошланди. Фольклор қўшиқларининг кўриклари, фестиваллар, танловларини ўтказиш анъанага айланди. Бу соҳадаги дастлабки танлов Тошкент шаҳрида ўтказилди. Бахши-шоирлар танлови 1983 йил Шаҳрисабзда, 1984 йил катта ашула ижрочиларининг танлови Марғилон шаҳрида, 1985 йил Хоразм вилоятининг Шовот туманида ҳам фольклор қўшиқлари бўйича танлов бўлиб ўтди¹³. Бу эса фольклор жамоаларига эътибор берилишига, янги жамоаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратди¹⁴.

⁹ Сурхондарё этнографик макон. Турсунов С., Пардаев Т., Махмадиёрова Н. - Т.: Akademnashr, 2012. - 190-191-бетлар.

¹⁰ Кароматов Ф. Узбекская домбровая музыка. - Т.: 1962. - Б. 3-5.

¹¹ Ўша манба.

¹² Ўша манба.

¹³ Абдуллаев Р.С. Ўзбек мусиқаси тарихи. XX аср (қўлланма). Ўзбекистон санъатшунослик илмий-тадқиқот институти қўлёзмалари. №958. 32-бет.

¹⁴ Тошматов У. Фольклор қўшиқлари. - Т.: 2003. 6-бет.



Бу турдаги тадбирлар Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларида ҳам ўтказила бошланди. Масалан, Сурхондарё вилоятида 1984 йили июнь ойидан бошлаб шанба кунлари маданият ва истироҳат боғларида халқ ижодининг турли жанрлари бўйича конкурслар ўтказиш анъанага айлантирилди. Сариосиёда аскиячилар, Денов шаҳрида мақомчилар, Шўрчи туманида лапарчилар, доира ва чанқовуз мусиқа сози ижрочилиги бўйича Қумқўрғон туманида танлов ўтказилди. Айниқса, вилоятнинг Шеробод туманида ўтказилган бахши-шоирлар ўртасидаги кўрик

танлов кўпчиликлари эътиборини ўзига жалб этди¹⁵.

Бир сўз билан айтганда, халқ оғзаки ижодининг бу ноёб санъат тури соҳа намояндаларининг фаолияти, устоз-шогирд анъаналари орқали авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан мусиқанинг фольклор турига бағишланган кўшиқларининг кўриклари, фестивалларни ўтказиш анъанага айланди. Бу ўз навбатида янги жамоаларнинг шаклланиши, халқ оғзаки ижоди намуналарини сақлаб қолишига замин яратади.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада совет даври бахшичилик санъати тарихига доир маълумотлар, хусусан, мазкур даврда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида фаолият олиб борган соҳа намояндалари ва бахшичилик мактаблари, устоз-шогирд анъаналари ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилган.

Жумладан, мазкур даврда мусиқанинг фольклор турига бағишланган кўшиқларининг кўриклари, фестиваллар, танловларни ўтказила бошланганлиги ва бошқа маълумотлар манбалар асосида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются вопросы истории искусства бахшичилик, в частности даётся информация о деятельности представителей данного вида искусства и их школ, традиции наставничества.

Также на основе источников освещаются вопросы проведения смотров, фестивалей, конкурсов, посвящённых национальному фольклорному искусству.

RESUME

The article analyzes the issues of the Bakhshilik history of art, in particular, provides information on the activities of representatives of this type of art and their schools, the tradition of mentoring.

Also, on the basis of sources, issues of conducting reviews, festivals, and competitions devoted to national folklore art are covered.

¹⁵ Сурхондарё ВДА, 454-фонд, 4-рўйхат, 102-иш, 110-варақ.



BUXORO AMIRLIGIDA SANOAT ISHLAB CHIQARISHINI RIVOJLANTIRISHDA FIRMA VA SHIRKATLARNING TUTGAN O'RNINI

Феруза Амонова,

Тошкент кимё-технология институти таянч
докторанти.

Таянч сўз ва иборалар: *Акциядорлик жамиятлари, фирма ва ширкатлар, мануфактура, ёғ ва мой заводлари, саноат корхоналари, савдо-сотиқ.*

Давлат иқтисодиётини ривожлантирувчи омиларга банк, фирма, акциядорлик жамиятлари, кредит омонат ширкатлари ва чет эл инвестициялари киради. Иқтисодиётнинг ривожланишида савдо-сотиқ билан шуғулланувчи мулкдорлар қатлами алоҳида ўринни эгаллайди. Уларнинг шахсий маблағлари билан ўзаро иттифоққа бирлашиши натижасида синдикат, концерн, акциядорлик жамиятлари, ширкатларнинг шаклланишига сабаб бўлади. XIX асрнинг охирида Бухоро амирлигида фаолият юритган савдо-саноат бирлашмалари, фирма ва ширкатлар, акциядорлик жамиятлари саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган.

Бухоро амирлигида савдо билан шуғулланадиган ширкатлар озчиликни ташкил қилади. Бу иш билан кўпроқ савдо уйлари шуғулланган. XX аср бошларида товар биржалари очилиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ўзларининг савдо уйлари савдо-саноат ширкатларига айлантира бошладилар.

Маълум бир иш, савдо ёки са ноат соҳаларида кўпчилик шахсларнинг

иттифоқи орқали вужудга келган илк жамиятлардан бири "И.К-Познанский" акциядорлик жамияти бўлиб, 1889 йилда у ўз фаолиятини бошлайди. Бу акциядорлик жамияти Туркистонда катта ҳажмдаги пахта сотиб олиш савдоси билан шуғулланган. 1890-1897 йилларда жамиятнинг Бухоро амирлигидан сотиб олган пахтаси ўртача 126,5 минг пудни ташкил этган.¹

Ўзаро рақобатнинг кучайиб бориши, йирик фирмаларнинг вужудга келиши ва пахта сотиб олишнинг қийинлашганлиги сабабли 1893 йилдан "И.К-Познанский" жамияти пахта сотиб олишни камайтирган. Бу ҳолатни 1897-1898 йилларда бир мавсум давомида бор йўғи 80000 минг пуд пахта сотиб олганлигидан ҳам билиш мумкин. Натижада жамият корхоналарнинг пахтага бўлган эҳтиёжларини қондира олмади. Шу сабабли кўпроқ капитал жалб қилиб пахта билан таъминлашни яхшилаш мақсадида "И.К-Познанский" акциядорлик жамияти 1905 йил 11 мартда Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги худудларидаги пахта

¹ Ўзбекистон МДА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 1163-иш, 15-варақ.



тозалаш корхоналари асосида "Хлопок" акциядорлик жамиятини тузган².

1884 йилда пахта плантацияларини ташкил этиш, америка навли чигитни сотиш билан шуғулланадиган "Н. Кудрин ва К" Ўрта Осиё савдо-саноат ширкати ташкил топди ва унинг устави қабул қилинди. Уставга кўра, 1887 йилда ширкатнинг Тошкент, Қўқон, Бухоро, Чоржўй, Марв, Қошғар, Шимолий Эроннинг бир қатор шаҳарларида идоралари ва товар сақлайдиган омборхоналари вужудга келади.³

1888 йилдан бошлаб "Ака-ука Шлоссберглар" савдо уйи Туркистон пахтасини сотиб олишга киришади. Савдо уйининг Самарқанд, Қўқон, Бухорода идоралари ташкил этилиб, улар орқали Андижон, Қува, Асака, Бухоро, Термиз, Қоракўл ва бошқа шаҳарлардан пахта сотиб олишни бошлайди. Сотиб олган пахталарни тойлаш ва тозалаш Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларида ижарага олинган 12 та заводда амалга оширилади.⁴

Бухоро амирлигида тузилган фирма ва ширкатлар орасида пахта бозорида тутган ўрни ва сармоя муомаласининг ҳажми жиҳатидан "Катта Ярославль мануфактураси" етакчилик қилган. 1912-1913 йиллар давомида "Катта Ярославль мануфактураси" юқори сифатли пахта

сотиб олиш учун ўзининг Чоржўй бўлимига 495000 рубль, Бухоро бўлимига 880000 рубль миқдорида пул кўчирган. 1914 йилда Москва савдо банки "Катта Ярославль мануфактураси" ва "Швецов савдо уйи" билан пахта сотиб олиш ва сотиш бўйича битим тузган.⁵

1888 йил 23 июнда Бухоро амири билан Россия империяси ҳукумати ўртасида имзоланган битимга мувофиқ, Янги Бухоро (Когон), Чоржўй, Карки, 1892 йилда Термиз шаҳарлари, 1905 йилда Сарой посёлкаси, 1892 йилда Паттакесарда (Термиз шаҳри яқинида) рус ҳарбий истеҳкомлари қурила бошланди.⁶

Жуғрофик ва стратегик жиҳатдан қулайлиги, иқтисодининг ривожланиши, саноат корхоналарининг сони жиҳатидан Россия империяси ҳукумати аъзолари, рус савдогарлари, маҳаллий савдо вакиллари ва тадбиркорлар учун Янги Бухоро (Когон) шаҳри алоҳида аҳамиятга эга.

Янги Бухорода жойлашган асосий истеъмолчи жамиятлар ва ширкатлар орасида пахтани сотиб олиш билан шуғулланадиган "Шарқий Бухоро ширкати", "Н. Кудрин ва К" Ўрта Осиё савдо-саноат ширкати, "Луи Зальм" акциядорлик жамияти, "Ака-ука Крафтлар савдо уйи", "Хлопок" акциядорлик жамияти, "Катта Ярославль мануфактураси",

² Ўзбекистон МДА, И-1-фонд, 17-рўйхат, 947-иш, 12-варақ.

³ Мусаев Н.У. Туркистонда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши (XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари). Т.: 1995. 92-бет.

⁴ Ўзбекистон МДА, Ф.И-19-фонд, 1-рўйхат, 251778-иш, 3-варақ.

⁵ Ўша манба, 12-13-варақлар.

⁶ Фомченко А. П. Русские поселения в Бухарском эмирате. -Т: Госиздат УзССР, 1958. -С. 14. Амонова Ф. С. Бухоро амирлигида миллий масалага оид баъзи бир маълумот ва мулоҳазалар (XIX аср охири - XX аср бошларида) // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик: тарихий тараққиёт ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. -Т.: 2010.



"Ака-ука Шлоссберглар" савдо уйи, "Штехер ва Циммер" савдо уйи, "И.К-Познанский" акциядорлик жамияти, Эрон ва Ўрта Осиё савдо ширкати, "М. Бадиор" савдо уйи, "Адам Оссер" савдо уйи, "Левин" савдо уйи, "Флаксман савдо уйи", "Польяк-Шарипов савдо уйи", "Цигельбаум савдо уйи", Россия-Бухоро савдо-саноат бирлашмалари, "Ака-ука Вадъевлар савдо уйи" каби савдо бирлашмалари етакчи ўринни эгаллаган.⁷

Янги Бухорода яшаган "Флаксман савдо уйи" раҳбари, савдогар М.Г.Флаксман 1912 йил 21 февралда Россия савдо ва саноат министрлигига Ўрта Осиё пахта тозалаш ва пахта ёғи ишлаб чиқариш корхоналари акциядорлик жамиятини тузишга рухсат сўраб мурожаат қилган. 1913 йил 9 февралда жамиятнинг устав лойиҳасига ўзгартиришлар киритилган ҳолда жамиятни тузишга рухсат берилган. Уставга кўра, Янги Бухорода пахта тозалаш ва пахта ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг акциядорлик жамиятлари тузилади. Жамиятга Бухоро амирлиги ҳудудидан ташқарида четда иш юритмаслик шарти билан фақатгина эгасининг номи кўрсатилган акцияларни чиқаришга рухсат берилган. Бу жамият 1917 йилга қадар фаолият олиб борган⁸.

Бухоро амирлиги қозикалонининг 1915 йилда сиёсий агент Я. Лютшга

ёзган махфий ҳисоботида амирлик ҳудудидан юқори навли пахта сотиб олган йирик фирмалар ва уларнинг вакиллари ҳамда сотиб олинган пахтанинг миқдори ҳақидаги маълумотларни келтирган. Маълумотларда 1912-1915 йилларда Бухоро амирлиги ҳудудидан пахта сотиб олган 45дан ортиқ фирмалар ва уларнинг вакилларининг номлари кўрсатилган. Жумладан, "Катга Ярославль мануфактураси" ва унинг Чоржўйдаги бўлими, "Адам Оссер" савдо уйи, "М.Бадиор" савдо уйи, Эрон шерикчилик ширкати, Бухоро ҳукумати заводи, "Флаксман" савдо уйи, Карманда "Мельников" савдо уйи, "Цигельбаум" савдо уйи, Қоракўлда Левин, Вишняк, Доберско заводи ва бошқа фирмаларнинг рўйхати киритилган⁹.

Бухоро амирлигида тайёр товарларни ташиш билан шуғулланган савдо ширкат ва жамиятлари фаолият юритган. Ушбу идоралар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини амирлик ҳудудидан ташиш ва уни Россияга, қисман Туркистонга экспорт қилиш билан шуғулланган.

Масалан, Термизда "Кавказ ва Меркурий мануфактураси" фаолият юритиб, улар кўпинча товарларни суғурталаш ва кредит бериш билан шуғулланган.¹⁰

Қизилтепа станциясида эса керосин ва пахта савдоси билан шуғулланган Берлян ва Муҳитдинов фирмалари фаолият олиб борган.¹¹

⁷ Тухтаматов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. Душ. Ирфон, 1977. С-107.

⁸ ЎзбекистонМДА, И-1-фонд, 17-рўйхат, 795-иш, 17-30-39-50-53- варақлар.

⁹ ЎзРМДА, И-99-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 78- варақ.

¹⁰ Тухтаматов Т.Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX - начала XX в. (Победа Бухарской народной революции). -Т.: "Фан", 1966. -С. 60.

¹¹ Иллюстрированный путеводитель по Средне-Азиатской железной дорое. От станция Красноводск до станции Ташкент, Андижан, Скобелов, Кушка и Бухара. -Ашхабад, Электротпечатня К.М.Оедорова. 1912. -С. 90.



1900 йилда асосан пахта сотиб олиш билан шуғулладиган йирик фирмалар Р.Ш.Потеляхов ва "Ака-ука Вадьяевлар савдо уйи" тайёр пахта хом-ашё маҳсулотларини Москвага жўнатиш билан шуғулланган. Жумладан, Лурье, Ноткин, Шальман, Левин, Цалкин, Епифанов ва бошқа гуруҳлар ҳам пахта хом-ашё савдоси орқали ўз маблағини 300-400% кўпайтиришга эришган. - Бу гуруҳлар ҳар бирининг йиллик ўртача даромади 30 минг рублни ташкил қилган.¹²

Тайёр кийим-кечак ва заргарлик буюмлари савдоси билан шуғулланган савдо-саноат вакиллари Галям, Шалман, Исоковичлар Янги Бухорода фаолият юритган. Шунингдек, Янги Бухорода Арзуманов ва Керовков мануфактураси, шинавандалар учун Епифановга қарашли ароқ дўконлари, Флакманга тегишли ёғ ва совун заводлари ҳам саноат ишлаб чиқариш тармоқларини ривожланишида ўз ҳиссасини қўшганлар.¹³

1914 йилда 5 та йирик фирмалар: "В.А.Алексеев", "Ака-ука Шлоссберг", "Москва савдо-саноати ширкати", "Форс", "Катта Ярославль мануфактураси" Туркистонда пахта тозалаш ва ёғ саноати устидан ҳукмронликни қўлга киритиш мақсадида "Бешбош" акциядорлик жамиятини таъсис этганлар. Бу жамиятга қарашли фирмаларнинг завод ва идоралари Туркистон ўлкасининг барча йирик

шаҳарларида, жумладан, Бухоро амирлиги ҳудудида ҳам фаолиятини бошлаган.¹⁴ "Бешбош" акциядорлик жамияти пахтани сотиш ва сотиб олишда етакчилик қилган.

Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ташкил этилган рус фирмалари ўртасида рақобатни кучайтириш орқали савдосотиқ билан шуғулладиган маҳаллий мулкдорларни ўз қўл остига бирлаштириш мақсадида 1915 йилда "Магазин" савдо манифактура жамияти ташкил топган.¹⁵

И.Стахеев ширкати амирликда ўз фаолиятини маҳаллий ва техник хом-ашёни қайта ишлаш учун саноат корхоналарини қуришдан бошлашни режалаштирган. Ҳар йили 2 млн. пуд атрофида буғдойни тортадиган бир неча тегирмон, ёғмой заводи, жун тўқиш фабрикаси қуришни бошлаган. Бухоро амири билан И.Стахеев ширкатнинг олди-берди муомаласи Рус-Осиё банки ҳамда Бирлашган банк орқали амалга оширилган. 1916 йилнинг кузида И.Стахеев ширкати Бухоро ҳукуматига концерн тузиш, яъни, Бухоро ерларида саноатнинг фойдали тармоқларини ривожлантириш ва савдони янада яхшилаш билан шуғулланишига имкон бериш ва амалга ошириш таклифини киритди¹⁶. Кейинчалик Рус-Осиё банки бошқаруви билан бирга И.Стахеевнинг тасарруфига ўтди.

¹² Ўзбекистон МДА, И-99-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 27-варақ.

¹³ Иллюстрированный путеводитель по Средне-Азиатской железной дороге. От станции Красноводск до станции Ташкент, Андижан, Скобелов, Кушка и Бухара. -Ашхабад., Электропечатня К.М.Оедорова. 1912. -С.87.

¹⁴ Мусаев Н.У. XIX асрнинг II ярми - XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008. 150-бет.

¹⁵ Хақимова. К.З., Кравец Л.Н, Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане (конец XIX - начало XX в). -Т.: «Фан», 1980. -С. Б. 91.

¹⁶ Ўзбекистон МДА, Ф-23 жамғарма, 14- рўйхат, 766-иш, 6 - варақ.



Бухоро амири Саид Олимхон савдо-саноат соҳасини кенгайтиришда, темир йўл компаниялари, рус ва чет эл фирмаларининг саноат корхоналарига инвестиция киритиш орқали иштирок этган. Россиядаги ўнлаб йирик темир йўллар қурилиши, манифактураларнинг ишга туширилиши ҳамда банкларнинг фаолият юритишига сабаб бўлган. Россия империяси ҳукуматининг Бухородаги ваколатли амалдори П.В. Введенский томонидан ёзилган амир ва рус ҳукумати иқтисодий алоқаларига оид тўла бўлмаган ҳисоботида, амир томонидан рус савдо ва саноатига киритилган маблағларнинг миқдори қуйидагича кўрсатилган: "Рус-Бухоро акциядорлик жамиятида - 4608800 рубль, Рус-Осиё акциядорлик жамиятида - 2500000 рубль, Бухоро банкидаги нақд пахтанинг қиймати - 500000 рубль, ип йигириш корхоналаридаги нақд пахтанинг қиймати - 30000000 рубль"¹⁷.

Бухоро амирлари савдо-сотиқнинг ривожланиши ҳисобига катта шахсий бойлик, мол-мулк, қўзғалмас капиталга эга бўла бордилар. Уларнинг Бухоро-Россия сиёсий-иқтисодий муносабатларида, товар айирбошлаш ва капиталнинг ички айланишидаги алоҳида нуфузли мақоми бунга катта имкониятлар очиб берар эди.

Қорақўл тери савдоси билан шуғулланувчи халқаро савдо фирма ва савдо уйлари ҳам фаолият юритган. Масалан, Revillon Freres Париж савдо уйи вакиллари билан бири савдогар Бюдо Бло асосан Карки беклигидан катта миқ-

дорда тери сотиб олган. 1905 йил сентябр ойида Москвадаги қорақўл тери билан шуғулланган рус фирмалари Бухородаги сиёсий агенти билан алоқаларини кенгайтириб, кўпроқ тери сотиб олишни йўлга қўйганлар. Чет эл фирмалари, масалан, Торер, Килин, Рейхенштейн каби фирмалар Бухоро ҳукуматига қўшимча солиқ тўлаш шарти билан ўз вакиллари орқали қорақўл тери савдоси билан шуғулланганлар. Бухоро ҳукумати Россиянинг молия министрлиги билан келишган ҳолда чет элга чиқариладиган қорақўл терининг ҳар 10 донаси учун 5 рубль миқдорида бож олиши жорий қилинади.¹⁸

Торер немис савдо уйининг Бухородаги бўлимига Воронов раҳбарлик қилади. 1914 йил 12 майда амининг ёзги саройи Ситорайи Моҳи Хосада Бухоро амири билан қорақўл тери ва тери маҳсулотларини сотиш ва сотиб олишни йўлга қўйишга келишиб олинган¹⁹.

"Reichardt Bro" Англия савдо фирмаси амирлик ҳудудидан қорақўл терива жун газламаларни сотиб олади. Фирма вакили Рейхардт Бухородан жун газлама сотиб олишни 12 йил давомида 12 та агентлик орқали амалга оширади. Асосий қорақўл тери сотиб оладиган ҳудуд Карки беклиги ҳисобланган. Фирманинг вакиллари билан яна бири Эрнест Паркинсон газламаларни Чоржўйдан сотиб олишни йўлга қўйган. Фирма 1914 йилда Бухородан 80-90 минг пуд жун газлама сотиб олган²⁰.

¹⁷ Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси (тарихи, тақдири, таҳлили). -Тошкент.: "Шарқ", 2008. 108-бет.

¹⁸ Ўзбекистон МДА, И-126-фонд, 2- рўйхат, 140-иш, 16- варақ

¹⁹ Ўша манба, 144- варақ.

²⁰ Ўша манба, 15- варақ.



Хулоса қилиб айтганда, империя томонидан кўрилган иқтисодий чоралар натижасида Бухоронинг ички ва ташқи савдоси тўлиқ Россия томонидан назорат қилинадиган

бўлган. Бу ҳолат Россия империясининг иқтисодий мустамлакачилик сиёсатини Бухоро амирлигида ба-
тамом амалга ошира олганлигидан далолат беради.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада Бухоро амирлигида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда фирма ва ширкатларнинг тутган ўрни кўрсатилган. У архив ҳужжатлари ва тарихий адабиётларнинг таҳлили асосида ёзилган.

РЕЗЮМЕ:

В статье раскрывается роль фирм и сообществ в развитии промышленного производства в Бухарском эмирате. Она написана на основе анализа архивных документов и исторических источников.

SUMMARY:

In article it is revealed the role of firms and communities in development of industrial production in the Bukhara emirate. It is written on the basis of the analysis of archival documents and historical sources.





BXSRDA MAHALLIY BOSHQARUV ORGANLARINING TASHKIL TOPISHI

Фурқат Содиқов.

ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти.

Таянч сўз ва иборалар: БХСР(Бухоро Халқ Совет Республикаси), совет, инқилобий қўмиталар, вилоят, туман, кент, қишлоқ, съезд, маҳаллий бошқарув органлари.

XX аср бошида Ўрта Осиёда кўплаб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар юз берди. Бу жараёнларнинг энг муҳимларидан бири 1920 йилда Бухоро амирлигининг тугатилиши ва унинг ўрнида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)нинг ташкил этилишидир. БХСР тузилгач, ҳокимият олий ва маҳаллий бошқарув органларига бўлинган ҳолда қайта шакллантирилди. Олий ҳокимият Бутун Бухоро Инқилобий Қўмитаси (1921 йил сентябрдан Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси) ҳамда БХСР ҳукумати бўлган Халқ Нозирлар Кенгашига бўлинди.

Маҳаллий ҳокимият эса дастлаб маҳаллий инқилобий қўмиталар шаклида, БХСРнинг биринчи Конституцияси қабул қилингач, вилоят, туман, кент советлари ва қишлоқ аҳолисининг умумий йиғилишларидан ташкил топди. Бу вақтда БХСР маъмурий жиҳатдан 5 вилоят, 58 туман ва 108 та кентдан иборат эди¹.

1920 йил 22 сентябрда БХСР Муваққат Инқилобий Қўмитаси томонидан "Маҳаллий инқилобий қўми-

талар тўғрисидаги Низом" қабул қилинди². Низомга кўра маҳаллий инқилобий қўмиталар марказий инқилобий қўмита тайинлайдиган 5 нафар кишидан иборат таркибда тузилган бўлиб, уларнинг зиммасига марказий ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар ва фармойишларни бажариш, халқ ҳокимияти давлат органларининг озиқовқат, молия, мактаблар ташкил этиш ҳамда маориф соҳасидаги ишларига раҳбарлик қилиш ва уни йўлга қўйиш вазифалари юклатилган. Шунингдек, улар ўз маъмурий чегаралари ва уларга бўйсунувчи жойларда барча масалалар ҳамда ишларни мустақил ҳал қилган. Бунда уларнинг ҳаракатлари ва қарорлари марказий ҳукуматнинг қарорлари, фармойишлари ҳамда сиёсий йўлига зид бўлмаслиги керак эди. Маҳаллий инқилобий қўмиталар ўз фаолиятлари тўғрисида ички ишлар нозирлиги орқали марказий инқилобий қўмитани хабардор қилиб турган.

Маҳаллий ҳокимият органи бўлган инқилобий қўмиталарни

¹ Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.) - Т.: Издательство АН УзССР, 1955. - С.119-121.

² История Бухарской Народной Советской Республики. Сборник документов. Т.: "Фан", 1976. - С.50-51.



тузиш ва мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли ўртасида туман, кент ва қишлоқларда ташвиқот-тушунтириш ишлари олиб бориш бўйича назорат-инструкторлик комиссияси ташкил этилди. Комиссия 1920 йилнинг 22-30 сентябригача бўлган вақтда Бухоронинг Баҳоуддин, Хўжа Бўстон, Гиждувон, Вобкент, Шапуркан (Шофиркон), Пирмаст тумани Гаждумак қишлоғи, Занда-на ва Харгўш туманларида ташкилий-тарғибот ишларини олиб борди³. Комиссиянинг вазифасига маҳаллий инқилобий қўмиталар тузиш, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисида йўл-йўриқ бериш, инқилобий қўмитанинг ҳар бир аъзосига, аҳолига янги халқ ҳокимиятининг моҳиятини тушунтириб бериш кирган.

1921 йил 23 сентябрда БХСР Конституцияси қабул қилинган, Республиканинг маҳаллий органлари тизими, ҳуқуқий ҳолати ва мақоми тартибга келтирилди. Унга кўра, жойларда маҳаллий ҳокимият вилоят, туман ва кент халқ депутатлари совети ва уларнинг ижроия қўмиталаридан иборат бўлган.

Вилоятларда маҳаллий ҳокимият мазкур ҳудуд советларининг вилоят съездига тегишли бўлиб, вилоят аҳолисининг ҳар 1000 кишидан 1 нафар депутат ҳисобида сайланган ва жами 150 нафар депутатдан иборат бўлган.

Касаба уюшмалари, «Қўшчи» ит-

тифоқи, ҳарбийлар ва милиция вакилларига сайловларда иштирок этиш учун бошқа табақа вакилларига қараганда кўпроқ ҳуқуқ берилган. Улар аҳолининг қолган табақаларидан алоҳида, ҳар 200 нафар кишига бир депутат ҳисобида сайланишган⁴.

Вилоят съезди 10 нафар депутатдан иборат ижроия қўмитасини сайлаган ва ана шу ижроия қўмитаси томонидан бир йилда бир марта чақирилган. Лекин, съезд мазкур вилоят сайловчиларининг камида учдан бири талабига кўра ҳам муддатдан илгари чақирилиши мумкин эди. Улар ўз ваколати доирасидаги ҳудудда маъмурий-молиявий, ер-сув ва маданий-маърифий характердаги масалаларни муҳокама қилиши ва ҳал этиши керак бўлган⁵.

Съездлар ўртасида мазкур ҳудудда маҳаллий ҳокимият ижроия қўмиталари томонидан бошқарилган бўлиб, улар қошида коммунал хўжалик ва иқтисодий кенгаш ташкил этилган. Бундан ташқари, ижроия қўмиталарига вилоятдаги давлат назорати, адлия, халқ таълими ва ер-сув нозирликлари ҳам бўйсунган.

Туманларда ҳокимият советларининг туман съездига қарашли эди. Бу съезд мазкур туман кент советларининг ҳар 500 нафар сайловчига 1 нафар депутат ҳисобидан сайланган бўлиб, съезд депутатларнинг умумий сони 100 нафар кишидан ортмаслиги керак эди⁶. Съездлар ўз

³ История Бухарской Народной Советской Республики. Сборник документов. - С.52.

⁴ Ишанов А.И. - Кўрсатилган асар. - Б.122.

⁵ История советского государства и права Узбекистана: 1917-1924 гг. Т1./ Отв. ред.: Х.С.Сулайманова и А.И.Ишанов.- Т.: Издательство АН УзССР, 1960. - С.151.

⁶ Султонов С. Узбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, вужудга келиши ва тараққиётининг асосий босқичлари (1917-1937 йиллар): юрид. фанлари доктори дисс...- Т.: 1995. 161-бет.



таркибидан 9 нафар кишидан иборат туман ижроия қўмитасини тузишган ва мазкур ижроия қўмиталари томонидан бир йилда икки марта чақирилган.

Туман ижроия қўмитаси съездлар оралигида мазкур ҳудудда маҳаллий ҳокимиятни амалга оширган. Туман ҳудудида давлат ҳаётидаги ишларни узлуксиз бошқариб туриш мақсадида ижроия қўмита таркибидан раис, унинг ўринбосари ва котибидан иборат туман ижроия қўмитаси президиуми сайланган.

Халқ депутатлари советларининг туман съезди ва уларнинг ижроия қўмитаси тўғрисидаги низомга асосан, қуйидагилар туман ижроия қўмитаси ва президиумининг ваколатларига кирарди:

а) туман ҳудудида совет ҳокимиятини ташкил этиш ва кучайтириш;

б) вилоят ижроия қўмитаси ва юқори турувчи органларнинг қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш;

в) кент ижроия қўмитаси ишини бошқариш ва назорат қилиш;

г) туман ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш;

д) қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўмаклашиш, ҳосилни рўйхатга олиш ва давлат солиқларини ўз вақтида ундириш учун чоралар кўриш⁷.

БХСРдаги маҳаллий ҳокимиятнинг асосий бўғини кент советлари эди. Кент таркибига ўзаро умумий ер майдонлари, яйлов ва умумий сувдан фойдаланиш билан боғлиқ бир ёки бир неча аҳоли пунктлари (қишлоқлар, овуллар) кирарди.

Кент ҳудудида маҳаллий ҳокими-

ят, шу кент таркибига кирувчи қишлоқ ёки овул аҳолисининг ҳар 50 нафар сайловчига бир депутат, лекин ҳар бир қишлоқдан камида бир нафар ва кўпи билан 10 нафар депутат ҳисобида сайлайдиган кент советига тегишли эди. Кент советига сайловлар йилига бир марта ўтказиларди. Кент совети молия-хўжалик ва маданий-маиший масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун ҳар уч ойда бир марта чақирилган.

БХСР халқ депутатларининг кент совети ўз орасидан 5 нафар кишидан иборат ижроия қўмитасини сайлаган. Кент ижроия қўмитаси ўзини сайлаган кент совети олдида жавобгар бўлиб, ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ва ҳужжатларни тақдим этиб борган.

БХСРнинг қишлоқ ва овулларида маҳаллий ҳокимият раҳбари, шу қишлоқ оқсоқоли томонидан ойда бир марта чақириладиган қишлоқ ёки овул аҳолисининг умумий йиғилиши эди. Қишлоқ аҳолисининг умумий йиғилишида мазкур ҳудуд ижроия бошқаруви раҳбари - оқсоқол бир йил муддатга сайланган. Сайланган оқсоқолни кент совети тасдиқлаган. Халқ депутатларининг кент совети қишлоқ сайловчиларидан камида учдан бир қисмининг талабига кўра оқсоқол қайта сайловини муддатидан илгари ҳам тайинлаши мумкин эди⁸.

Қишлоқ аҳолисининг умумий йиғилиши маҳаллий ижтимоий ва хўжалик ҳаётининг барча масалалари, давлат ҳокимияти олий органларининг қонунлари ва буйруқларини амалга ошириш, ер-сув му-

⁷ Ишанов А.И. ЎзР МДА, Р-48-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 87-варақ

⁸ Сулғонов С. Кўрсатилган асар.- 160-бет.



носабатларидан келиб чиқадиган масалаларни ҳал қилиш, давлат солиқларини йиғиш ва барча давлат мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, қишлоқни маданий ва хўжалик жиҳатдан юксалтириш каби ваколатларга эга эди.

Шарқий Бухоронинг Шеробод, Ҳисор, Душанбе, Гарм, Кўлоб, вилоятларида совет ҳукуматига қарши қуроли ҳаракат олиб борилаётганлиги сабабли, мазкур ҳудудлар Бухоро Марказий Ижроия Қўмитасининг 1922 йил 22 январдаги махсус қарори асосида ташкил этилган Фавқулодда диктаторлик комиссияси томонидан бошқарилган. Мазкур комиссия ўзи бошқарадиган ҳудудда чекланмаган ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти ҳамда олий суд ҳуқуқига эга бўлган. Совет ҳоки-

мияти томонидан Шарқий Бухородаги қуроли ҳаракат асосан бостирилгач, 1924 йил 28 майда Фавқулодда диктаторлик комиссияси тузатилган.

Хуллас, Бухоро амирлиги ағдарилиб, БХСР тузилгач, дастлаб республикада совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ҳамда мавжуд тартибни сақлаб қолиш учун инқилобий қўмиталар тузилган. БХСР Конституцияси қабул қилингач, шарқий Бухородан ташқари БХСРнинг бошқа ҳудудларида маҳаллий бошқарув органлари вилоят, туман, кент советлари ва уларнинг ижроия қўмитасидан иборат бўлди. Улар ўз ваколати доирасидаги ҳудудда маъмурий-молиявий, ер-сув ва маданий-маърифий каби масалаларни ҳал этган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.

1. История Бухарской Народной Советской Республики. Сборник документов. Т.: "Фан", 1976. С.483.
2. История Советского государства и права Узбекистана: 1917-1924 гг. Т1./ Отв. ред. Х.С.Сулайманова, А.И.Ишанов.-Т. 1960. С- 511.
- 3.Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.) - Т.: Издательство АН УзССР, 1955.
- 4.Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бутунги кунгача). - Т: «Ўзбекистон», 2015. -480 бет.
- 5.Султонов С. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, вужудга келиши ва тараққиётининг асосий босқичлари (1917-1937 йиллар): Юрид. фанлари доктори дисс. - Т., 1995.
6. ЎЗР МДА, Р-48-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 87-варақ

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещается становления областных, районных и кентских советов в БНСР. Также, описываются деятельность общего собрания кишлачного населения, которое является низовым органом местного управления в БНСР.

RESUME

This article study the formation of regional, district and kент councils in the BNSR. Also, describes the activities of the common meeting of the village population, which is the last local government in the BNSR.



TARIX

O'ZBEKISTON

TEMURSHUNOSLIGINING

QABONATLI DAVRI

"Ўтмишга берилган баҳо албатта, ҳолисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашларидан холи бўлиши зарур"

Шавкат Мирзиёев

Очил БЎРИЕВ,
Қарши давлат университети профессори.

Таянч сўз ва иборалар: ўзбек, тарихшунослик, темуршунослик, Уйғониш, Ренессанс, темурийлар, шўро даври, қабоҳат, "Темур тузуклари," академик И.Мўминов.

Ҳозирги даврда жаҳонга "ҳали ҳануз ўз таъсирини ўтказаётган Ўрта Осиё цивилизацияси асосчиси", қолаверса, тарихда ҳам ўчмас из қолдирган буюк давлат арбоби, музаффар саркарда, моҳир дипломат, илм-фан ҳомийси, бобокалонимиз Амир Темур асос солган салтанат ўзига хос салмоқли ўринга эгадир. "XV аср тақдирини белгилаб берган буюк сиймо" - Соҳибқирон ва унинг ворислари Туркистон, Хуросон, Форс, Озарбайжон ва Араб дунёсида бир ярим асрга яқин ҳукм суриб, марказлашган салоҳиятли туркий давлат ташкил этишган эди.

"Туркистоннинг суянган тоғларидан бири" - Амир Темур асос солган тамаддун XIV-XVI асрлар Турон тарихининг "олтин даври" - Уйғониш даврининг алоҳида босқичи "Мусулмон Ренессанси" (А.Мец), "Шарқ Уйғониши" (Н.И.Конрад), ҳозирда "Темурийлар Ренессанси" номлари билан жаҳонда эътироф этилди ва тарихга абадий муҳрланди (Мец А. Мусулманский Ренессанс. М.,1965; Конрад Н.И. Запад и Восток. М.,1972; М. Хайруллаев. Ўрта Осиёда Уйғониш даври маданияти. Т., 1994; Ф. Сулаймонова. Шарқ ва Ғарб. Т., 1997; Т. Ширинов. Тарихимиз этюдлари. Т, 2014. 252-254 бетлар. Таниқли француз олими В. Фурние ёзадики, "XX асрнинг охирида Ўзбекистон Ренессанси" Темурнинг янги эраси" белгиси остида турибди" (Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркало мировой науки. -Т., 1999. С.20).

Темурийлар Ренессанси - Мусулмон Ренессанси Шарқ тамаддуни то-



жидаги жавоҳирлардан бири саналади. Темурийлар Ренессансини ўрганишга бағишланган дастлабки баъзи тадқиқотлар яратилди (Т. Ширинов. Кўрсатилган асар; Очил Бўриев. Темурийлар Ренессанси. - "Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари", 2016 йил 3-сон, 126-125- бетлар).

Мусулмон Ренессанси, яъни илмий-маърифий Уйғониш даврига асос солган улуг аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда ҳам маърифатли дунёни ларзага солиб келаётган ноёб меросни ўрганиш, изчил тадқиқот ишлари олиб бориш, улар яратган илмий йўналишлар ва мактаблар анъаналарини давом эттириш бугунги авлод олдида турган энг долзарб вазифалар сирасига киради.

Демакки, жаҳон шарқшунослигида "Темуршунослик" деб номланган мустақил илмий йўналиш шаклланган. Айниқса, Фарбда темуршунослик тараққиёти кўп асрлик ижодий ва методологик манбаларга эга (А.Саидов. Европа шарқшунослиги ҳамда Амир Темур ва темурийлар тарихи. - Темурийлар даврида илм-фан ва маданият. Т., 2017. 18-бет).

Ўтган даврда жаҳон ва Ватан темуршунослигида Шарқ ва Фарб оламида минглаб асарлар нашр этилди (Ртвеладзе Э. В, Саидов А. Х. Кўрсатилган асар. Т, 1999. с. 18-31; Р. А. Алимов. Соҳибқирон Амир Темур (методик тавсиянома) Т., 1995; Шу муаллиф. Амир Темур библиографияси. Т., 2003). Бу соҳада 50 дан зиёд мамлакатда самарали илмий изланиш ишлари олиб борилиб, тадқиқотлар сони тобора ошиб бормоқда. Таниқли темуршунос олим Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али таъкидлаганидек: "Амир Темур тарихи ёлғиз бир шахс тарихи эмас, у бус-бутун миллат, мамлакат, демакки жаҳон тарихидир" (Муҳаммад Али. Буюк тарих сабоқлари. - "Ўзбекистон овози", 2007 йил 1-ноябрь).

Ўзбекистон темуршунослиги тарихига назар ташласак, юртимизда XIV аср охирида муаррих Гиёсиддин Алининг "Рўзномаи газавот Ҳиндистон" ("Ҳиндистонга юриш кундалиги") (1399-1404) асари яратилган эди. (Гиёсиддин Али. Дневник похода Темура в Индию. Пер. с перс., предисл. и примеч. А.А.Семёнова. М., 1958; Т., 1960) . Манбаларга кўра, Амир Темур тарихига оид бўлган замондошлари асарлари ҳам мавжуд бўлиб у бизгача етиб келмаган. Масалан, Соҳибқироннинг расмий тарихи у ҳаётлик вақтида Али ибн Жамолиддин томонидан ҳам битилган (Темур ва Улугбек даври тарихи. Т., 1996. 14-бет). Ўтган 500 йилдан зиёд вақт ичида Амир Темур ва ворислари тарихи бўйича кўплаб асарлар яратилганки, уларни тавсифлаш алоҳида махсус тадқиқ этишни талаб этади.

Аммо, мустабид Шўролар даврида (1917-1991) назар ташласак, бу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш, асосан ҳукмрон мафкура измида эди. Шўро мафкуриси даврида Амир Темур ҳақидаги асарларда бу музаффар саркарданинг шахсияти ва фаолиятига тегишли салбий тавсиялар ҳаддан ташқари бўртириб кўрсатилди. Соҳибқироннинг жанговар юришларига асосий эътибор берилиб, кўп қирғинларга йўл қўйганлиги анча ошириб баён этилди. Ул зотнинг тарихда тугган ўрни ва салоҳияти эса имкон



борича камситилиб, ҳаттоки баъзи ўринларда кераксиз кўплаб уйдирмаларга ҳам ўрин берилар эди. Буюк ҳукмдор бобокалонимизнинг инсоф, диёнати ва адолатни ўзига байроқ қилиб олганлиги, кенг қамровли бунёдкорлиги ва бошқа эзгу ишлари ҳақида лом-мим дейилмас эди.

Мустабид даврдаги ўрта ва олий таълим муассасалари учун мўлжалланган "Ўзбекистон ССР тарихи" дарслик ва ўқув қўлланмаларида, тарихий, бадиий асарларда, қомусларда ҳам Амир Темур сиймоси қора билан бўёқларда ноҳолис тасвирланганди. Ҳаттоки, ул зот Афанди латифаларига ҳам киритилиб, табаррук номлари роса масхара қилинган эди.

Бу даврдаги бошқа бир салмоқли бир манбада шундай сатрларни ўқиш мумкин: "... Темурнинг қилган урушлари, шубҳасиз, талончилик, босқинчилик характериға эға эди. Бу урушлар шафқатсиз равишда олиб борилган эди. Шу сабабли ҳам Темур ушбу халқлар хотирасида, ушбу мамлакатлар йилномаларида ҳаққоний ва объектив равишда золим ва босқинчи сифатида ифодалангандир" (Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. 1-том. Т.: "Фан", 1970. 462-бет).

Масалан, Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 11-жилдидаги (Т.,1978) "Темур", "Амир Темур", "Темурланг" мақолаларига назар ташласак, унда Соҳибқиронга ноҳолис баҳо берганлигиға гувоҳ бўлиш мумкин. Қомусда ёзилишича, "... ёш Темур дастлаб атрофига бир қанча йигитларни тўплаб, қароқчилик қилди; 1398 йил декабрда Деҳли султони Носириддин Маҳмудшоҳнинг 10 минг кишилиқ қўшинини қириб ташлади. Шаҳар таланди, аҳолиси қувғин қилинди". "Бағдодда 90 минг кишини қатл этди", "1398 йил Исфаҳонни забт этганида у 70 минг кишини калласини олдириб, шу калалардан тепа ясашни буюрди, бу ёвузликни Дамашқ ва бошқа жойларда ҳам такрорлади ва ҳ.к" (Ўзбекистон Совет Энциклопедияси. 11-т. Т.: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1978. Б.39-40.).

Ушбу жилддаги "Темур тузуқлари", "Темурийлар", "Темурийлар давлати" каби мақолаларда ҳам Соҳибқирон ва ворислари фаолияти бирёқлама ва ноҳолис талқин этилган (Шу асар. 41-42-бетлар.). Бу ҳолатни табиийки, мустабид Шўро мафқураси ғоялари таъсирида эканлигини яққол кўриш мумкин.

Н.Маллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслигида ёзилганидек, Темурнинг қилич ва қон сиёсати билан бир қатор ўлкаларни босиб олиб, даҳшатли ва ваҳшиёна сиёсат юритган, Исфаҳонда 70 минг калладан иборат минора қурдирган. Кичик Осиёнинг Сивос шаҳрида 4 минг нафардан ортиқ кишини ерга кўмдирган, асирға тушган 100 минг нафардан ортиқ ҳиндуни қириб ташлаган, мол-мулкларини талаган, асирларни қулға айлантирган.

Бу дарслиқда Темурнинг шуҳратпарастлиги, минглаб кишиларни, аёлларни, болаларни, эркакларни, ёшларни қириш, қийнаш ва азоб берганлиги ҳам ёритилган. Унинг империяси кўплаб ўлка ва халқларни зўрлик билан, қилич ва қон сиёсатиға асосланган эди. Шунингдек, мазкур асарда



"Халқ латифалари" орқали Амир Темур ва Хожа Аҳрор қораланган. Соҳибқироннинг босган қадами ўлим, вайроналик, харобалик келтирган деган ноҳолис фикрлар мавжуд (Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. Т.. 1965. 213, 238–239 бетлар).

Дарҳақиқат, Шўро тузуми даврида буюк бунёдкор, ислоҳотчи, халқпарвар, адолатни шиор қилиб олган беназир сиймонинг таърифига зид бўлган бўхтон ва туҳматлар дарсликларда ҳам ўз ифодасини топганди. Қандай бўлмасин турли воситалар теран сохта гоёлар халққа зўрлаб сингдирилар эди.

Қаттол шўро мафкураси буюк Амир Темур бобокалонимизнинг қиличидан қон томган "фотиҳ", "қароқчи", "йўлтўсар", "золим", "қонхўр", "босқинчи", "шафқатсиз ҳукмдор" сифатида атайин қоралаб келди. У киши ҳақида ёзиш у ёқда турсин, умуман ўтмиш ҳақида асарлар яратиш "ўтмишни идеаллаштириш" деб баҳоланди.

Соҳибқирон ҳақида бадий, илмий асарлар яратиш, тадқиқотлар олиб бориш ҳам хатарли эди. Ул зот ҳақида бошқалар томонидан ноҳолис ёзилган асарларни ўқисақда тарихимизни бузиб кўрсатганларга муносиб жавоб беришдан умуман маҳрум этилган эдик. Буюк бобокалонимизнинг жаҳон тарихидаги ўрни атайин сохталаштирилсада илм-фан ва маданият ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси инкор этилди, ҳаттоки ўқиб ўрганиш ман этилди. Бундан асосий мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка тобе этиш эди. Лекин танти халқимиз буюк аждодларимизни асло унутмасдан ҳамиша қалб тўрига сақлаб келди.

Рус тадқиқотчиси В.А.Панов 1934 йилда "Амир Темур таржимаи ҳоли"ни сўз боши ва изоҳлари билан қайта нашр эттирган. Бу асар собиқ Иттифоқ раҳбари И.В.Сталин кўрсатмасига кўра китоб дўконларидан тезда йиғиб олиниб, дарҳол ёндириб юборилган (Ҳ.Иброҳимов. Соҳибқиронни англаш. Т., 2013. 686 –бет).

1941 йил июнда Соҳибқирон ва авлодлари қилхонаси очилиб, руҳлари безовта қилинди Ўзбекистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1941 йил 23–27 апрелдаги қарорига кўра, Т.Н. Қори-Ниёзий, Л.В.Ошанин, А.А. Семёнов, В.А.Шишкин, Ҳ.Т. Зарифов, С. Айний, М.М.Герасимов, Б.Н.Засипкин, В.Н.Кононов, Н.А.Ким, М.Қаюмовлар иштирокида 16–24 июнь кунлари Темурийлар хилхонаси – Гўри Амирдаги тўққизта қабрдан олтитаси – Мироншоҳ, Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Муҳаммад Султон, Бибихоним қабрлари очилган (М.Қаюмов. Соҳибқирон билан учрашув. – Сомон йўли. Т., 1992.143–154 бетлар).

1952 йил 21–22 февралда бўлиб ўтган ЎзКП(б) Марказий Комитетининг X Пленумида Ўзбекистон тарихини ёритиш масаласи ҳақида жиддий танқидий фикрлар билдирилган эди. Амир Темур даврини ўрганиш ҳам танқид остига олинди.



Лекин қизил империя тазйиқларига қарамасдан бу йўналишда маълум изланишлар ҳам олиб борилди (В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский, А.А. Семёнов, И.И. Умняков, М.Е. Массон, И.Мўминов, Г.А. Пугаченкова, Л.И. Ремпель, Р.Г. Муқминова ва бошқалар). 1948 йилда шарқшунос М. Абдураимов собиқ Иттифоқ Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлимида (Ленинград, ҳозирги Санкт-Петербург шаҳри) "Темур ва Тўхтамиш" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади (О. Абдуллаев. Очилмай қолган ҳақиқат. - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1990 йил 14-декабрь). Бу тадқиқотта ўша давр йирик шарқшунослари А.Ю.Якубовский, Н.Д.Миклухо - Маклайлар ижобий баҳо беришган бўлсаларда, аммо кейинчалик "Шарқ юлдузи" журналида (1991 йил 11-сон) босилди ва сўнгра эса рисола шаклда нашр этилди (М.Абдураимов. Темур ва Тўхтамиш. Т., 2000.)

Таниқли рус олимлари Б.Д. Греков, А.Ю Якубовскийларнинг "Олтин Ўрда ва унинг қулаши" номли салмоқли китоби босилиб чиқди (Т., 1956) Мазкур асарнинг "Олтин Ўрданинг қулаши" номли учинчи қисмидаги "XIV асрнинг 80-90 йилларда Темурнинг Тўхтамишга қарши кураши" номли 3-боби А.Ю. Якубовский томонидан ёзилган. Шунингдек, А.Ю. Якубовский Амир Темурга бағишлаб бошқа асарлар ҳам яратган (Якубовский А.Ю. Тимур. Опыт краткой характеристики. - "Вопросы истории", М, 1946. № 8-9. С.42-74; Шу муаллиф. Государства Тимура Маверауннахра и Хоросан при Тимуридов (XV в.) - История Узбекской ССР. т.1. Т., 1967. С.435-508).

Рус шарқшунос олими И.И. Умняковнинг Темурийларнинг Ғарбий Европа давлатлари дипломатик ва ташқи сиёсий алоқаларга бағишлаган асарлари чоп этилди (Умняков И.И. Из истории международных отношений Средней Азии и Западной Европы в начале XV в. М., 1960; Шу муаллиф. Международные отношения Средней Азии в начале XV в. Отношения Тимура с Византией и Францией. - Труды УзГУ. н.с. вып. 61. 1956. с. 179-200; Шу муаллиф. Малоизвестный французский источник о Тимуре - Труды СамГУ. н.с. вып.101. Самарканд, 1960. с.173-199; Шу муаллиф. Самарқанднинг Ғарбий Европа давлатлари билан ташқи сиёсат соҳасидаги алоқалари. Самарқанд тарихи. 1-т. Т., 1971. 176-195-бетлар).

Машҳур аллома Алихон Тўра Соғуний (1885-1976) томонидан "Темур тузуклари" форс тилидан ўзбекчага ўгирилиб, унинг дастлабки боблари "Гулистон" журналининг 1967 йил 8-сонида босилиб чиққан, лекин тезда тўхтатиб қўйилган.

Рус тилида Н.А.Остроумов раҳбарлигида чиққан "Темур тузуклари" ни фиксимил варианты (1894) академик И.Мўминов сўз бошиси билан 1968 йилда қайта нашр этилган. (Мўминов И. К изданию фиксимиле "Уложение Тимура" - Уложение Тимура. Т., 1968. с.3-5.) Аммо рисола дарҳол китоб дўконларидан йиғиб олинган. "Тузуклар" дан парчалар шарқшунос Ҳ. Кароматов томонидан Алихон Тўра Соғуний таржимаси асосида кейинчалик "Шарқ юлдузи" журналининг 1988 йилги 8-сонида босилган эди.

Шарқшунос олим У.Уватов ўша мустабид даврдаги мавжуд қийинчи-



ликларга қарамасдан машҳур араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг "Ажойб ал- мақдур фи тарихи Таймур" ("Темур тарихида тақдир ажойиботлари") асари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади (1974). Кейинчалик мазкур диссертация асосида Ибн Арабшоҳнинг "Амир Темур тарихи" номли икки жилдди салмоқли китоби нашр этилди (Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-2 китоб. Нашрга тайёрловчи У.Уватов. Т.,1992).

Профессор О.Тоғаев Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар)" ни (М.М.Срезневский нашрида, 1881) русчада таржима қилиб, "Санъат" журналининг 1989 йилги 9-12, 1990 йилдаги 1-10 сонларида нашр эттирди. Ушбу кундаликлар таниқли журналист М.Сафаровнинг саъй-ҳаракатлари туфайли унинг сўз бошиси билан алоҳида китоб шаклида босилиб чиқди (Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Т., 2010.)

Йирик тарихшунос олим Б.В. Лунин 60-70 йилларда Амир Темур ва темурийлар даври тарихнавислигига оид тадқиқотлари рўйхатини нашр эттирди, библиографик кўрсаткич тузди ва 12 қисмга бўлиб таснифлади (Б.В.Лунин. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Т., 1965; История, культура и искусство времени тимуридов в советской литературе (Библиографический указатель). - "Общественные науки в Узбекистане", Т., 1969. № 8-9. С. 100-145; Шу муаллиф. На переломном этапе. Размышления историка. - "Коммунист Узбекистана". Т., 1990. №11, С.73-74).

Машҳур мижоз сайёҳи ва олими Г.Вамберининг Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўз ичига олган ("Амир Темур", "Темурнинг шахси, саройи ва турар-жойи", "Темурийлар" бўлимлари) "Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи" китоби ҳам нашр қилинди (тўпловчи С.Аҳмад. Т.,1990). 1980 йил охирлари - 1990 йил бошларида Соҳибқирон ҳақида саноклигина мақолалар чоп этилди (Березиков Е.Е. Пещера Тимура. - "Звезда Востока", Т., 1988, №6.С.158-163; Шу муаллиф. Магический камень Тимура. - "Звезда Востока", Т., 1990, №4. С.132-136).

XX асрнинг 60-йилларида академик И.Мўминов ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ташкил этилган Амир Темур тарихи ва манбаларини ўрганиш бўлими ҳам ёпиб қўйилди. 1969 йил сентябрь ойи бошида ЮНЕСКО томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган Темурийлар давридаги Ўрта Осиё санъатини ўрганиш бўйича халқаро илмий симпозиум ҳам ёпиқ эшиклар остида ўтказилди. Анжуман материаллари нашр этилмади (И.Мўминов Темурийлар санъатига бағишланган симпозиум. - "Гулистон", 1969 йил 9-сон. 10-12-бетлар; Муминов И. Об исторических корнях возникновения искусства Средней Азии эпохи Тимуридов. С., - Т., 1969. с-47. На узб., русск. и англ. яз.). Муминов И. Международный симпозиум ЮНЕСКО по изучению искусства эпохи Тимуридов. - "Общественные науки в Узбекистане", Т., 1969, №8-9, С.3-11).



Шунингдек алломанинг Самарқанд шаҳрини Темурийлар давридаги тарихига бағишланган тадқиқоти ҳам мавжуд (И.Мўминов. Самарқанд – Темурийлар давлатининг пойтахти. Самарқанд тарихи. 1-т. Т., 1971. 166–178–бетлар).

1960 йилларда шарқшунос Ю.Ҳакимжонов томонидан форс тилидан таржима қилинган муаррих Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асари ҳам ёруғ дунёни кўрмади. 1972 йил аллома ташаббуси билан муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари 1500 нусхада чоп этилди, бир қисми сотувга чиқмасдан китоб дўконларидан йиғиб олинди. "Зафарнома"ни нашрга тайёрлаган шарқшунос олим А.Ўринбоевнинг докторлик диссертацияси ҳимояси пайсалга солиниб, 15 йил кейинга чўзилди.

1956 йил 11–13 октябрда Ўзбекистон зиёлиларини биринчи қурултойи бўлиб ўтиб, кўплаб 30–йилларда Сталин қатаронларига учраганлар оқланган. Навбат Амир Темурга келиб КПСС МК Сиёсий бюроси (Президиуми)да бир неча бор муҳокама этилиб, масаланинг ечими Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ҳавола этилгач, Соҳибқирон шахсига нисбатан бироз илиқлик пайдо бўлган.

Манбаларига кўра ҳатто Амир Темур шахсига БМТ доирасида ҳам қизиқиш пайдо бўлиб, собиқ Иттифоқ Фанлар академияси маълумотларни тайёрлашни Тошкент олимларига топширган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида дарҳол ишчи гуруҳ тузилиб, ҳисобот тайёрланади. Академик И.Мўминов ҳисоботи Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумида муҳокама қилиниб, маъқулланган ва рисола шаклида нашрга тавсия этилган. Натижада И.Мўминовнинг Амир Темурга бағишланган рисоласи босиб чиқарилган (Ҳ.Иброҳимов. Соҳибқиронни англаш. Т., 2013. 890–917–бетлар).

1968 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиумининг кенгайтирилган кенгашида академик И.Мўминов "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги тутган ўрни ва роли" мавзусида маъруза қилган. Кенгашда Республикаимизнинг 50 нафарга яқин таниқли олимлари иштирок этишган, маъруза бўйича 13 нафар етакчи олимлар сўзга чиқишиб, ўз фикр–мулоҳазаларини билдиришган ва маъруза матнини рисола шаклида нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлигини маъқуллашган (И.Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли Т., 1968. 12–бет). Бўлажак рисолага қўлзмасига муаллиф 1968 йил 15 июлда мухтасар кириш сўзи ёзган, август ойида эса мазкур маъруза рисола шаклида 8 минг нусхада нашр этилган (И.Мўминов. Кўрсатилган асар. 52–бет). Ушбу мўъжаз рисола рус тилидан файласуф олим Н.Ғойибов таржима қилган ва яратилиш ҳақидаги жараёнларни "Донишманд" китобида муфассал ёритган (Н.Ғойибов. Донишманд. Т., 2008).

Академик И.Мўминовнинг серқирра илмий фаолиятида Амир Темур меросини ўрганиш муҳим ўринни эгаллайди. Аллома 1969 йил сентябрда Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО томонидан ўтказилган Темурийлар даври



санъатини ўрганишга бағишланган халқаро анжуманнинг ҳам бевосита ташкилотчиси эди.

Ўтган XX асрнинг 70-80 йилларида собиқ Иттифоқ миқёсида марказий ва республикада нашрларида Амир Темур шахсига қарши А.П. Новосельцев, М.Абдураимов, М.Ваҳобовларнинг мақолалари нашр этилди (Новосельцев А.П. Об исторической оценке Темура. - "Вопросы истории", Москва, 1973. № 2. С.3-20; Абдураимов М.А. Обзор литературы, посвященный Тимуру и тимуридов, изданный в Узбекистана 1960-х годах. - "История СССР", М., 1973. № 5-6. С.83-90; Вахабов М.Г. О правде - только правду. - "Правда Востока", 1988, 21 июня).

Ҳаттоки, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин ўз мақоласида Амир Темур фаолиятига холис баҳо бермасдан "босқинчи", "жаллод", "шафқатсиз" деб баҳолаган (Мирмуҳсин. За правду историю. - "Правда Востока", 7-июля 1989 года). Шу мавзудаги мақолалар "Коммунист", "Шарқ юлдузи" каби журналларда ҳам чоп этилган.

Соҳибқиронни "саводсиз", "босқинчи" бўлганлиги Н.Маллаев, Г.Ҳидоят, М.Исҳоқова, В.Костецкий асарларида ҳам баён қилинди (Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. Т., 1965; Г.Ҳидоят, Менинг жонажон тарихим. Т., 1992; Исхакова М., Костецкий В. История народов Узбекистана. Учебник VIII-IX класс. 1994; М. Исҳоқова, В.Костецкий. Ўзбекистон халқлари тарихи. 8-9 синфлар дарслиги. Т., 1995).

Ўзбек Совет Қомусида (1978) шундай сатрлар ёзилган: "Темур давлати ҳарбий феодал зулмга, халқларни шафқатсиз эксплуатация қилиш ва эзишга асосланган эди. Синфий жиҳатдан Темур феодал аслзодалар ва савдогарлар манфаатини ҳимоя қилди" (Б.Ҳасанов. Соҳибқирон қудрати ва жаҳон тамаддунида тутган ўрни. - Темурийлар даврида илм-фан ва маданият. Т., 2017. 134-бет).

Қадимшунос А.Бердимуродов куюниб шундай ёзган эди: "Амир Темур ва темурийларга нисбатан ҳақоратомуз муносабат аслида жуда юксак давраларда туғилиб, сўнгра пастга кўрсатмалар сифатида тарқаган эди. Агар уларни айримлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бунинг замирида айрим кимсаларнинг лавозимларини қандай бўлса ҳам сақлаб қолиш учун собиқ Марказдан берилган ҳар қандай кўрсатмаларни сўзсиз содиқлик билан бажаришганлигини кўришимиз мумкин.

Амир Темур ва темурийлар, қолаверса халқимизнинг узоқ ўтмишига қора чаплашда бир пайтлар Ўзбекистон халқлари мафқурасининг ҳушёр посбони бўлган Р.Нишонов нуфузли "Известия" рўзномаси иловаси "Союз" ҳафтаномасининг 1990 йил 1-сонидан шундай ёзган эди: "Миллатчилик ниятлари билан Рашидов Темур каби ўтмишнинг қонхўр босқинчиларини улуғлашга кўмаклаша бошлади (А.Бердимуродов. Гўри Амир мақбараси. Т., 1996. 70-бет).

Профессорлар У.Уватов, О.Тоғаевлар нашрга тайёрлаган сермазмун ва салмоқли китоблардан сўнг истиқлол арафасида Қарши давлат университетининг профессори Поён Равшановнинг "Ёшлик" журнали 1989 йил 10-



сонда босилган "Соҳибқирон муҳри" мақоласи катта қизиқишга сабаб бўлди. Олим кўп ўтмай Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темурнома" асарини нашрдан чиқарди. Бу китоб 1990–1991 йилларда икки юз мингдан, икки йилда жами тўрт юз минг нусхада босилиб чиқди. Бу шаклланаётган темуршунослик йўналишида муҳим воқеа бўлди (Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Амир Темур Кўрагон жангномаси. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва луғат муаллифи П.Равшанов.Т., 1990, 1991).

Совет тарихшунослигида Амир Темур шахси ва фаолиятига бир томонлама ноҳолис ёндашув натижасида фақат салбий баҳо бериб келинишига қарамай, Ўзбекистонда темуршунослик илмий йўналиши шаклланишига тамал тоши қўйилган.

Соҳибқирон даврида меъморчилик, ҳунармандчилик, савдонинг юқори даражада ривожланганлиги И.Мўминов, Г.А.Пугаченкова, Р.Т.Муқминова, П.Зоҳидов, Л.И. Ремпель, Н.Норқулов, Ў.Алимов томонидан ўрганилган. Бироқ мазкур йўналишдаги тадқиқотларда ҳам мафкуравий тазйиқ таъсири яққол сезилади ва меъморликнинг сунъий ривожига эътибор қаратилган, Амир Темурнинг бу борадаги ҳомийлигига урғу берилмаган. Аммо, шунга қарамай, мустабид тузум даврида фаолият юритган олимларнинг тадқиқотлари мазмуни ва савиясига юқори баҳо бериш ва темуршунослик ривожига тамал тоши қўйганини таъкидлаш зарур (О.Раҳматуллаева. Замоноавий даврда Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига тарихшунослигининг баъзи муаммолари. – Темурийлар даврида илм-фан ва маданият. Т., 2017. 54-бет).

Хуллас, Ўзбекистон темуршунослиги мустабид тузум даврида ниҳоятда қора, қабоҳатли кунларни ўтказди. Лекин ҳукмрон шўро мафкураси зуғумлари ва тазйиқларига қарамасдан санокли тадқиқотларгина эълон қилинди, холос. Юртимиз мустақиллиги туфайли Соҳибқирон бобокалонимизнинг бой тарихий меросини холисона ва ҳаққоний ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келди. Бу масала давлат сиёсати даражасидаги бажарилиши лозим бўлган устувор вазифа сифатида белгиланиб, қисқа даврда мислсиз натижалар қўлга киритилганлиги айни тарихий ҳақиқатдир.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистон темуршунослигининг қабоҳатли даври тарихий адабиётлар асосида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья основана на исторических литературах, где даны сведения о репрессивне периоде тимуроведение Узбекистана.

SUMARRY

The disgustry period of the Uzbek Temurists.

This article is based on historical literature of the distgustry period of the Uzbek Temurists.



SURXON VOHASI AHOLISI ETNIK TARIXIDAN

Нурулло Гурсунов,
ТерДУ докторанти.

Таянч сўз ва иборалар: *воҳа, қишлоқ, дин, аҳоли, мусулмон жамоаси, оила, авлод, ижтимоий қатлам, ижтимоий гуруҳ, табақа, тамға, оилавий муносабатлар.*

Ислом динининг Марказий Осиёга кириб келиши туб аҳоли ўртасида мусулмон маданиятини ривожлантириш билан бирга маҳаллий шароитда ўзига хос равишда ижтимоий қатламларни ҳам шакллантириб борди.

Ислом динини кенг тарқалишида иштирок этган шахслар, маълум бир ижтимоий гуруҳларнинг аъзолари ислом дини мафкурачилари томонидан рағбатлантирилиб, ижтимоий ҳаётда ўзлари учун зарур бўлган жамиятдаги ўз мавқесини мустаҳкамлаш билан бирга, кўплаб ҳақ-ҳуқуқларга ҳам сазовор бўлишарди. Айниқса, бунда ҳукмрон табақа томонидан чиқарилган фармон ва фармойишлар асосида эгалланган мавқеи, кейинчалик авлоддан-авлодга ўзига хос бир "тамға" бўлиб ўтадиган ҳуқуқлар муҳим эди. Маълум вақт ўтгач авлод томонидан эгалланган мақомнинг аҳамияти сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг фойдаланиш учун асқотиши маълум бўлиб борди ва ижтимоий гуруҳнинг бир кўриниши сифатида "табақага" айланди.

"**Табақа**" - бу ижтимоий келиб чиқишининг муштарақлиги, шуғулланадиган машғулоти (касбий фаолият)нинг умумийлиги ва эндогамия, яъни маълум бир қариндошлик ва никоҳ меъёрлари тизимида амал қилувчи, кўпинча диний мансублик ва одатий хусусиятлар ҳамда қатор анъана, удумлар билан боғлиқ бўлган ижтимоий жамоадир.

Табақаланиш ёки қайсидир бир жамоа аъзоси бўлиш кишининг кайфиятига қандайдир гурурланиш туйғусинигина бериб қолмасдан, унга болаликнинг илк кунларидан бошлаб, ўз мавқесини ҳимоя этиши учун масъулият юклайди. Бу масъулият бурч даражасигача кўтарилиб, унга амал қилиш гўдак дунёга келган кундан бошланади. Масалан, фарзандга исм қўйиш, кимлар билан дўст тутиниш, қаерда ўзини қандай тутиши, кимга қандай муносабат ва мулозаматда бўлиш, диний илмлар ўрганиш, ислом динини билиш, мусулмончилик қонун-қоидалари ва шу кабиларда намоён бўлади.

Тарихдан маълумки, Сурхон воҳасида этник келиб чиқиши ёки бошқа ҳолати қандайдир бир тоифа, ижтимоий қатлам мақомга, мавқега эга бўлиши, унинг ижтимоий - иқтисодий асослари оилавий муносабатларига боғ-



лиқ бўлган. Бу эса авлоддан-авлодга жамиятда ўз ўрнини топишида имконият яратиб берган. Фақатгина кейинги авлодлар уни ҳимоя этиши лозим эди. Шу каби имтиёзни, мавқени неча-неча асрлар давомида сақлаб келган минтақалардан бири Сурхон воҳаси ҳисобланади. Воҳада хўжалар, сайидлар шундай имтиёзларга эга бўлишган.

Аввало, илмий адабиётларда хўжалар ҳақида берилган таърифларга бироз тўхталамиз. Ислом динини биринчилардан бўлиб, қабул қилган ерли, маълумотли ва обрўли одамларни "**хожа**" дейишган. Хожа (форсча) - "**хўжа**", "эгам, эга" деган маъноларни беради. Тасаввуфда Мовароуннаҳр тариқат машойихларига берилган унвон. Бу унвон Юсуф Ҳамадоний (104-1140)дан бошлаб ишлатила бошланган. Масалан, Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Юсуф Ҳамадонийдан олдин ўтган пирлар "шайх" унвони билан аталганлар. Агар "хожа" ибораси илми, зиёли шахсларга нисбатан қўлланилса, хўжа сўзи маъноси кўпинча "хўжайин" иборасининг синоними сифатида тушунилади. Араблар истилосининг биринчи асрида (VIII аср) юз берган воқеалар вақтида бу сўз "хўзайна" ("хўжайин") шаклида ёйилади, кейинги адабиётларда эса "хўжа" деб юритилган. 1. Ислом дини тарқалган мамлакатларда диний арбоблар, бадавлат шахслар ва баъзи ҳолатларда шоир ва ёзувчиларнинг фахрий унвони. Туркияда диний касб эгаси ҳамда ўқитувчисига мурожаат қилиш усули. 2. Ўрта Осиёда XX аср бошларигача тўрт ҳақиқий халифага авлод эканлигига даъво қилувчи кишилар; 3. Хожагон суфийлик тариқатининг аъзолари; 4. Сомонийлар, Ғазнавийлар даврида улў хожа деб вазирга мурожаат қилган. Салжуқийлар даврида эса давлатнинг муҳим соҳаларини бошқарган билимдон, ақл-заковатли кишиларни "хожа"лар деб аташган.

Хўжа сўзи қайси даврда, қайси минтақада ва қандай маъно англатишидан қатъий назар хўжа дейилганда асосан ўзларининг этник келиб чиқишини араблар билан боғловчи аҳоли тушуниланган. Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозиргача ҳам хўжаларни арабларнинг қайси қавмидан эканлиги масаласи баҳсли бўлиб, фанда бу борада ҳам яқдил бир фикр мавжуд эмас. Айрим маълумотларга кўра, улар умуман араб қавмлари асосида шакланган этник гуруҳдир; бошқа фикрларга кўра- хўжалар Ўрта Осиёни босиб олган араб лашкарбошиларнинг авлодларидир; учинчи бир қарашга кўра, улар тўрт халифа (чоҳариёр)лар, ёки уларнинг бирини, ёинки бевосита пайгамбар авлодлари дейилади. Хўжа гуруҳига мансуб аҳоли Ўрта Осиёдан ташқари Қозоғистонда, Қошғарда, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида учрайди. Хўжа, Хўжақишлоқ, Хўжаариқ, Хўжақўрғон, Ўзбекистоннинг деярли барча туманларида мавжуд бўлган. Хўжа номи билан нафақат қишлоқлар ва табиий ҳудудлар, балки зиёратгоҳлар, қадамжолар, ариқлар номланган. Баъзи ҳудудларда хўжа сўзининг ижтимоий-сиёсий маъноси унутилгач, этник атамага айланган. Маълум кишилар гуруҳининг номи бўлиб қолган. Хўжа сўзи дастлаб киши исмига қўшиб айтил-



ган: унинг қайси табақа ё уруғ қабиладан эканлигини билдирган. "Бобурнома"да Хожа Абдулҳақ, Хожа Али, Хожа Мирмирон каби исмлар учрайди. Кейинги даврда исмдан кейинга қўшилган: Абдурахимхўжа, Каримхўжа, Азимхўжа, яъни изоҳловчи вазифасида қўлланилган. Ижтимоий табакани англаувчи сўздан киши исми, ундан жой номлари пайдо бўлган.

Хўжа сўзининг турли даврларда ва ҳудудларда иккинчи даражали бошқа маънолари ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, қозоқлар ва қирғизларда хўжа деб эскича мусулмон мактабларида дарс берувчи муаллимга айтилган. Бутун Ўрта Осиёда хўжа - бу мулла, умуман диний уламодир [8:116]. Шунингдек, Ўрта Осиёда бўлгани сингари минтақага қўшни бўлган давлатларда бу сўз "эр, хотин, кекса киши", шунингдек, жаноб, хўжайин, катта киши ва табиб маъноларида ҳам қўлланилган.

Бухоро хонлиги, (XVI-XX аср 20- йиллари) даврида ушбу унвон юқори руҳоний доиралар, имом хатиблар, диний идора раҳбарлари, баъзи имтиёзи кенг бўлган аслзода диний сулоалар (масалан, Жўйбор шайхлари)га нисбатан қўлланилган. Таъкидлаганимиздек, хўжа мақоми машҳур авлод, муқаддас жой ёки қайсидир бир авлиё шахсга авлод бўлганларга нисбат сифатида ишлатилиб келинган.

Сурхондарё хўжаларига келсак, маҳаллий аҳоли уларни икки қисмга: мурид овлайдиган хўжалар ва мурид овламайдиган хўжаларга бўлинишган. Мурид овлайдиган хўжаларни эшонлар деб аташган, лекин адабиётларда эшонларга қуйидагича таъриф берилади: эшонлар мусулмон жамоасининг бошлиғи, мураббийи ва суфийлик оқимида диний раҳнамолардир. Катта-катта қишлоқларнинг аҳолиси, жамоаси эшонларга тобе бўлиб, ўзларини эшонларнинг муридлари ҳисоблашганлар. Маҳаллий аҳоли ўртасида тасаввурларга кўра, кимки бир эшоннинг муриди бўлмаса, демак у мусулмон ҳисобланмаган. Ҳатто қуда-анда бўлишда қайси эшоннинг муриди эканлиги сўраб суриштирилган, мабодо пирдош чиқиб қолишса, яъни бир эшоннинг муриди бўлишса бир-бири билан қуда бўлишлари осон бўлган.

Маълумотларга қараганда, Сурхон воҳаси ҳудудидаги хўжалар, асосан саййид ва миёнлардандир, яъни уларнинг аждодлари шажаралари халифалар - Умар ва Алининг авлодларига бориб тақалади. Хўжалар ҳам чигатойлардек форсийзабон ва туркийзабон бўлишган, шунга кўра улар ўзбек ва тожик хўжаларига бўлинишган.

Ўрта Осиёни районлаштириш комиссиясининг 1924 йилги маълумотларига қараганда, ўзбек хўжалари асосан икки жойда яшаганлиги кўрсатиб ўтилади.

Пошхўрд водийсида ўзбек хўжалари, асосан Зарабоғ, Қорабоғ ва Пошхўрд қишлоқларида яшашган бўлиб, шу атрофдаги бошқа қишлоқларда ҳам оз бўлсада истиқомат қилишган. Қумқўрғон атрофидаги хўжалар эса Сурхондарёнинг ўнг тарафидаги Жалойир, Тактўғай қишлоқларида ва шу дарёнинг чап тарафидаги Хўжа қишлоғида яшашган. Маълумотларга қараганда, XVII асрнинг машҳур мутафаккирларидан бири Хожа Самандар Термизий Жалойирлик хўжалардан бўлган. Ҳозирги кунда ҳам унинг



еттинчи авлодига мансуб авлодлари Жалойирда яшашади.

Тожик хўжалари Бойсун туманининг Пассурхи қишлоғида истиқомат қилишади. Пассурхи хўжалари Афғонистоннинг Балх вилоятидан 200–300 йиллар чамаси олдин келишган бўлиб, дастлаб Оқбулоқда (Сариосиё қишлоғи ҳудудида) жойлашганлар. Кейинчалик улар суви қулай бўлган Пассурхи қишлоғига кўчиб ўтганлар.

Шунингдек, Термизлик саййидлар тарихи ҳали яхши ўрганилмаган, лекин улар хусусидаги асосий манба оилавий шажарасидир. Масалан, Термиз шаҳри яқинидаги Саллиобод (Салавот) қишлоғи хўжалари халифа Али авлодига, айнан унинг ўғли Ҳусайинга мансуб эканлиги ҳақида баҳсга ўрин қолдирмайдиган аниқ тарихий маълумотлар мавжуд.

Ислом дунёси тарихида Термиз ўзининг барча сифатлари орасида маърифати, илму ирфондаги истеъдодлари билан алоҳида ажралиб туради. Улар орасида саййидлар хонадони вакиллари ҳам бор: фалакиётчи олим Жалолиддин Жаъфар ибн Ҳусайн ат-Термизий, табиб, дориларнинг тавсифи, ишлатилиши соҳасига бағишланган "Мужарработ", яъни "Синалган дорилар" китобининг муаллифи Муҳаммад Маъсум ибн Саййид ал Ҳасаний ат-Термизий, "Моноқиби Муртозовий" тарихий асарларини ёзган Мир Муҳаммад Солиҳ Термизий шулар жумласидандир.

"Саййид" сўзи арабча бўлиб, луғавий маъноси "жаноб" деган маънони билдириб, авлод ар-расул-пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом авлодларига фахрий унвон бўлиб қолди. Мусулмон оламида шариф, хўжа сўзлари айрим ҳолларда саййид атамасининг ўриндоши сифатида ишлатилади. Баъзан Муҳаммад алайҳиссаломнинг неваралари бўлмиш Ҳасан авлоди шариф, Ҳусайин авлоди эса саййид фахрий унвонлари билан алоҳида ажратилади.

Арабларда мусулмон давригача "саййид" қабиланинг сайланадиган раҳбарининг унвони бўлиб, масъул, бошлиқ деган маънони билдирган. Муҳаммад Пайғамбарнинг амакиваччаси Алининг отаси Абутолиб бир вақтлар Қурайш қабиласининг саййиди, яъни бошлиғи бўлган.

Термиз саййидларининг насабномаси ҳам Сомонийларнинг келиб чиқишини Термиз шаҳри билан боғлайди. Насабнома Исмоил Сомонийнинг ҳар йили Термизга келиб туриши тўғрисида хабар беради. Саййид Амир Абдулло унинг қизига уйланади. Уларнинг фарзандларидан бошлаб Термиз саййидлари исми-шарифига XVII асргача Худованзода лақаби қўшилган. Бу ҳол кўплаб тарихий манбаларда ўзининг аксини топган. Пайғамбар хонадонидан бўлсада, имомлар билан боғлиқ бўлмаганлиги, Термиз саййидларига мусулмон оламида ўзига хос мавқени белгилайди. Муҳаммад авлодлари яшаган ҳар бир ҳудудда уларни бошқариб турадиган алоҳида нақиб бўлган. Термизда ҳам саййидларнинг нақибни бўлган, уларнинг вазифасига ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш ва белгиланган нафақаларни тарқатиш кирган. Термиз саййидлари Марказий Осиёнинг кўплаб ҳудудларида-Балх, Тохаристон, Марв, Ғазна ва бошқа жойларда нақиблик вазифасини бажарганлар.

XVII аср бошларидан саййид сўзи ўрнига хўжа сўзи кўпроқ ишлатила



бошланди. Термиз саййидлари шажараси араб тилидан форс тилига таржима қилинди. Ундаги исмларда хўжа термини пайдо бўлди. Хонадон вакиллари Салавот хўжалари деб аташ расм бўлиб қолди. Термизлик хўжалар адабиётларда, давлат идораларида, юқори мартабали амалдорлар орасида "Термизлик саййидлар" деб юритилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек халифалар авлодлари турлича аталсада, лекин уларнинг барчасининг номига хўжа унвони қўшиб айтилиб, хўжалар номини олган. "Саййид" унвони "хўжа"дан юқори ҳисоблансада, лекин Сурхон воҳаси аҳоли уларни умумий ном билан "хўжалар" деб аташган.

Омонхоналик хўжалар авлоди эса, ривоятларга қараганда, Ҳазрат Султон Вали аждодларига бориб тақалади. У киши асли Балхдан бўлиб, Термизга илм ўрганишга келган. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўз шогирдларининг сабр-бардошини синаш учун тоғлар орасида жойлашган Омонхона қишлоғига жўнатади. Саҳоба Султон Сиддиқ Вали Омонхонада жойлашган гор ичига кириб ғойиб бўлганлиги тўғрисида халқ орасида машҳур ривоят мавжуд. Ҳазрат Султон Сиддиқ Вали ҳам Абу Бакр авлодидан бўлган, чунки унинг султон унвони бу ҳақда далолат бериб турибди. Маълумки, Султон унвони ислом ва халифалик билан боғлиқ бўлган. Саҳоба Султон Сиддиқнинг Омонхона яқинида ғойиб бўлгани, ҳазрат Султон Сиддиқ Вали ҳақидаги воқеаларни таҳлил қилсак, Бойсун ва Шеробод ҳудудларидаги хўжалар асосан саййид ва миёнлардан, яъни халифалар Али ва Умарнинг авлодларидан тарқалган, деган фикрни айтиб ўтган бўлсак-да, Омонхоналик хўжаларнинг айнан сиддиқийликлардан эканлигига шубҳа қолмайди.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалар этник гуруҳ эмас, балки ижтимоий келиб чиқишига эга бўлган тоифалардир. Улар барча мусулмон мамлакатларида бўлганидек, ҳукумат томонидан белгиланган имтиёзларга эга бўлган. Уларда оилавий ички никоҳ устун бўлиб, фақат ўзаро қиз олиб қиз беришган. Хўжалар ўзларининг авлодини соф сақлашга интилишган, нуфузли тоифа эканлиги билан алоҳида ажралиб туришган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кудрявцев М.К. Община и каста в Хиндустане. М., "Наука", 1971.- С.37.
2. Куценков А.А. Эволюция индийской касты. М., "Наука", 1983.-С.13
3. Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи билим. Т.: "Мовароуннаҳр", 2001.- 409-бет.
4. Ислам: Словарь атеиста Авксентьев А.В., и др. Под общ. ред. Пиотровского М.Б., М., "Политиздат", 1988.-С. 238.
5. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати.Т., "Ўқитувчи" 1989. 197-бет.
6. Рассудова Р.Я. Термин ходжа в топонимии Средней Азии. // Ономастика Средней Азии. I-М., 1978-С.116.



7. Дала ёзувлари, 2016-2017 йиллар. Шеробод тумани, Қорабоғ, Хомкон қишлоқлари.
8. Дала ёзувлари, 2018 йил. Термиз тумани, Салавот қишлоғи.
9. Дала ёзувлари, 2018 йил. Шеробод тумани, Хомкон қишлоғи.
10. Дала ёзувлари, 2017 йил. Шеробод туманидги, Пошхурд, Зарабоғ, Қорабоғ, Қумқўрғон туманидаги Жалойир, Токтўғай, Хўжа қишлоқлари.
11. Термизий Хожа Самандар. Дастур ул-мулк. (Подшоҳларга қўлланма). Т.: "Адабиёт ва санъат", 1997. 10-12-бетлар.
12. Дала ёзувлари, 2018 йил. Бойсун тумани, Пассурхи қишлоғи.
13. Семёнов А.А. Происхождения Термезских сеидов и их древняя усипальница "Султан Саодат"/ПТКЛА. т. XVIII, 1914.-С.3,20.
14. Ўрта Осиёлик қирқ олим. Т., 1961. 84-бет.
15. Жалолiddин Мирзо. Термиз саййидлари. Самарқанд, 2001. 16-бет.
16. Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991.-С.203.
17. Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. Термиз, 1993. 114-бет.
18. Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991. С.297.
19. Жалолiddин Мирзо. Термиз тарихи. Т.: "Шарқ", 2001.33-бет.
20. Мирзаев Ж. Термиз саййидлари. Самарқанд-Термиз. 2001. 17-бет.
21. Дала ёзувлари, 2017 йил. Термиз тумани, Салавот қишлоғи.
22. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М.: "Наука", 1976 .С.149.
23. Дала ёзувлари, 2016 йил. Бойсун туманидаги, Омонхона қишлоғи, Термиз туманидаги Салавот қишлоғи.
24. Дала ёзувлари, 2017 йил. Бойсун туманидаги, Омонхона қишлоғи.

РЕЗЮМЕ.

Мақолада, Сурхон воҳаси аҳолисининг ижтимоий қатлами ҳисобланган хўжаларнинг жамиятдаги мавқеи, мақоми, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва оилавий муносабатлари ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ.

В статье освещенно жизнь и место в обществе "хаджи", одного из слоев населения Сурхандарьинского оазиса. Особо подчеркивается преемственность из поколения в поколение общественных, политических и экономических традиций в жизни "ходжи".

SUMMARY

In the article there is highlighted life and place of hadjis in society of the inhabitants of Surkhandary Oasis. There is especially emphasized succession from generation to generation of social, political and economical tradition in life of hadjis.

Keywords: Oasis, village, religion, inhabitant, muslim community, family, generation, social layer, social group, tobacco, seal, family elation.



O‘ZBEK OILALARIDA AVLODLARARO MUNOSABATLAR: MILLIYLIK VA UMUM INSONIYLIK

Рамз Зоҳиров,

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий - амалий тадқиқот маркази Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи.

Таянч сўз ва иборалар: *авлодлараро муносабатлар, қадриятлар, дифференциация, конфедарация, миллийлик, умуминсонийлик, оилавий маросимлар.*

Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг моҳияти, оила институти ва авлодлараро муносабатларни мустақамлашга таъсири аксиомадир. Аммо, қадриятшунос олима, фалсафа фанлари доктори, профессор Р.Х.Рўзиеванинг ёзишича, "қадриятларга миллий тикланиш ва ривожланиш нуқтаи назаридан ёндашиш концепциясида умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришиш, улар ўртасидаги диалектик боғлиқликни ўрганиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Инсоният тараққиёти шундай бир тарихий босқичга қадам қўйдик, энди ҳеч бир халқ, миллат, давлат бошқа халқ, миллат ва давлатлар билан кенг интеграцияга киришмай, умумжаҳон тараққиётига ўзининг ҳиссасини қўшмай, глобал муаммоларни ҳал этишда қатнашмай ҳамда умуминсоний нормалардан, бойликлардан, ютуқлардан, қадриятлардан фойдаланмай ривожлана олмайди. Платон назарда тутган "қисмнинг бутунга боғлиқлиги ўз ўзидан аён, "бутун эса қисмнинг моҳиятидир", деган бугунги глобал тараққиётдаги интеграцион алоқаларни, халқаро муносабатлар субъектларининг яхлитлик, бир-бирига боғлиқлик, келгусида мавжудлик шартидир.

Аммо бу яхлитлик, бутунлик "қисмлар"нинг шунчаки йиғиндиси эмас, улар "бир-биридан фарқ қилган, ўзига зарур бўлган, ҳатто бир-бирига зид нарсалар билан шуғулланган" тақдирда ҳам яхлит, бутун амал қиладиган адолатга бўйсундилар, натижада қисмлардаги ўзига хослик, миллийлик рад этилмайди, балки, аксинча, улар сақланган ҳолда, интеграциянинг узлуксизлигига, алоқаларнинг кенг қамровлигига эришилади". Мазкур фикрда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини ўрганмоқчи бўлган



тадқиқотчилар учун фалсафий аҳамиятга эга бир нарса қайд этилмоқда, у халқ, миллат ҳаётидан жой олган, уларнинг қадриятларига айланган воқеаликларда миллий ва умуминсоний белгилар мужассам бўлади.

Тадқиқотчилар ушбу фалсафий аҳамиятга эга воқеликни илғаши, очиб бериши керак. Хўш, авлодлараро муносабатлар ижтимоий аҳамиятга эга воқеликлар сифатида ўзининг қандай имманент хусусиятларига эга? Улар ўзбек оиласига нисбатан қандай белгилари билан бошқа ижтимоий муносабатлардан ажралиб туради ёки улар билан интеграцияга киришади? Улар ижтимоий детерминизм қонунларига бўйсунадими ёки мутлақ мустақил воқеликларми? Улардаги миллий ва умуминсоний белгилар оила институти ҳаётига қандай ва нималар орқали таъсир этади? Уларни ўлчаш имкони ва механизмлари борми?... Тан олишимиз керакки, мазкур саволларнинг барчасига қониқарли жавоб бериш қийин, чунки бу масалалар ижтимоий фалсафада, оилашуносликда кун тартибига қўйилмаган, ҳали муҳокама қилинмаган. Шундай бўлса-да, биз тўплаган манбалар ва эмпирик материалларга таяниб уларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Р.Х. Рўзиевнинг қайд этишича, ҳар қандай ижтимоий воқелик, айниқса қадриятлар "икки асрлар давомида давом этиб келаётган, барқарор воқелик сифатида шакланган ўзак ва кунаро ўзгараётган воқелик таъсирида трансформацияга учраётган, кундалик талаблар таъсирида ўзгараётган қадриятларга (устки қисм) бўлинади. Биринчи, ўзак қисмни, К.Кантор таъбири билан айтганда, ҳатто социал революциялар ҳам ўзгартира олмайди, иккинчи қисмни кунаро эҳтиёжлар, ташқи таъсирлар, интеграцион алоқалар, информацион оқимлар кундалик эҳтиёжларга мувофиқ ўзгартириши, трансформацияга учратиши мумкин". Агар ушбу методологик принципдан келиб чиқсак, авлодлараро муносабатларда ҳам икки қисмички ўзак, барқарорва устки, ўзгарувчан қисмлар мавжуд. Ўзак қисм халқ, миллат шаклланиши, ривожланиши жараёнларида юзага келган, ҳатто социал инқилоблар, тўнтариш ва ўзгаришлар ҳам йўқ қилолмаган, тарихий маданий парадигмага айланиб, ижтимоий бирликнинг имманент белгисига айланган бойликлар, қадриятлар, тажрибалар мажмуасидир. Бу ўзакни ўзгартириш, бошқақадриятлар, бойликлар ва тажрибалар билан алмаштириш мушкул кечади, ҳатто мумкин эмас. Агар шундай ҳол рўй берса, халқ, миллат ўзлигини, тарихий маданий тажрибасини йўқотади, тарих саҳнасидан тушиб қолади ёки бошқа, "пассионар" (Л.Н.Гумилев) этносга қўшилиб кетади. Шунинг учун ҳам халқ, миллат тўғрисида гап кетганида, уларнинг генезиси ўрганилганида тарихий маданий ўзакка назар ташланади, унинг имманент белгилари ўрганилади.

Ўзбек оиласидаги авлодлараро муносабатлардаги ўзак қуйидаги белгиларда намоён бўлади:

- оила бутунлигини, яхлитлигини асраш;
- репродуктив ва демографик анъаналарга риоя этиш;



- оилада шакланган иерархияга риоя этиш;
- ижтимоий маконда оила мавқеини мустаҳкамлаш;
- дифференциация (бўлиниш) ва конфедерация (бирлашиш) функцияларини бажариш;

- авлодлараро муносабатларни этноанъана сифатида қадрлаш. Ўзбек халқида орийат, ўз обрўсини сақлашга, тўкмасликка интилиш кучли.

Ўзбек бирор нарсага қўл уришидан олдин ёки оиласига таалуқли бирор хатти-ҳаракатни содир этишидан олдин унинг ўзи ёки оиласи обрўсига қанчалик таъсир этишини кўз олдига келтиради. Агар шу хатти-ҳаракат ўзининг ёки оиласининг обрўсини тўкса, унга путур етказса, у шу хатти-ҳаракатдан, ҳатто у унга катта зарар етказса ҳам, воз кечади. Бу ўринда ўзбек халқининг ўз анъаналарига, тарихий маданий тажрибаларига содиқлиги кўзга ташланади. Обрўни сақлаш оила институти бутунлигини сақлаш демакдир. Обрўга путур етган жойда оила бутунлигини сақлаш қийин. Оила бутунлиги деганда аввало оила ядроси бўлган ота-она муносабатлари, кейин улар атрофидаги фарзандлар, неваралар ва чеваралар муносабатларидаги яқдиллик, улар ўртасидаги аҳиллик, иттифоқ назарда тутилади. Аввало ота-она (эр-хотин) ўртасида аҳиллик, иноқлик бўлиши даркор. Бу аҳиллик, иноқлик бузилган жойда оила бутунлиги ҳақида сўз юритиб бўлмайди.

Бутунлик азалдан кишиларни қизиқтириб, ўзига жалб этиб келаётган воқелик ҳисобланади. Платон ва Аристотель давлат бутунлигини идеал ижтимоий-сиёсий борлиқ сифатида тасаввур этганлар. Улар назарида бутун идеал, инсонлар хатти-ҳаракатларида ушбу идеалга эргашиб, унга талпиниб яшаганларида бахт-саодатга эришадилар. Платоннинг илк одамларни бутун, юмалоқ, андрогин (қўшажинсли) тасвирлаганида маъно бор. Бундай одамлар, файласуф тасвирига кўра, шундай кучли бўлишганки, улар бир сакраганида Зевс даргоҳига чиқиш қувватларига эга бўлишган. Андрогинларнинг бу фазилатидан Зевс ваҳимага тушган ва уларни иккига, яъни эркак ва аёлга бўлиб ташлаган. Хуллас, бутунлик фалсафада етуклик, комиллик, ривожланганлик тарзида талқин қилинади. Ўзбек халқи оила бутунлиги деганда эр-хотин аҳиллигига қурилган оилавий ҳаётни, "бутун оила эмас", "чала оила", "ярим оила", "тўқис оила эмас", "якка оила" деганида эр-хотиндан бирининг йўқлигини ёки етишмаслигини назарда тутаяди.

Ислонда оила бутунлиги эр-хотин бирлиги орқали эканлиги таъкидланади. "Аллоҳ таоло, "Рум" сурасида бундай марҳамат қилади: "Ва Унинг оят белгиларидан сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда меҳру муҳаббат ва марҳаматни солиб қўйганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят белгилар бордир "Инсонни эркак аёлга ажратиб, жуфт яратишининг ўзи Аллоҳнинг Биру Борлиги, баркамол сифатлар соҳиби эканининг ёрқин дали-



лидир... Аллоҳ таоло инсоннинг ўзидан унга жуфт яратиб беришининг ҳикмати баён қилиб: "сокинлик топишингиз учун" демоқда. Дарҳақиқат, эркак фақат аёлдангина сокинлик, ором, ҳузур ҳаловат, осойишталик ва тинчлик топади. Шунингдек, аёл ҳам ўзига керак сокинлик, ором, ҳузур-ҳаловат, осойишталик ва тинчликни эркакдан топади". Шунингдек, Қуръони Каримда таъкидланадики: «Аллоҳ сизларга ўзларингиздан жуфт қилди ва сизларга жуфтларингиздан болалар ва набиралар қилди ҳамда сизларни пок нарсалардан ризқлантирди" Ушбу ояти каримада инсонни жуфт эркак ва аёл қилиб яратилишининг ҳикматларидан бири фарзанд ва набиралар қолдириб, инсон сулоласининг давомли бўлишини таъминлаш экани баён қилинмоқда". Ислом қудратга, кучга эга бўлган, сарф харажатни кўтароладиган мўминларни уйланишга даъват этади. Никоҳ, уйланиш эркакдаги шаҳватни, зинонинг олдини олади.

Ўзбек халқи анъаналарига кўра, оила обрўси ҳаё, софлик, ифбат ва садоқат орқали ҳам асралади. Агар оила аъзолари ушбу умуминсоний фазилатларга эга бўлмаса ёки уларни ўз хатти-ҳаракатларида унутса, муносабатлар кескинлашиши турган гап. Профессор А.Ҳайитметов ёзади: "Исломда, тасаввуфда, қолаверса, Шарқ мумтоз адабиётида "ҳаё" масаласи ва тушунчасига катта ўрин ва маъно берилган. Ҳаёли бўлиш инсонийликнинг, мусулмончиликнинг, одоб-ахлоқнинг тамал тошларидан бири ҳисобланган. Навоий "Назмун жавоҳир" асарига рубоийларнинг бирида ҳаёни, ҳаёли бўлишни қуйидагича улуғлайди:

*Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,
Бўстони садоқатқа саҳоб ўлди ҳаё.
Мазмун ҳасоилга ҳижоб ўлди ҳаё,
Эл айнига гўёки ниқоб ўлди ҳаё.*

"Ҳаё" ҳозирги тушунчада юксак маданиятликни, камтарликни, босиқликни англатади. Навоийча, ҳаё инсон обрў эътиборини офтобдек ёритиб, гўзаллаштириб туради. Ҳаё саодат боғини офтоб тафтидан сақловчи булутдир. Шу билан бирга ҳаё инсондаги ёмон хислатларни яширгувчи парда, одамнинг кўзини тўсиб турувчи ниқобдир... Демак, ҳаёли бўлиш ҳар қандай одам учун шоҳга ҳам, гадога ҳам, олимга ҳам, оддий ишчига ҳам зарур бир фазилатдир".

Фарзанд кўриш, халқ, миллат бўлиб яшашнинг шартидир. Ўзбек халқига хос қадриятлардан бири болажонликдир. Репродуктивлик, демографик барқарорликни таъминлаш, ҳаёт маъносини фарзандлар кўриб, уларни етиштиришда кўриш ўзбек оиласининг олийжаноб анъаналари қаторига кирадиган фазилат ҳисобланади. Ўзбек халқ дostonлари, эртаклари ва мақолларида фарзандлик идеал ҳаёт тарзида улуғланади. Масалан, "Алпомиш" дostonидаги Бойбўри билан Бойсари ўртасидаги низода бефарзандлиги учун ака (Бойбўри) укаси (Бойсари)дан закот талаб этиши сабаб бўлади. "Сир шундаки, Бойбўрининг кўчиб кетганини акаси қўрқоқлик, сотқин-



лик, ўжарлик, ҳатто мавжуд тартибларга, анъаналарга бўйсунмаслик деб билади. Аслида ҳам шундай эди. Акасининг закот талаб этишини зўравонлик деб қабул қилган Бойсари закотнинг нафақат ижтимоий-сиёсий жиҳатлари, шу билан бирга акасининг адолатпарварлиги рамзи, ўзбекона урф-одатларга мувофиқ келадиган анъанавий талаб эканини эсига олмайди. Натижада фожиа рўй беради ака-ука бир-бирини тан олмаслик даражасида йироқлашадилар". Ака-ука ва уларнинг оилаларидаги муносабатларнинг кескинлашишини мулкий дифференциация, ёки патриархал урф-одатларнинг, тартибларнинг бузилиши деб талқин этиш мумкин. Қандай бўлмасин, дostonда ўзбек оиласига хос анъаналар ва улардаги ўзгаришлар ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқи маданияти ва унга хос оилавий маросимлар, байрамларни махсус тадқиқ қилган О.Нишонова ёзади: "Ўзбекларга хос этномаданий ва этнопсихологик ҳодисалардан бири болажонликдир. Шунинг учун улар бола отаси пушти камаридан она раҳми бачадонига ўтганидан бошлаб турли оилавий маросимлар ўтказиб келадилар."Суюнчи", "Йўлдош кўмиш", "Чўмилтириш", "Исм қўйиш", "Бешикка солиш", "Бешиккерт", "Чалпак пишириш", "Юпқа пишириш", "Ақиқа", "Чиллагизорон", "Тирноқ олди", "Бешик тўйи", "Соч тўйи", "Тиш чиқди", "Илк қадам", "Суннат тўй", "Мучал ёши", "Никоҳ тўйи" кабилар шулар жумласидандир. Улардан ташқари, фақат эркакларга хос бўлган "Гап гаштак", "Мўйлов оши", "Сабзи тўғраш", аёлларимизга хос бўлган "Намозшом пардоз", "Халфана", "Аёллар гапи", "Аёллар ҳашари", ўзбек қизларига оид "Арғимчоқ учиш", "Ўсма қўйиш", "Соч ўриш", "Хина қўйиш" каби маросимлар ҳам мавжуддир".Мазкур маросимлар, анъаналарнинг ҳар бири тўғрисида зарур илмий фалсафий хулосалар чиқариш, маълум бир фикрларни илгари суриш мумкин. Улардан бири ҳақидаги фикр билан чекланамиз. У "Бешиккерт" маросимидир. "Бешиккерт" қиз ва ўғил болани гўдаклик чоғида унаштириб, фотиҳа қилиб қўйиш маросими бўлиб, қадимда қабилалар ўртасидаги уруш жанжалларга чек қўйган, тинч қўшничилик муносабатларини, икки оила ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлаган. "Бешиккерт" қилинган йигит ва қиз бир бирларига нисбатан ғойибона меҳр-интиқлик, ҳурмат билан вояга етишган. Оилалар кўп йиллар давомида бир-бирини синаб, билиб боришган, вақти келганида уюшган тарзда тўй ўтказишган. Ёшлар ўқиш, меҳнат ва ҳунарда, маънавий камолотга интилишда бир бирларига муносиб бўлишга ҳаракат қилишган".

Ўзбек халқ мақоллари "Болали уй бозор, боласиз уй мозор", "Бол ширин, болдан ҳам бола ширин", "Бола лой, она кулол", "Болалик уйда ғийбат йўқ", "Болалик подшолик", "Фарзанд билан давлатнинг эрта кечи йўқ" кабиларда ҳам халқимизга хос бўлган болажонлик ўз аксини топган.

Республика ижтимоий фикрни ўрганиш "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган махсус савол жавоблар ҳам кўрсата-



дики, 2009 йилда респондентларнинг 45,6 %, 2011 йилда 58,6 % оилада фарзандлар бўлиши шарт. Шу тартибда қисман қўллаб-қувватловчилар 23,3 % ва 24,3 %ни ташкил этган бўлса, бу фикрга қўшилмайдиганлар 22,9% ва 12,6 %ни ташкил қилган. Сўровномага тортилганларнинг 56,3% 2-3 фарзандли, 31,1 % 4-5 фарзандлидир. Умуман, респондентларнинг 81,6 % фарзандлидир. Бу рақамлар ҳам ўзбек оилаларида болажонликнинг сақланиб қолаётганидан дарак беради. Тўғри, илгаридегидек "қаҳрамон она"лар энди кам учрайди, лекин уч беш фарзандли оилалар етарличадир. Фарзандлар авлодлараро муносабатларнинг субъектлари сифатида уларнинг динамикасини, уни сақланиш, келгуси авлодларга етказишни белгилаб келади. Фарзандларнинг кўплиги авлодлараро муносабатларнинг барқарор давом этишини, кенгайишини, миллий анъаналар билан уйғунлашишини белгилайди. Уларнинг бир бирлари билан алоқалари миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлашуви, бирбирига интеграциялашуви омилидир. Агар фарзандлар бўлмас, авлодлараро муносабатларда узилиш юзага келса, мазкур уйғунликка, интеграциялашувга зиён етади, авлодларнинг бир-бирини англаши, тушуниши мураккаблашади, гоҳо бундай узилиш авлодлараро тўқнашувларга, конфронтацияга олиб келади. Ўзбек оилаларидаги авлодлараро тўқнашувлар кўпроқ маънавий психологик ва мулкый характерга эга, аммо улар ҳеч қачон авлодлар ўртасидаги антогонистик кураш даражасига кўтарилмаган. Оилавий қадриятлар ва анъаналар бундай курашга йўл қўймаган.

Ўзбек оилаларидаги муносабатлар иерархияга қурилгани билан ажралиб туради. Табиийки, бу иерархия бошида оила бошлиги, одатда эркак туради. Авлодлараро муносабатлар ҳам ушбу иерархияга бўйинсунади. Халқ педагогикаси ота-онани оиладаги иерархик муносабатларнинг бош субъектлари сифатида уларга итоат ва ҳурматни қуйидагича талқин қилади: "Азиз болалар, ота-онангизни ҳурмат қилинг. Ота-онани ҳурмат қилишингиз улар сизнинг қошингизда доимо муҳтарам эканликларидан далолат беради. Ота-онангизга фақат ёшлари сизлардан катта бўлганлари учун эмас, балки чақолоқлик вақтингиздан то йигитлик вақтингизгача сизларни тарбиялаб, едириб, кийдириб мактабга юборганлари ва ҳар нарсангизга диққат фидо этганлари учун ҳурмат қилишга, уларга бўйсунушга мажбурсиз. Умрингизнинг ҳар куни, ҳар соатида сизларга қилган хизматларини эсингизга туширинг. Ота-онага ҳурмат бутун умрингиз бўйича, энг бахтли, шодлик ёки қайғулик вақтларингизда ҳам давом этиши лозим. Уларга очиқ юз, ширин сўз ва мулойимлик билан сўзланг, сизларга қилган яхшилик ва фидо-корликларни асло унутманг. Баъзи вақт қариллик уларнинг кайфиятларини бузади, хафа, кўнгилсиз бўлиб юрадилар. Мана шундай вақтларда уларни овутинг, кўнгилларини кўтаринг, кулдиришга ҳаракат қилинг. Уларнинг буюрган хизматларини бўйин товламай адо этинг".

"Оилавий муносабатларда, айниқса ўзбек оилаларида отанинг роли ни-



хоятда улкан, деб ёзади педагогика фанлари доктори, профессор А.Қ.Мунавваров. Чунки оилада эр ҳамма вақт болаларининг, турмуш ўртоғининг доимий таянчи бўлиб келган. Шу сабабли оиладаги ўғил бола доимо отасига ўхшашга интиланган, унинг хатти-ҳаракатига тақлид қилган. Халқимизнинг доно маслаҳатларида ўғил тарбиясида отанинг роли улуғланиб келган. Ота-она намунаси болалар учун кўргазмали ҳаёт дарсидир. Отанинг онага, она меҳнатига, жамиятга, жамият аъзоларига бўлган муносабати бола қалбида яхшилик ёки ёмонлик, маъқул ёки номаъқул ишлар ҳақидаги дастлабки тушунчаларни вужудга келтиради. Мақсадсиз, тарбия натижаларини ҳисобга олмасдан қилинган ота-оналар меҳнати барибир самарасизлик билан тугайди. Оғзаки сўзлар эмас, балки онгли, ўйлаб қилинган ишлар бола онги ва қалбига бориб етади". Демак, қуруқ дидактика, оғзаки панд насиҳат эмас, балки отанинг хулқ атвори, фазилатлари, онага муносабатлари фарзандлар учун ҳаёт дарслиги вазифасини ўтайди. Иерархик муносабатлар мен каттаман, сен кичиклигинг учун менга итоат этишинг даркор, деган ультиматум тарзида эмас, балки маънавий ахлоқий фазилат тарзида амалга оширилади. Эзгу сўз, эзгу ният ва эзгу амал ўз навбатида оилани бошқариш, ундаги муносабатларни йўлга қўйишнинг самарали омилдир. Ўтказган социологик сўровномамиз натижаларидан маълум бўладики, "Оилангизда асосан кимнинг гапига қулоқ солишади?" деган саволга респондентларнинг 39 % "Отанинг", 22 % "бобомнинг", 12 % "Ҳаммамиз тенгмиз", 11 % "Онамнинг", 6 % "Катта бобомнинг", яна шунчаси "Катта момомнинг", 3 % "Бувимнинг" деб жавоб беради. Демак, оиладаги муносабатларни асосан эркаклар, яъни ота ва бобо йўлга қўяди. "Ҳаммамиз тенгмиз" деб жавоб берганлар (12 %) нинг деярли барчаси шаҳарларда, кўп қаватли уйларда яшовчилардир. Уларга асосан икки авлодлик хосдир.

Авлодлараро муносабатларни асраш ва эъзозлаш оилавий этноаъаналарнинг моҳиятини ташкил этади, бундай муносабатларсиз оила институтининг бўлиши мумкин эмас. Аммо бу муносабатларнинг динамикаси, сарҳадлари ва улардаги трансформация жараёнлари оилаларнинг неча авлодлилиги билан боғлиқдир. Шунинг учун Ўзбекистон учун характерли бўлган икки ва уч авлод оилалар ва улардаги авлодлараро муносабатлар келгуси мавзуларимизда тадқиқ этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. - "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" // "Халқ сўзи", 2018 йил 28 июнь.
2. Рўзиева Р. Жамиятнинг маънавий янгилиниши: илмий умуминсоний қадриятлар уйғунлиги. - Т.; Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашри, 2011. 22-бет.
3. Платон. Собрание сочинений. т.2. - М., 1991. с. 248-249.



4. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Бахтиёр оила. - Т.: «SHARQ»-2012.
5. Ҳайитматова А. Ўғитлар олами //Оила бир гулшанки... - Т.: «Ўқитувчи», 1996. 22-23-бетлар.
6. Нишонова О. Ўзбек этномаданиятини эстетик моҳияти. - Т.: «Фан», 2013. 32-бет.
7. Убайдуллаева Р.А. Семья в Узбекистане. - Т., 2012. с.64.
8. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётдан лавҳалар. - Т.: «Фан», 1996. 42-бет.
9. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1994, 84-бет.
10. Алибеков С.А. Маънавиятимиз дурдоналари. - Т.: ЎзДЖТУ, 2003., 60- бет.

РЕЗЮМЕ


Ушбу мақолада ўзбек оилаларида авлодлараро муносабатларни асраш ва эъзозлаш, оилавий этноанъаналарнинг моҳияти, миллийлик ва умуминсонийлик ҳақида сўз юритилади

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрыта сохранения и приумножения отношений между поколениями в семье, показан смысл общечеловеческих, национальных, этнотрадиционных традиций.

RESUME

In this article the author discusses the theme of conservation and enhancement of intergenerational relations in the family, shows a sense of human, national, attractions traditions.





O'zbek mumtoz musiqasi tarixidan

Зафар Шоназаров,
Қарши педагогика коллежи ўқитувчиси.

Таянч сўз ва иборалар: ўзбек мумтоз музикаси, дostonчилик, мақомчилик, миллий қадриятлар, бастакорлик ижодиёти, куй, усул, ашулачилик ва созандалик мактаби.

Ўзбек халқи мумтоз музикасининг яратилиш тарихи минг-минг йилларга бориб тақалади. Бобокалонларимиз ўз ички кечинмалари силсиласини музаффар юришлар тантанаси, тўй-ҳашамларини, сайилу базмларини қўшиқсиз-куйсиз ўтказмаган. Халқимиз шеърлар газаллар битишга қадимдан ихлосманд бўлган, уларга куй басталаб қўшиқларга айлантирган. Олиму фузалоларимиз турли мавзулар қатори музика бўйича ҳам асарлар яратган. Йирик ҳажмдаги музика асарларини бугунги кунда ҳам сақланиб қолганини кўришимиз мумкин. Бу куй ва қўшиқларнинг оҳанглари кўп қаторли музика ёзувига кўчирилган. Ўзбек халқининг мумтоз музикаси куй ва қўшиқлари халқимизнинг ардоғини қозонган бўлиб, улар миллатимизнинг маънавий бисотини ўзида акс эттиради.

Маълумки, Марказий Осиё қадимдан маданият ўчоғи, илм-фан ривож топган замин сифатида маълум ва машҳур. Бу ерда етишиб чиққан буюк олимлар жаҳон фани, меъморчилиги, адабиёти ва санъати ривожига катта ҳисса қўшиб келганлар. Музика санъати ривожига ҳам ана шундай алломаларнинг ҳиссаси катта бўлган.

Аждодларимиз томонидан яратилган турли жанр ва шаклдаги анъанавий музика намуналари бадиий-маънавий меросимизнинг ажралмас мулкига айланган. Жумладан, ўзбек мумтоз музикасининг кўҳна ва ҳамиша навқирон ашула, катта ашула, дostonчилик ва мақомчилик санъатлари ҳам асрлар давомида ҳар хил кўринишларда ривожланди, тараққий этди. Бизгача етиб келган музика ва чолғу куйлари, бастакорлик ижодиётининг ноёб маҳсуллари музика фольклори билан узвий боғланган ҳолда шаклланиб ва сайқалланиб ривожланган. Айтиш мумкинки, биз бугун "Шошмақом" дея атаб, эъзозлаётган бой мумтоз музикамиз шаклланиши, такомиллашуви, умуман тараққиёти қадим даврлардан бошланган. Дастлаб ўн икки мақом, кейинчалик эса "Шошмақом" шаклидаги бу мероснинг асоси етук бастакорлар, созандаю хонандалар томонидан яратилган ва такомилга етказилган.



Анъанавий мусиқа намуналарига эга бўлмиш ўзбек халқи ўзининг "Ал-помиш", "Гўрўгли" дostonлари, "Шoшмақом"и ва минглаб мусиқа фольклор қўшиқлари билан дунёдаги бадиий меросга бой халқлар қаторидан муносиб ўрин олган. 2001 йил май ойида Бойсун маданий муҳити ва 2003 йил ноябрь ойида ўзбек ва тожик халқлари мумтоз мусиқасининг нодир хазинаси бўлмиш "Шoшмақом" ЮНЕСКО томонидан "Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси дурдонаси" деб тан олинди. Шу туфайли асрлар давомида сақланиб келаётган Бойсун анъанавий маданиятига, "Шoшмақом" туркумига қизиқиш дунё миқёсида тобора ошиб бормоқда. Бунда бу ноёб меросимиз жаҳоннинг турли мамлакатларида "Бойсун" фольклор ансамбли, Тургун Алиматов, Абдуҳошим Исмоилов, Муножот Йўлчиева, Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли ва бошқа жамоалар ҳамда санъаткорлар томонидан ижро этилиши; 1997 йилдан ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш анъанага айланиб қолган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ва 2002 йилдан буён ўтказилаётган "Бойсун баҳори" очиқ фольклор фестивалига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу нуфузли мусиқа анжуманларига санъаткорлар билан бир қаторда халқимизнинг фольклор ва мумтоз мусиқаси билан шуғулланувчи ижодкор-олимлар ҳам ташриф буюриб, ўзларининг фестивал доирасидаги илмий-амалий йиғилишларида халқ ижоди ва мақомчилик санъатининг тарихи, бугунги ва келажак ҳақида фикр юритмоқдалар. Шунингдек, ноёб дурдоналарни тарғиб этувчи мақолалар, тўпламлар, йирик китоблар, СД, ВСД, мултимедиялар нашр этилиб, дунё миқёсида тарқатилмоқда.

Халқимизнинг бой мусиқа мероси, мақомларимиз, Марказий Осиё мусиқа маданиятининг юзага келишида, шаклланишида асосий манба вази-фасини ўтади, десак муболага бўлмайди. Чунки, унинг ноёб оҳанглари, дилкаш наволари ва чуқур мазмунли шеърый матнлари инсон руҳиятига озуқа берувчи манба эканлигини қайта-қайта таъкидлаш мумкин.

XX асрда мақомчилик санъати ривожини миллий негиз билан уйғунлашган ҳолда янада тараққий топди. Ўзбекистонда "Шашмақом"нинг янги миллий удумлари пайдо бўлиши ҳам серқирра мақом анъаналарини нафақат сақланиши ва ҳимоя қилиниши, балки янада юксалишига олиб келди. Ўзбек мумтоз мусиқаси, биринчи навбатда, кишига руҳий енгиллик бахш этиш вази-фасини бажарса, иккинчи томондан, кишининг ташқи дунёга эстетик муносабатда бўлишини шакллантиради; учунчи томондан эса тарбиявий таъсир вази-фасини ҳам бажаради. Ҳар бир мусиқа асарининг киши руҳиятига таъсирини қадим даврларда яшаб ўтган олимларнинг асарлари ҳам, ҳозирги техника тараққиёти даври самаралари ҳам исботлаб турибди. Шарқнинг буюк мутафаккирлари мусиқасининг инсон руҳиятига таъсири, турли ҳис туйғулар уйғота олиш хусусиятларини батафсил таҳлил қилганлар, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Сафиуддин Урмавийлар мақомлар ва умуман мумтоз мусиқанинг кишиларга таъсирини ўрганишган.

Маълумки, ўзбек анъанавий мусиқаси ўтмишдан икки йўналиш, яъни



бир-биридан пайдо бўлувчи, бир-бирини тўлдирувчи, шу билан бирга ўзининг алоҳида хусусиятлари ва сифатларига эга бўлган йўналишлардан ташкил топган. Шулардан бири, ҳаётий мезон билан боғлиқ мусиқа фольклори бўлса, иккинчиси ана шу жонли жараённинг ижодкорлар тафаккури билан тўлдирилган мумтоз мусиқа йўналишидир. Ҳар икки йўналишда ҳам умумий ҳисобланган миллий анъаналар билан боғлиқ томонлари бўлгани каби, ўз йўналишига хос услубларни ифода этадиган алоҳида жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Лекин ижодий мезон, ижрочилик анъаналари ва талқин масалаларида эътиборга лойиқ ўзига хослик жиҳатлари талайгина.

Мумтоз мусиқа деганда ўзбек халқига мансуб, унинг етук созанда, бастакорлари томонидан асрлар давомида яратилган мусиқа санъати намуналари кўзда тутилади. Ушбу мусиқа бошқа мусиқа ижодиёти намуналаридан бир неча ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади:

1. Оғзаки тарзлилиқ-мумтоз мусиқа халқ томонидан асрлар давомида яратилиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга ўтиб келган ижод маҳсулидир. Маълумки қадим замонларда илк бор юзага келган фольклор ва мумтоз асарлар омма томонидан ижод қилинган ва ижро этилган. Ўрта асрларда эса истеъдодли созанда, хонанда ва бастакорлар томонидан яратилган. Оғзаки анъанадаги муаллифлик ижоди, оммавий ижод сингари, халқ ҳаёти ва унинг турли томонларини тўғри, аниқ бадиий жиҳатдан мукамал ифода этиши, халқ диди ва талабига мос туша олиши туфайли узоқ яшайди. Демак, мумтоз мусиқанинг яратилиши ва тарқалиши жонли оғзаки анъана билан боғлиқдир.

2. Анъанавийлик - мумтоз мусиқа намуналари анъана сифатида сақланиб, ривожланиб келмоқда. Анъана деганда узоқ вақт давомида халқ тажрибасидан ўтиб, одат тусига кирган тадбир ёки хусусият тушунилади. Анъанавийлик асарларнинг оғзаки тарзда яратилиши, ижро этилиши ва тарқалиши, асарларнинг матнида (куй ва шеър), ижро услубларида намоён бўлади.

3. Профессионалик - мумтоз мусиқа асарлари яратилиши ва ижро этилиши профессионал сифатлар (кенг диапазонли овоз соҳиби, моҳир созанда мусиқа ва шеърят қонуниятларини билиш ва уларга риоя қилиш, маълум воҳа ва ижрочилик мактаби анъаналарига бўйсуниб)га ва маҳоратга эга бўлишдир. Ушбу мусиқа намуналари ўзига хос ижод ва ижро жиҳатлари туфайли профессионаликни талаб этади.

4. Муаллифлик - мумтоз мусиқа ижодиёти етук созанда ва бастакор маҳсулидир, у индивидуал-муаллифлик (маълум шахс томонидан яратилган) ижодга киради. Тўғри, аксарият асарларнинг муаллифлари номаълум, аммо айрим асарларнинг номлари ижодкор ва ижрочининг исмлари билан юритилади, масалан; Абдураҳмонбеги, Ҳожи Абдулазиз ушшоғи ва бошқа кўплаб мисоллар келтириб ўтиш мумкин, ушбу асарлар ўзининг куй ривожи, шакл мураккаблиги ва ижро усуллари мукамаллиги билан ажралиб туради. Улар "устоз-шогирд" анъанасини ўтаган етук созанда, хонанда,



бахши, шоир, катта ашулачи ва мақомчилар томонидан ижро этилади. Санъаткорлар халқнинг орзу ва умидлари, севинч ва ҳайратлари, қувонч ва қайғулари, жамики инсоний қалб эҳтиёжларини юксак мусиқий идрок билан тасвирлаб бориб, кишиларга ҳамиша руҳий-маънавий озуқа беришган. Улар мумтоз мусиқа орқали нафосат ва эзгулик оламига тингловчини ошно қилиш истагида бўлиб, ўлмас қадриятлар билан ҳамиша баҳраманд этиб келган.

Мумтоз мусиқанинг ҳар бир намунаси асрлар давомида кўплаб истеодли ва етук созанда ва хонандалар томонидан ниҳоятда сайқалланган, юксак санъат намунаси даражасига кўтарилган. Анъанавий ижрочиликнинг ўзига хос нуқтаи назаридан Ўзбекистонда турли маҳаллий ижрочилик мактаблари тарихий ривожланиш шароитида алоҳида ўрин тутди. Мақомчилик, дostonчилик, ашулачилик, созандалик каби ўзига хос мактаблари билан жилоланади. Анъанавий санъатимизнинг улкан билимдони устоз Юсуфжон қизиқ Шакаржонов шундай таърифлайди: "Миллий мусиқа санъатимиз бамисоли бир дарахт бўлиб, унинг томири Хоразм, танази Бухоро, шохлари Фарғонадир".

Анъанавий ижрочилиги тарихига назар ташласак, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўлкамизда мумтоз мусиқа санъатининг бутун бир ижрочи авлоди етишиб чиққанлигининг гувоҳи бўламиз. Ота Жалол, Ота Гиёс, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Домла Ҳалим Ибодов, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Содирхон ҳофиз Бобошарипов ва кейинчалик уларнинг шогирдлари мумтоз мусиқа санъатимиз хазинасини ўзларининг мақомлари, дostonлари, катта ашула ва сувворалари билан бойитдилар. Анъанавий ижрочилигимизда ҳар бирлари бир-бирига ўхшамаган ажойиб ижро услубларини ва янгидан-янги асарларини ҳам яратдилар.

Мумтоз мусиқа ривожланиш тарихини шартли равишда икки босқичга ажратишимиз мумкин.

Биринчиси - XX асргача босиб ўтилган йўл, оғзаки анъанада сақланиб ривожланиши, ҳар бири ўз номига ва услубига эга бўлиши. XIX асрдан бошлаб "мусиқий рисоаларда" шарқ мумтоз мусиқасининг назарий масалалари Форобий, Ибн Сино, Абдулқодир Мароғий, Абдураҳмон Жомий, Дарвиш Али Чангий каби улкан олимлар томонидан атрофлича ўрганилиб келинган. Уларнинг асарлари мусиқа илмининг пойдеворини ташкил қилиб, мусиқанинг юзага келиши, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, тарихий шакллари, ижрочилик ва таълим масалалари ҳамда улар негизда куй, лад ва усул тизимларининг таркиб топиш қонун-қоидалари батафсил ёритилган.

Иккинчиси - XX асрдан бошлаб мумтоз мусиқа намуналари нота ёзувларига битилган, садолари оҳанграбо тасмаларига туширилган, янги таълим тизимида ўзлаштирилган, ҳаваскор ва профессионал ансамбллар ва ижрочилар томонидан ижро этилиб, жонли анъана тарзида яшаб келмоқда. Ашула ва ялалар, дoston ва катта ашулалар, чолғу куйлари ва туркумлар, мақомлар замонавий нота ёзувларида абадий муҳрланди.



XX асрда ўзбек мумтоз муסיқаси намуналарини тўплаш ва ёзиб олиш (ёзувлар замонавий Европа нота ёзувида) ишлари ривож олди. Бухоро "Шашмақоми" илк бор рус композитори Виктор Успенский томонидан нотага олиниб (1923), тўплам сифатида чоп этилди; Кейинчалик Бобоқул Файзуллаев, Шоназар Соҳибов ва Фазлиддин Саҳобовлар (Тожикистон, 1950-1961), Юнус Ражабий (Ўзбекистон, 1959) каби ижрочи ва бастакорлар томонидан ёзиб олиниб нашр этилди. "Хоразм мақомлари" туркуми Комил Девоний ихтиро этилган "танбур чизиги" ёзувида куй, усул, ижро асослари қонунлаштирилиб, қонун-қоидаларга буйсунган ҳолда ижро этилиши Хоразмда йўлга қўйилган. Мазкур ёзувлар В. Беляев, И. Акбаров томонларидан замонавий нота ёзувига кўчирилган; кейинчалик Озод Бобоназаров, Ботир Раҳимов, Рустам Болтаевлар илмий-ижодий изланишлари натижасида "танбур чизиги" ёзувлари янгича тасаввурга эга бўлди. XX асрнинг 30-йилларида Хоразм мақомлари Елена Романовская (1939), 50-йиллардан бошлаб эса Матниёз Юсупов (1958) томонидан ўрганилди ва чоп этилди. Фарғона-Тошкент мақомлари Виктор Успенский, Виктор Беляев, Юнус Ражабийлар томонидан ёзиб олинди.

XX аср ўзбек мумтоз муסיқасини тўплаш, ёзиб олиш, илмий ўрганиш ва тарғиб этишда композитор ва бастакорлар, муסיқашунос олимларнинг хизматлари катта бўлган. Ўзбек анъанавий муסיқа намуналарини тўплаш, магнит тасмаларига ёзиб олиш, ҳужжатлаштириш, нота ёзувида муҳрлаш ва илмий ўрганиш ҳамда уларни нота тўпламлари, китоблар ва грампластинкалар орқали нашр этишда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг фаолияти аҳамиятлидир. 1928 йили Самарқандда ўзбекларнинг халқ ва классик муסיқасини ўрганиш илмий текшириш институти сифатида иш бошлаган муассаса, кейинчалик ўзбек муסיқасини ўрганиш марказига айланди. В. Успенский, И. Абрамов, Ф. Кароматли каби атоқли олимлар раҳбарлигида республиканинг ва Марказий Осиё давлатларининг турли жойларида экспедиция ишлари олиб борилди. Натижада Ўзбекистонда жуда бой муסיқа архиви вужудга келди ва кундан-кунга бойиб борди.

Мамлакатимизда ташкил этилган, ҳар тўрт йилда ўтказиладиган Юнус Ражабий номидаги Республика ва Халқаро миқёсдаги мақом ижрочилари ва мақом ансамбллари, бахши шоирлар, фольклор ва оилавий ансамбллар, катта ашула ижрочилари, турли хил кўрик танловлар ҳам ўзбек анъанавий (фольклор ва мумтоз) муסיқамизнинг келажagini ўйлаб қилинаётган тадбирлардир. Бу танловларда кўплаб истеъдод эгалари кашф этилади ҳамда уларнинг ижро маҳоратлари билан кенг омма танишади. Бундан ташқари Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан Шаҳрисабз шаҳрида 2018 йил 6-10-сентябрь кунлари Халқаро мақом фестивали ўтказилди. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат консерваторияси, Маданият ва санъат институтлари, муסיқа ва санъат коллежлари, академик лицейлари ва махсус муסיқа мактаблари "Анъанавий ижрочилик" бўлимларида юзлаб иқтидорли йигит ва қизлар халқ ижодиёти, катта ашула, дostonчилик ва

мақомчилик сирларини ўрганиб, ижро анъаналари ва услубларини ўзлаш-тирмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Нурматов Х., Юлдашева Н. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. -Т., 2007.
2. Орипов З. Шарқ мусиқий манбашунослиги. - Т., 2008.
3. Акбаров И. Мусиқа луғати. -Т., 1998.
4. Турсунов Р., Маннопов С. Анъанавий қўшиқ ижрочилиги услубиёти. -Т., 2003.
5. Юсупов М., Акбаров И. Хоразм мақомлари. 3 томлик. -Т., 1987.
6. Ибрагимов О. Шашмақом (Фарғона - Тошкент мақоми). Т., 2006.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек мумтоз мусиқаси, унинг ривожланиш тарихи, бой маънавий мероси дурдоналари, мақомчилик санъати ривожини, тарихи ҳақида сўз боради. Мавзу долзарб аҳамиятга эга бўлиб, муаллиф томонидан ўзбек мумтоз мусиқаси, жумладан "Шашмақом" каби санъат дурдоналарининг кишига руҳий энгиллик бахш этиши, кишининг ташқи дунёга эстетик муносабатда бўлиши ҳамда инсонга тарбиявий таъсири орқали турли ҳис туйғулар уйғота олиш хусусиятлари батафсил таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются история узбекской классической музыки, ее развития, шедевры богатого духовного наследия, развитие искусства макома, его уникальные ритмы, гламурные мелодии и история становления нашей национальной музыкальной культуры. Важно отметить, что автор чувствует себя по-разному благодаря использованию узбекской классической музыки, такой как "Шашмаком", чтобы дать человеку дух расслабления, эстетическое отношение к внешнему миру и его образовательные впечатления, они были проанализированы относительно свойств их пробуждения.

RESUME

In the article discusses the history of Uzbek classical music, the history of its development, the masterpieces of a rich spiritual heritage, the development of the art of maqom, its unique rhythms, glamorous melodies and the history of the formation of our national musical culture. It is important to note that the author feels differently due to the use of Uzbek classical music, such as Shashmak, to give a person a spirit of relaxation, aesthetic attitude to the outside world and his educational impressions, they were carefully analyzed regarding the properties of their awakening.



YANA AMIR TEMURNING «TUZUKLAR»I HAQIDA

Тўлқин ҲАЙИТ,

*Халқаро Амир Темур жамоат фонди раисининг
ўринбосари.*

Қарийб тўрт асрдирки, Амир Темурнинг машҳур "Тузуклари" эл орасида тарқагандан буён тадқиқотлар, илмий изланишлар тўхтагани йўқ. Бу нимадан далолат беради? Бу шундан далолат берадики, *"мазкур китоб мисраларида ўзгача илоҳийлик, улуғлик бор. Тузуклар отахоннинг ўз фарзанд ва набираларига қолдирилаётган ўта муҳим маслаҳат ва васияти каби янграйди"*, - деган эди ушбу асарнинг илк тадқиқотчилардан бири **Жозеф Уайт**.

Чиндан ҳам шундай, буюк ҳукмдор Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи ҳам "Тузуклари"нинг иккинчи қисмида:

"...салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим, авлодим ва зурриётимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин", дея алоҳида қайд этиб ўтган.

Бу ўринда бизни бир масала борасида алоҳида тўхталиб ўтишга ундайди: у шундан иборатки, баъзилар ҳалигача нима учун Низомиддин Шомий ёки Али Яздийлар ва ўша давр бошқа тарихчиларнинг асарларида "Темур тузуклари" ҳақида бирор ишора учрамайди, дея эскича фикр юритишдан тўхтамаяптилар. Улар шуни билсинларки, Чингизхон ҳам ўз "Ясо"сини яширин сақлаган. Шундан ҳам билса бўладики, Амир Темур ҳам ўз қўлланмасини оммага ошқор этмаган. Чунки "Тузуклар"да Соҳибқирон ҳарбий даҳоси ўзининг тўла аксини топган бўлиб, унда улуғ ҳукмдорнинг йирик армияни шакллантириш, ҳарбий юришлар режаси, тактика ва стратегияси, энг катта жангларнинг шарҳи ва уларни амалга ошириш йўллари изчил ва содда, лўнда баён этилган, янада муҳимроғи, Соҳибқирон Амир Темурнинг куч ва адолатни бирлаштириш борасидаги дунёвий қарашлари ҳам ўз аксини топган бўлиб, ўша даврда бундай китобнинг ўзгалар қўлига тушиб қолиши анча хавфли эди. Аммо кўрамизки, бундай нодир асарнинг ошиқлари кўп бўлган ва уларнинг ҳар бири уни қўлга киритиш пайида изланганлар, елиб-югурганлар ва керак бўлса, маблағларини ҳам аямаганлар.

Сўзим қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол келтирай: **Жозеф Уайт 1782 йилнинг 15 сентябрида:**

"...дўстим Деви ўз хизматини тамомлагач, юртимизга (яъни Англияга) ушбу асарни ҚАНЧА МАБЛАҒ ва КУЧ кетса ҳам олиб



келишига ишонаман", деб ёзган¹.

Эътибор беринг!

"Қанча маблағ ва куч кетса ҳам", дейилмоқда. Бу оддий гап эмас ва буни дунё кўрган инглиз кишиси айтмоқда.

"Темур тузуклари" – чиндан ҳам Соҳибқирон Амир Темур томонидан Темурийларга мерос қолдирилган давлатни бошқариш ҳақидаги МАХ-ФИЙ ДАСТУР эди.

Сўз исботи билан.

Англияда Уильям Деви 1779 йилнинг 24 октябрида "Тузукларнинг аслияти масаласи" мақоласида жуда қизиқ воқеани келтиради, яъни у ёзадики:

"Шоҳ Олам кутубхонасида "Темур тарихи ва Тузуклари"нинг чиройли кўчирма нусхаси мавжуд ва шоҳ уни алоҳида эътибор билан сақлайди. Менга бўлган илиқ муносабати сабабли, ўз кутубхонасидаги барча китоблардан фойдаланишим учун рухсат берган, фақатгина ушбу китобни сўрамаслигимни олдиндан огоҳлантирган".

Демак, инглиз зобитлари Жозеф Уайт ва Майор Девилар "Темур тузуклари"ни фақат ўзларининг қизиқишлари учун эмас, балки инглиз жамияти манфаати учун ҳам унинг зарурлигини ҳис этганлар ва иккинчи томони Амир Темурнинг адолати уларни жуда қизиқтирган. Бунинг маълум сабаблари мавжуд. Маълумки, юнонлар ҳам мамлакатда ва ўз тузумларида адолатни устувор қўйганлар. Албатта, бу ўринда Сенатнинг беҳуда тузилмаганлигини назардан қочирмаслик керак. Аммо жуда катта ҳарбий қудратта эга бўлган юнонлар ҳам кучни адолатга бирлаштира олмадилар. Чингизхон ҳам бунинг уддасидан чиқолмади ва бошқа буюк ҳукмдорларда ҳам адолат мезонлари ўзининг тўла қиёфасини топмади. Лекин буюк Соҳибқирон Амир Темур жангу жадаллар ичида ҳам адолатни қарор топтирди, яъни куч билан адолатни бирлаштирди. Бу мақтов гаплардан эски совет тузуми ёки баъзи заразгўй тарихчиларнинг таъсирига тушиб қолганлар "ошириб юборяписиз" дейишлари мумкин. Келинг, яхшиси, яна инглиз тадқиқотчиси сўзларига қулоқ тутайлик.

Жозеф Уайт, 1782 йил 15 сентябрь:

*"Агарда ушбу (ёзганларим)ни ўқийтган ўқувчи Темурнинг ҳаёти ҳақида бошқа асарларни ўқиб чиқмаган бўлса, у учун менинг мақтовларим ўринсиз ва бўрттириб айтилган олқишдек туюлиши турган гап. Аммо ўқувчи унинг ҳаёти ва шахси билан таниш бўлса, унда менинг сўзларим унга буюк инсон шахси пойига самимий ҳавас ва юракдан чиққан эътироф исботидек қабул қилади"*².

Яна бир фикрга кўз қирини ташлайлик.

¹ Ҳ.Н.Бобобеков. Амир Темур йилномаси. Иккинчи китоб. Тошкент, "Фан ва технология", 2017., 298–бет.



Луи-Матъё Лан-ле:

"Айрим бахил муаллифлар ўзларининг разилона солномаларида Соҳибқиронни қанчалик ноҳолис талқин қилмасинлар, барибир, унинг номи не-не халқлар тарихи саҳифаларида ўчмас ҳарфлар билан битилган ва мангу қолажақдир. (Ўша манба, 326-б.).

Бу ҳар икки инсон ҳам оддий кишилар эмас. Ўз даврининг энг илғор кишилари бўлиб, ҳар бир сўзларини етти ўйлаб айтадиган зотлар эди. Шу боис ҳам, уларнинг фикрларини жуда қимматли ва ўринли, деб биламиз.

Бизни қизиқтирган кейинги масала Абу Толиб Ҳусайнийнинг "Темур тузуклари" таржимаси хусусида бўлиб, бу ҳам анча баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда.

Сиз яхши биласизки, Фарбдаги одатлардан фарқли ўлароқ, Шарқда ёзувчи, шоир, таржимонлар шоҳлар ҳомийлигида фаолият юритганлар ва асар қиймати даражасида маош билан таъминланганлар. Ўз асарларини на китоб дўконларида, на омма орасида тарқатишга қудратлари етмаган ёки бу ишга ҳақлари бўлмаган. Абу Толиб бу асарни ёзиши мумкин эмасди, чунки "Темур тузуклари"дек ноёб китобни фақат катта тажриба, буюк салоҳиятга эга тажрибали ҳукмдоргина битиши мумкинлигини исботлашнинг ҳожати йўқ. Иккинчи томони, агар "Темур тузуклари"ни Абу Толиб ёзганида, у жуда катта сармоёга эга бўлиши турган гап эди, чунки у пайтларда таржимондан кўра, асар муаллифи ўн барабар катта фойда кўриши мумкин эди. Лекин Абу Толиб Ҳусайний таржимон сифатида асарни эътироф этган ва уни Ҳиндистонга олиб борган ва Бобурий ҳукмдорларга етказишга муяссар бўлган. Аммо бу билан "Темур тузуклари"нинг Абу Толиб Ҳусайнийнинг меҳнати орқали Ҳиндистонга бориб қолган, деган фикрлар унчалик тўғри эмас, чунки Бобур Мирзода ҳам "Темур тузуклари"нинг нусхаси бўлган, чунки унинг барча ҳарбий ҳаракатларида ёки бўлмаса, адабиёт ва санъатга бўлган меҳрида ҳам улуғ бобокалонининг хислатларини, ҳаракатларини кўраемиз.

Рус зобити Михаил Игнатъевич Иваниннинг "Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур" асарига ёзган сўз бошисида китоб муҳаррири Юсуф Музаффар жуда қизиқ воқеани келтириб ўтган. Унда айтилишича, **1918 йилда ташкил этилган "Қизил комиссарлар курслари"да Амир Темур ҳарбий даҳоси ўргатилган.** Ана шу курсларда таҳсил олган Михаил Фрунзе ва Аркадий Гайдарлар ҳар иккиси ҳам ўз фарзандларига Темур деб ном қўйганларки, бу бизни фикрлашга чорлайди. Нима учун Искандар ёки Чингизхон эмас, айнан Темур?! Бизнингча, биринчи галда Амир Темурнинг инсонга бўлган чин инсонийлик муҳаббати ва ҳар ишда адолат билан ёндашгани уларнинг кўнгилларини забт этганлиги аниқ. Ҳар қандай ота ҳам ўз фарзанди ёки набирасига ном танлаётганда, аввало эзгуликни

² Ҳ.Н.Бобобеков. Амир Темур йилномаси., 300-бет.



ва яхшиликни биринчи ўринда назарда тутати.

Амир Темур "Тузуклари" да ёзади:

"номдор бахтиёр фарзандларимга ва ...набираларимга йўл-йўригим шуки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим". Ва ана шу ўн икки **шиор**нинг барида халққа бўлган меҳр ва адолат нафаси уфуриб турганинг ўзи катта аҳамиятга эга. "Адолат ва инсоф билан Танграмнинг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим, - дейди у олтинчи тузугида. - Золимдан мазлумнинг ҳаққини олдим". Бу тузук бугунги кунда ҳам бизнинг қарашларимизга мос келади. 2016 йилдан бошлаб, раҳбарнинг ким экани ва унинг ўрни қаердалиги аниқ белгилаб берилди. Раҳбар кимлар туфайли кун кўради ва нон топади? Халқнинг устидан эмасми?! Мустақил Ватанда халқимиз кун кўриши керакми, йўқми?! Бой тарихимиздан оладиган сабоқлар кўп.

Энди "ЎН ИККИ РАҚАМИНИНГ СИРИ" ҳақида ҳам фикр юритиб кўрайлик.

Айнан, нега 12 та?

12 та тузукнинг иккинчисида: **"ўн икки табақа ва тоифа**даги кишилар билан мамлакатни қўлда тутиб, салтанатимни бошқардим", **"Ўн икки ёшимдан жаҳонгашталиқ қисматим бўлди"**, дейди.

Давомига қаранг!

Нега Амир Темур қирқ аймақдан фақат ЎН ИККИТАсига - барлос, тархон, аргин, жалойир, тулкичи, дўлдай, мўғул, суддуз, тўқай, қипчоқ, арлот, тоторга ТАМҒА берди.

ТАМҒА нима? Яъни ёрлиқ. Бундай тамға олганлар Амир Темурнинг энг ишончли ва хос навкарлари ҳисобланган.

АНА ЭНДИ ЎЙЛАБ КўРАЙЛИК.

Нима учун дунёнинг улуг ҳукмдори 12 РАҚАМИга бунчалик эътибор қаратган?

Амир Темур ўзини Ернинг бир зарраси, кўк, табиат, сув, ҳаво, олов ва тупроқ, Яратган билан боғлиқ ҳолда тушунган. Аслида ҳам шундай. Ҳар бир инсон атроф олам билан уйғундир. Кислород билан нафас оламиз. Ҳавода кислород бўлмаса, одам яшолмайди. Сув бўлмаса, Ер юзида ҳаёт қурийди. Ер қуёш атрофида айланар экан, ЎН ИККИ МАНЗИЛдан ўтади. Биз уларни "БУРЖЛАР" деймиз. МУЧАЛни яхши биласан. Бир эслаб кўрайлик:

- | | |
|-------------------|-------------------|
| 1. СИЧҚОН, | 7. ОТ |
| 2. СИГИР (Ҳўкиз) | 8. ҚЎЙ |
| 3. ЙЎЛБАРС | 9. МАЙМУН |
| 4. ҚУЁН | 10. ХЎРОЗ (Товуқ) |
| 5. БАЛИҚ | 11. ИТ |
| 6. ИЛОН | 12. ТўНҒИЗ |

Буржларнинг ҳар бири инсонга таъсир этади, айниқса, шу ойда туғил-



ганлар ҳаёти буржлар билан боғлиқ. Бу минг-минг йиллар давомида синовдан ўтган, исботланган ҳақиқат, яъни ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

Буржлар билан боғлиқ бир қизиқ воқеани айтиб беришимиз керак.

Эски тузум, жаҳолат даврида бизни роса лақиллаштишмоқчи бўлишган.

Мактаб дарслигимизда бир ғалати расм бўларди. Унда сувда сузаётган балиқ. Унинг устида ҳўкиз ва унинг шохиди Ер шари турарди. "Ҳўкиз шохини қимирлатса, зилзила содир бўлади, - деб тушунган ота-бобола-ринг!" - деган истеҳзо билан устимиздан кулишарди.

Аслида шундайми?

Бир гал пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан сўрабдилар:

-Ер ниманинг устида турибди?

-Ҳўкизнинг устида! - дея жавоб қилибдилар.

Иккинчи маротаба сўрабдилар:

-Ер ниманинг устида турибди?

-Балиқнинг устида! - дея жавоб қилибдилар.

Буни ўша замон одамлари тўғри тушунишган. Лекин биз кўрган шўро даврида айнан шу ҳодиса илмсизларча нотўғри талқин этилган эди.

У зот биринчи гал саволга жавоб бераётганларида Ер "Ҳўкиз буржи"-нинг устидан, иккинчи гал жавоб берганларида "Балиқ буржи"нинг устидан ўтаётган эди. Демак, Муҳаммад алайҳиссалом бу жавоблари билан Қуёш атрофидан айланаётган Ернинг ҳолатини аниқ изоҳлаб берган эдилар.

Европа эса фақат Николай Коперникдан сўнг бу тўхтамга келган эди. Шу боис, физика дарсликларимиздаги европача қарашларнинг ҳаммаси ҳам бизга мос эмас. Демак, дарслик ёзаётганлар бой тарихимизга, шарқона удумларимизга қараб фикрлашлари лозим.

Булардан кўринадики, Амир Темурнинг ЎН ИККИ РАҚАМИга эътибор бериши шунчаки тасодий ҳол эмас.

Шу боис ҳам, муҳтарам ўқувчим!

Биз Сизнинг севимли журналингиз орқали ушбу сондан бошлаб, "Темур тузуклари" боблари шарҳини эътиборингизга ҳавола этамиз. Зеро, ҳатто Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Берунийдек улуг алломаларимиз ҳам кўплаб асарларнинг шарҳини ўқиб, сўнг бир тўхтамга келишган. "Илм игна билан қудуқ қазиш билан баробар". "Темур тузуклари" дунёни қизиқтирган жуда қимматбаҳо асар экан, уни бугун биз ёшларимиз билан янада жиддийроқ ўрганишимиз, тадқиқ этишимиз ва улардан чиқадиган сабоқлардан эзгулик йўлида фойдаланишимиз ҳар жиҳатдан ибратлидир.

Демак, бугун биз Сизлар билан Соҳибқирон Амир Темурнинг ўн икки тузук ва ўн икки шиори билан танишамиз, Уларнинг шарҳи билан эса кейинги сонларда танишасиз.



TARIX DAVR SIYOSATIGA MOSLAB YARATILMAYDI

Тарих шундай илмлар сирасига кирадики, халқлар ва қабилалар бир-бирдан ўрганиб, тарқатишга ҳаракат қиладилар, оддий фуқародан тортиб, тужжорларгача қизиқиб ўқийдилар, уни эгаллашда ҳукмдорлар ва саркардалар беллашадилар, тушунишда олимлар ва жоҳиллар тенглашишга ҳаракат қиладилар.

Ибн Халдун

Ўтган асрнинг 70-90-йилларида мактабда, сўнгра техникум ва университетда таҳсил оларканман, эл-улусимизнинг "саводсиз" ва "вахший" бўлгани, халқимиз ва давлатчиликка оид тарихимиз "бўлмагани", ривожланган социализм, сўнгра коммунизмда яшашимиз, энг бахтиёр халқ эканлигимиз, келажакимиз янада буюк бўлиши ҳақида кўп ва хўб ўқитишган. Шу ўринда, муайян ютуқларга эришилгани, тинчлик, барқарорлик ҳукм сургани ва келажакка ишонч сақланганини ҳам эътироф этмаслик адолатсизлик бўлади. Бироқ ўшанда ўтмишга тош отиш, мафкуравийликнинг илмийликдан устун қўйилиши одатга айланиб қолгандай кўринади.

**Абдишукур ОМОНОВ,
ҳуқуқшунос**

Айтишларича, қадимги Хитойда диёнатли олиму фозиллардан воқеа-ҳодисаларни ёзиб борувчи тарихчилар тайинланиб, уларнинг ёзганларини император, сарой аҳли ва яқинлари ўқиши мумкин бўлмаган. Янги император эса олдинги тарихни ўзгартиришга ҳақсиз бўлган. Шу сабаб хитойликларнинг тарихий манбалари кўп ва ишончли бўлса керак.

Тарихга назар ташласак, айрим ҳолларда мозий шоҳлар, сиёсий раҳбарларнинг хоҳишу истаги, сиёсий ва иқтисодий вазият, нафақат бугуни, ҳатто ўтмишни ҳам ўз манфаатига хизмат қилдириш мақсадида ёзилганга ўхшайди. Тарихимизга оид фикру хулосалар шунчалик турли-туманки, жавобдан кўра кўпроқ саволларга дуч келасан киши.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш бўйича, Фанлар академияси Тарих институти



фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида ва Президентнинг Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш хусусидаги қарорлари қабул қилинди. Бу борада бир қатор тадбирлар ўтказилиб, илмий ишлар ёқланди ва китоблар ёзилди. Ўтган йигирма йилдан ошиқ вақт мобайнида бу қарорлар ижроси қандай бажарилди? Ҳақиқий тарихимизни ярата олдикми? Бу масала давлатимиз раҳбари томонидан нега яна кун тартибига чиқмоқда? Демак, ҳақиқий тарихимизни ўрганиш ва кўп масалаларга аниқлик киритиш борасида ишлар бор!

Тарихни ўрганишга интилиш жараёнида кўплаб мулоҳазалар пайдо бўлади. Аминманки, кўпчилигимиз қўйидаги саволларга жавоб топишни истаймиз.

Биринчидан, табиийки, биз қатори қардош халқлар ҳам ўз миллати ва давлатчилиги тарихини ёзишади. Хусусий тарихни ёзишда қандай қилиб умумий тарихга зарар етказмаслик мумкин? Барча халқлар ўзининг миллати ва давлатчилик тарихи қадимийроқ, буюкроқ эканлигига даъво қилмайдими?

Жадид бобомиз Абдурауф Фитрат "Мухтасар ислом тарихи" асарини "Тарих миллатларнинг ўтмишини, тараққиётини ҳамда таназзулининг сабабларини ўргатувчи фандир" деб бошлаган. Тарих умумий ва хусусийга бўлиниши, хусусий тарих биргина миллат ва биргина жамиятнинг тарихини ёрита олишини таъкидлаган. Демак, миллатимиз ва давлатимиз тарихини ёзишда бошқа халқлар ўтмишига ҳам ҳурмат билан қараш, умумий тарихни бузмасликка эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, мўғул салтанатидан мустақил давлатга айланган Олтин Ўрдада 1312-1342 йилларда ҳукмронлик қилган Ўзбекхон давлатининг Ўзбеклар мамлакати, фуқароларининг эса ўзбеклар дейилгани тарихий манбаларда учрайди. Хўш, Ўзбекхон давлати, Дашти Қипчоқда 1428-1468 йилларда ҳукмронлик қилган Абулхайрхоннинг Ўзбек хонлиги ва юртимиз ҳудудида 1500-1601 йилларда ҳукмронлик қилган Шайбоний сулолалар даври ўзбек давлатчилиги тарихига кирадими? Ўзимиз яшаётган ҳудудда милоддан аввалги 240 - милодий 216 йилларда ҳукмронлик қилган Хунлар давлатини, 819-1005 йилларда ҳукмронлик қилган Сомонийлар сулоласи даврини, 1224-1370 йилларда ҳукмронлик қилган Чигатой улуси ҳукмдорлари даврини давлатчилигимиз тарихига қўшмаслик асослими?

Аксариятимиз ўзимизни Амир Темур, Навоий, Бобур боболаримизгагина дахлдор деб биламиз, асосли равишда фахрланамиз. Аммо, бу кўҳна заминда яшаб ўтган бошқа сулолалар, тарихий шахслар ва элу улусларни ўзимизга "бегона" қилишга ҳаққимиз борми? Чингизийлардан ҳокимиятни биринчи бўлиб тортиб олган амир Қазаған (1326-1350 йиллар) ҳақида нега ёзилмайди? Давлатчилик тарихимизни фақат Темурийлар давлатининг ҳукмронлик даври (1370-1507 йиллар) билан чегаралаб қўйсак адолатдан бўладими?

Учинчидан, Ўрта Осиё ҳудудида яшаётган ҳозирги барча халқларнинг илдизи қадимги суғдийлар, бақтрийлар, хоразмийлар, сак, туркий ва бошқа жойлардан келиб яшаб қолган элу элатларга бориб тақалади. Улар ерли халққа араллашиб, сингиб кетгани хусусида асосланган



маълумотлар бўлса-да, бу юртда қайси халқ қадимдан яшагани, "юрт эгаси" ким эканлиги тўғрисида баҳслар асослими? Албатта, ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ ва туркман халқларининг урф-одатлари, маданиятининг ўхшашлиги уларнинг қадимдан ёнма-ён биргаликда яшаб келаётганидан далолат беради.

Ўзбек атамасининг келиб чиқишини Хунлар давлати ҳукмдори Ўғизхонга, Олтин Ўрда хони Ўзбекхонга, Дашти Қипчоқ хони Абулхайрхон, Шайбонийлар сулоласи ва ҳатто Ўзбекистон ССР билан боғловчилар бор. Назаримизда, ўзбек атамасининг келиб чиқиши қадим тарихга бориб тақалади. Ўзбек номини Ўзбекхон, Абулхайрхон номи билан чегаралаб қўйиш асослими? "Сарт" деган атама қаердан пайдо бўлган ҳамда кимни, қачон ва нима учун сарт деб атаганлар?

Тўртинчидан, тарихий манбалар (Рашидиддиннинг "Жоме ат-таворих", Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома")да ёзилишича, машҳур Аланқува авлодидан бўлган Туманакхоннинг эгизак ўғилларидан Қобулхон Чингизхоннинг, Қочувли Баҳодир эса Амир Темурнинг бобоси бўлиб, барлос қабилалари Мовароуннаҳрга Чингизийлар даври (1266 йил)да келган.

"Темур тузуклари"да кўрсатилишича, Туманакхон ўғиллари Қобулхон ва Қочувли баҳодир ўртасида аҳднома бўлган. Амир Темур бу ҳақда "Туғлуқ Темурхон мен билан тузган аҳду қарорини бузиб, иккинчи бор Мовароуннаҳр мамлакатига қўшин тортиб келди ва ҳукуматни мендан тортиб олиб, ўғли Илёсхўжага топширди. Мени эса унга бош қўмондон (сипоҳсолор) ва маслаҳатчи қилиб тайинлади. Менга ва

Қобулхон Қочувли баҳодир томонидан битилган аҳдномени кўрсатди. Мен улуг боболаримизнинг сўз ва номаларини қабул қилиб, сипоҳсолорлик қилишга рози бўлдим", деган. Амир Темур ҳокимиятга тўлиқ эгалик қилган бўлса-да, аҳдномага амал қилиб "сохта хон"лар тайинламаганми? Тарихчи олимларимиз бу ҳолатни мозийни ўрганишга ҳаваскорларга қандай тушунтиришади?

Собиқ СССР давлати вақтида аксарият таниқли шахслар ўз аждодларини "ишчи-деҳқон"ларга бориб тақашган бўлса, ҳозирги вақтда бойлар ва эшонларга боғлашади. Амир Темур ва Чингизхонни амалкивачча қилиб кўрсатишга ҳаракат қилиш ҳам шунга ўхшаш ҳолатми? Чингизхоннинг онаси Оэлун ва хотини Бўрте туркий халқларнинг қўнғирот уруғидан эканлиги тўғрисидаги маълумотлар бор? Бу фактлар-да асослими? Тарихчиларимиз Чингизхоннинг туркийларнинг қиёт уруғидан эканлиги, айрим қозоқ қардошларимизнинг Чингизхон аждодлари ўзларига келиб тақалиши каби иддаоларига қандай жавоб беришади? Ҳолбуки ўзбек, қозоқ, қирғиз ва туркман халқлари орасида ҳам қиёт-қўнғирот уруғи бор. Қўнғиротлар сулоласи 1804-1920 йилларда Хива хонлигининг бошида турган. Қўнғирот уруғига мансуб юртдошларимиз Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида истиқомат қилишади.

Бешинчидан, Соҳибқирон Амир Темур Европани Усмонли турк салтанати ҳукмдори Боязиднинг, Россия князликларини Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ҳукмронлигидан озод бўлишига таъсир қил-



ганлиги эътиборга олинаиб, Темурийлар даври миллий давлатчилигимиз тимсоли сифатида танланган эмасми? Бу урушларни келтириб чиқаришга четдан туриб таъсир кўрсатганларни ҳам ўрганиш керак. Нега айрим тарихчилар Ҳиндистондаги Бобурий сулолалар даври (1562–1858 йиллар)ни "Буюк мўғуллар салтанати" дейишган? Бу давр миллий давлатчилигимиз тарихига қиради-ми? "Темур тузуклари", "Бобурнома" ва Гулбаданбегимнинг "Хумоюннома" асарларида ўзбекларга қарши урушлар бўлганлиги тўғрисидаги сўзлар учрайди. "Ўзбеклар" дейишганда темурийлар ўзларига бўйсунмаган бекларни назарда тутишганми?

Яқин ўтмишимиздаги Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари тарихини ёзишда мамлакат ичкарасидаги зиддиятлар, диндорларнинг давлат ишларига аралашуви, маҳаллийчилик, ўзаро урушлар, халқу давлатга хиёнат ва сотқинлик, тараққий этган давлатлардан орқада қолганлик ва улуснинг қашшоқлиги бу давлатлар таназзулига сабаб бўлганини кенгроқ ёритиш керак. У вақтлардаги воқеа-ҳодисаларга Россия ва Англия давлатлари қандай таъсир кўрсатган? Назаримизда, бу ўтмишимиз Россия, Хитой, Туркия, АҚШ ва Ғарб давлатлари билан қандай муносабатда бўлиш-ликдан сабоқ беради!

Олтинчидан, ўйлашимизча, СССР даври ва яқин ўтмишимиз тарихини ҳаққоний ёзиш мураккаб жараёндир. Зеро, бу даврнинг бир тарафида ҳурлик, озодлик учун жон фидо қилган "босмачилар", жади-лар, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов каби давлат арбоблари, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат

каби зиёдилар, иккинчи тарафда эса даври замонга мослашиб яшаган давлат арбоблари, олимлар, ижодкорлар турибди. Икки тарафнинг ҳам авлодлари бор. Униси ҳам, буниси ҳам ўзининг аждодини ҳақ ҳисоблайди. Бундай ҳолатда баҳс-мунозара қандай кечади? Ҳаққоний тарихни ёзишда маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ва уруғ-аймоқчиликка йўл қўймаслик учун нима қилиш керак?

Албатта, СССР даврини бир томонлама ёзиш мумкин эмас. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда тергов ишларини олиб борган Т.Гдьян, Н.Иванов кимнинг топширигини бажаришган? Ноҳақликлар ва инсон қадрининг поймол этилишини кенгроқ ёритиш керак. Шунингдек, "пахта иши", "ўзбеклар иши" ҳақида ёзишда Гдьян ва Ивановнинг биргаликда ёзган "Кремль иши" китобида келтирилган фактларни ҳам ўрганиш лозим. Мустақилликка хизмат қиладиган тарихий масалаларга кўпроқ эътибор қаратиш керак.

Назаримда СССР вақтида бизга динлар тарихи, пайғамбарлар ҳаёти, ислом дини, оқимлар, суннийликдаги тўрт мазҳаб мазмун-моҳияти, фарқи етарли даражада ўргатилмади. Қуръони карим, ҳадислар, ижмо ва қиёсдан бебаҳра ўсдик. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя қилган, асосиз баҳслар ва ихтилофлар келиб чиқишига йўл қўймаган ҳолда ёш авлодни ислом нуридан кўпроқ баҳраманд қилиш керакдир? Зеро, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш самарадорлиги тарихда исботланган.

Еттинчидан, Сайфиудин Ахсиқатийнинг "Мажмуат таворих", Аҳмад ибн Масруҳнинг "Насабно-май ўзбек" каби тарихий манбала-



рида ёзилишича, ўзбек халқи 92 та уруғ (бов, қабила)дан шаклланган. Ушбу уруғлар орасида туркман, қирғиз, хитой, қозоқ, мўғул каби уруғлар ҳам учрайди. Уларнинг ҳозирги туркман, қирғиз, хитой, қозоқ, мўғул халқларига алоқаси борми?

Саққизинчидан, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони лугатит турк" ва бошқа тарихий манбаларда ёзилишича, туркий халқлар қадимдан оромий, сўғд, хоразм, моний, арабий, туркий рун ва уйғур ёзувларидан фойдаланишган. VIII асрдан бошлаб араб, эски ўзбек ёзувида иш юритилган. Бу ҳолатлар тарихимиз ҳақидаги манбалар кам бўлишига сабаб бўлмаганми? СССР даври, аниқроғи 1929–1940 йилларда халқимиз лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосида ёзган бўлса, кейин кирилл ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосига ўтган. 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Айни вақтда ёшлар лотин ёзувида ёзишга ўргатилиб, ёши катталар эса кирилл ёзувида ёзишмоқда. Давлат идораларидаги ҳужжатлар кирилл алифбосида юритилмоқда. Назаримизда, бу борада қатъий тўхташга келиш, ё унисини, ё бунисини тезроқ танлаш шарт! Акс ҳолда келажак авлодлар ҳам бугунги тарихимиздан чала баҳраман бўладилар. Азалдан маълумки, ёзувни тез-тез ўзгартириш тарихнинг "қашшоқлашиши"га олиб келади.

Тўққизинчидан, тарихимизни ҳаққоний ёритиш масаласида академик Бўрибой Аҳмедов таъкидлагани каби, араб, форс, хитой ва бошқа тилларда ёзилган манбаларни бемалол ўқий оладиган тарихчи, етук археолог ва антрополог, яхши тилшунос олим, қадимий халқлар ҳақида улар-

нинг туриш-турмуши, дини, эътиқоди ва бошқа белгиларига қараб илмий хулоса чиқара оладиган этнограф, классик жуғрофия илмини, айниса, топонимикани яхши билган жуғроф, халқ оғзаки ижодини мукамал билган фольклорчи олимларнинг биргаликда, бошқа юмушларни йиғиштириб қўйиб, илмий тадқиқот ишлари билан мунтазам шугулланиши талаб қилинади.

Ўйлаймизки, чет элларда сақланган тарихий манбалардан, тарихини ёзишда биз билан "мусобақа"-лашаётган қардошларимиз тарихи ва ҳатто "Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур" асари муаллифи М.Иванинга ўхшаган бизга хайрихоҳ бўлмаганлар, тарих саҳнасига темурийлар ўрнига келган сулола ҳақида ёзилган Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома"си каби асарлар, маълумотлардан ҳам фойдаланиш, уларни бизнинг олимлар ёзгани билан таққослаш ва асосли хулоса чиқариш керак. Ёзилган тарихимизни фақат ўзимиз эмас, бошқалар ҳам эътироф этсин ва тан олсин!

Ўнинчидан, улуг мақсад, яъни Ватанимиз тарихини ўрганиш, ўтмишга холисона ва ҳаққоний баҳо беришда "буквоедик"ка, асоссиз баҳс ва ихтилофлар юзага келишига йўл қўймаслик керак.

Шуниси аниқки, тарихимизнинг ҳаққоний ёзилиши, оқ ва қора доғларнинг бирдай кўриниб туриши келгуси авлодлар қайси даврдаги давлат бошқаруви ва қайси аждодларидан ўртак олишини белгилаб беради. Зеро, тарихдан сабоқ чиқариш нафақат битта миллат ва давлат, бутун инсониятни таназзулга олиб борувчи йўллардан юрмасликка ундайди.



QASHQA VOHASIDA YARATILGAN TAZKIRA

Сурайё Шодиева,
ҚарДУ магистранти.

Таянч сўз ва иборалар: *"Мазҳар ул-мусаннифин", адабиётшунос, олим, тазкира, ижодкор, йўналиш, услуб, реалистик, касиб, ўзбек тили, тожик тили.*

XVIII аср ўрталарида Қашқадарё воҳаси, яъни Қаршида етишиб чиққан таниқли адабиётшунослардан бири Муҳаммад Амин бин Нурмуҳаммад Насафийдир.

Нурмуҳаммад Насафийнинг ҳаёти ва ижоди бўйича бир қанча илмий ишлар амалга оширилган. Ҳатто Нурмуҳаммад Насафийнинг тазкираси ҳақидаги баъзи маълумотлар В. А. Абдуллаевнинг 1964-йил "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилган "Ўзбек адабиёти тарихи" ҳамда Усмон Каримов (Адабиёти тожик дар нимаи дуввуми асри XVIII ва аввали асри XIX, Душанбе, 1974, Н. Маъсумий (Адабиёти тожик дар асри XVIII ва нимаи аввали асри XIX, Душанбе. 1962.)ларнинг китобларида ҳам келтириб ўтилган. Лекин улардаги турли хил фикрларнинг вужудга келишини инобатга олиб, бу масалага алоҳида тўхталишни жоиз топдик.

Нурмуҳаммад Насафийнинг туғилган ва вафот этган санаси ҳозиргача аниқ эмас, ўйлашимизча, академик В. Абдуллаев ўз китобида олимнинг тазкираси яратилган йил (1758-1759)ни инобатга олиб, Нурмуҳаммад Насафий XVIII асрнинг ўрталарида яшаб ижод этган деган фикрни қайд этган.

Шу билан биргаликда, олимнинг қандай касб билан шуғулланганлиги ҳам бизга қоронғу. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, у ўз тазкирасида шоирлар, олимлар ҳақида фикр билдирар экан, шу ўринда касиб-шоирларнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Уларнинг касб-кори номларига қўшиб айтилади. Жумладан, Сафои-кордгар, Мавлоно Абдул-қоғозфуруш, устод Қосим-камонгар, Ризойи-котиб, Раъноийи-охунд, Шавқий-тиргар, Иброҳим Самарқандий - охунд кибилар. Балки, мана шу фикрларга таянган ҳолда, Насафий ҳам касиблик билан шуғуллангандир.

Нурмуҳаммад Насафийнинг бизгача етиб келган якка-ю ягона аса-

ри "Мазҳар ул-мусаннифин" тазкирасидир. Аммо олим бу асарини охиригача етказа олмаган. Шундай бўлишига қарамасдан, мазкур тазкира адабиётшунослик равнақи учун жуда катта ҳисса қўшди. Чунки бу асар орқали олим ўша даврда ижод қилган қаршилик, бухоролик ҳамда самарқандлик Саид Роқими Самарқандий, Фитрати Зардўзи Самарқандий, Муқаддам Самарқандий, Низомиддин Муҳаммадхўжа Низоми Хўқандий, Азизи Ургутий, Мулло Абдулло, Забеҳо Яҳудий Самарқандий, Ориф Мулло Орифжон, Охунд Иброҳим Самарқандий, Абдулло Пайшамбеги, Мирзо Шўхий, Мирзо Маъсум Косоний, Нусрат, Муҳаммад Замони Похўтий, Бобо Хожи, Сафо Қаландар, Бойтумани - Хўқандий, Шавқий Каттақўргоний, Жоний Жондорий, Мужрим Обид, Мунис, Роқим Хоразмий, Волаи Янгиқўргоний, Абдужабори Ургутий, Ҳумулий Ургутий, Султонхонтўра Адои Аҳрорий, Мирзо Шариф Дабириий Самарқандий каби бир нечта ижодкорларнинг асарларини санаб ўтади. Тазкирани тадқиқ қилиш орқали, биз мазкур асарда айрим ижодкорлар номларини илк маротаба қайд этилганлигининг гувоҳи бўлдик. Мазкур ижодкорларнинг кўпчилиги ўзбек, баъзилари эса тожик тилларида ижод қилишган. Асарнинг каттагина қисми тарихий воқеалар баёнига бағишланган бўлганлиги учун ижодкорларнинг асарлари ҳақида муфассал маълумот берилмасдан, фақатгина уларнинг номи келтириб ўтилган. Юқорида номлари келтирилган ижодкорларнинг асарларига баҳо берар эканмиз, уларнинг ижодини шартли равишда уч гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Реалистик йўналишда ижод қилганлар.
2. Тушкунлик ҳолатини ифодалаганлар.
3. Бой табақа вакиллари мадҳ этганлар.

Булар орасидан, албатта, барча даврда бўлгани каби реалистик услуб етакчилик қилган. Кўпгина шоирлар мана шу услубда ижод қилишган. Жумладан, Азизи Ургутий ўз ҳолати ҳақида қуйидаги фикрларни келтиради:

Ғазал матни:

*Ғариб мардам аз ин накарда ёд касе,
Ба бекасию ғарибийи ман мабод касе...*

Маъноси:

*Ғариб бўлганлигим учун мени йўқламас ҳеч ким,
Менингдек ғариб-у кимсасиз бўлмасин ҳеч ким.*

Бироқ учинчи гуруҳ вакиллари, сарой шоирлари бўлмиш айрим ижодкорлар, ҳам ўша даврда самарали ижод қилишган. Улар ҳаттоки ўзларини Навоидан-да устун деб билишганлиги ҳақидаги маълумотларни баъзи адабиётларда (Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томликнинг учинчи томи. - Т.: Фан, 1978. ҳам учратишимиз мумкин.



Мана шундай шоирлардан бири Султонхон Адои Аҳрорий Самарқандийдир. Унинг ёзишича:

*Гар Навоийдин Адо сўзини ўткарса не тонг,
Шоҳ Умар афзалму, ё Султон Ҳусайни Бойқаро.*

Балки, Адои Навоийдек улуғ шоир бўлай деган мақсадда ўз шеърига фахрия усулида ҳам айтган бўлиши мумкин. Лекин тарих гувоҳки, Самарқандийнинг сўzlари бундай бўлиб чиқмади. Чунки кўпгина илм аҳли Адонинг исмини фақат шу асар орқалигина билишади, холос.

Нурмуҳаммад Насафийнинг "Мазҳар ул-мусаннифин" тазкираси айрим ижодкорлар ижодини ўрганишда муҳим манба бўлиб қолмасдан, айни пайтда, у XVIII аср адабий муҳити ва йўналишини белгилаб берувчи ноёб асар сифатида ҳам қадрлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. -Т.: «Ўқитувчи», 1964.384-б.
2. Равшанов П. Қарши тарихи.-Т.: «Янги аср авлоди», 2006. 648-бет.
3. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томликнинг учинчи томи. - Т.: «Фан», 1978. 380-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Нурмуҳаммад Насафийнинг "Мазҳар ул-мусаннифин" тазкираси ҳамда у ҳақидаги илмий ишларнинг таҳлили ва талқини ёритиб берилган. Шунингдек, мазкур тазкира орқали XVIII асрда етакчилик қилган адабий услублар ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилган.

РЕЗЮМЕ

Статья написана о Нурмухаммад Насафий "Мазхар ул-мусаннифин" тазкира и она написан анализ научная работы. Была информация о лидерах столетия XVIII и методы литературных.

RESUME

This article is written about Nurmuhammad Nasafiy's "Mazhar ul musannifin" tazkira and it is written analyses of science work. There were the information about leaders of XVIII century and the methods of literary.



SIBIZG'A

(миф-ҳикоя)

NOLASI

Назар Эшонқул,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Қамишлар шовурига қулоқ тут!

Гўё ўз қилмишларини қуёшдан яширмоқчидай қалқонлари билан юзларини офтобдан тўсганча найзаларини қуёш нурида ялтилатиб, шаҳарнинг тош кўчаларини худди ноғора чалишаётгандай бир маромда ҳарбийчасига тўқиллатганча эринчоқлик билан келаётган учта соқчи ва оқсоқ дарбон аллазамонлардан бери сарой учун унут манзилга айланган бизнинг кўчамиз бошида кўришнишлари биланоқ мен ва навбат кутиб турганлар, кўчада ўз юмушларию ташвишлари билан банд одамлар, орзу ва хаёлларини тепкилаб ўйнаб юрган болалар, дарвозалари олдида ҳаётнинг ёрқин хулосалари ва сабоқлари битилган саҳифалардай бужмайган афт-ангорлари, мусибату ҳасратдан букилган таналарини офтобда тоблаб ўтирган чоллар, ҳаммамиз, тақдир изми бизнинг сартарошхонага ва менинг ҳаётимга қараб бурилганини тушунгандик.

Энди менинг навбатим келган-



ди. Бунга шубҳа йўқ эди. Бу шумоёқ дарбон соқчилари билан қайси кўчада пайдо бўлса, ўша кўчада сартарошхоналар ёпилар, кейин у билан кетган сартарошларни забонлари сеҳру жоду қилингандек гунг ва гаранг маҳкумлик кутиб турар, бу дарбон билан бирга кўчаларга фалакнинг аччиқ ва адолатсиз ҳукми ҳам кириб келишини шаҳардаги она сути оғзидан кетмаган гўдаклар ҳам билиб қолишганди. Ҳар доимгидек кўча бошида уларни даставвал болалар кўришганди ва улар қийқириб, кўчани ва бизни шум қисматдан огоҳлантирганча сартарошхона томон югуриб келишарди. Бу кўчада мендан бошқа сартарош қолмаганди. Навбат кутиб турган мижозлар бирин-кетин туриб, уй-уйларига тарқай бошлашди. Бундан кейин бу ерда навбат кутиб туришларидан ҳеч қандай маъно қолмаганини, ҳатто менинг кейинчалик тақдирим нима бўлишини ҳам улар яхши билишарди. Баъзилари ке-



либ елкамга дўстона уриб, ҳамдардлик билдиришгандай бўлди. Уларнинг кўзларида "Пешона экан!" деган ифода бор эди. Баъзилари эса бошқа сартарош излаб шаҳар кўчаларига тарқаб кетишди. Уларнинг бугун сартарош топишлари амри маҳол. Илгарилари ҳар муюлишда кўзга чиққан чипқондек сартарошхоналар қад кериб турарди. Сартарошларнинг кўпчилиги иш йўқлигидан пашша қўриб, бир-иккита мижози билан кун узоғи ҳасрату гийбат қилиб кун ўтказишар, даромад камлигидан, сартарош зоти кўпайиб кетиб, туфласа касбдоши бошига тушишидан нолишгани нолишган эди. Мана энди эса шаҳарда сартарош зоти камайиб, анқонинг уруғига айланиб бораяпти. Анови келаётган оқсоқ дарбон ва навкарлар сартарошларни кун аро бирма-бир олиб кета бошлагач шаҳарда сартарош қаҳатчилиги пайдо бўлди. Олиб кетилган сартарошлар қайтиб бу ҳунарини қилолмасди. Искандар ҳузуридан қайтганларнинг телбага айланишар, худди жин чалгандек одамлар кўзига кўринишдан кўрқишар, овлоқларда пусиб, тўғри келган ерга ағнаб ётишар, уларга нима бўлганини на ўзлари, на яқинлари изоҳлай олишар, бир тушунарли сўз айтмай нуқул тушунарси оҳангда гўнғиллашар, ваҳоланки тўрт мучаси соғ, ҳамиша қон сизиб юрадиган оғизларини айтмас, ўзлари тишлайверганидан узиб олгудек даражага келган тиллари ҳам жойида, фақат улар нега бу хил дардга мубтало бўлишганининг сабабини шарҳлаб берадиган мар-

днинг ўзи йўқ эди. Баъзилари ростданам ақлдан озганини намоёиш этиб, бир тўда болаларга қўшилиб кўча чангитиб юрадиган бўлишди, баъзиларини жиннихонага жойлаштиришга тўғри келди. Искандар саройидан ҳали ҳеч ким соғ чиқмаган, сабабини ҳеч ким аниқ билмасди. Аммо бизга миш-мишлар орқали етиб келган гапларга қараганда, Искандар шу даражада илоҳий зотки, унга бандасининг қўли тегса, ақлдан озиши турган гап, унинг Ахурамаздага хос салобати, юзидан, бошидан таралаётган нур ҳар қандай одамни гунгу гаранг, забонсиз қилиб қўяди. Бу улғворлик ва залворга дош беролмай мияси чаноқ ичида биқирлаб қайнаб-тошиб кетади. Соч ва соқол ўрнида нурлар таралиб туради, сартарошлар бу нурларни устара тигларига оламан деб, ҳушларидан айриладилар, дейишарди. У нури илоҳийдир, у нури зиёдир, у коинот ва олам мукамаллиги намунасидир. Ақлдан озиш, бир умр гунгу лол бўлиш, ҳайрат ва завол топиш, унинг шамсиқамар талъатига қиёслашнинг, Унга нафақат тиг текизиш, балки, қарашнинг ўзи етади бу дунёдан қўл силтаб, руҳ ва хулё дунёсига ўтиб кетишга. У шундай мукаррам, шундай илоҳий қудрат тимсоли. Шу сабабли Искандарнинг сочини икки марта олган сартарошни ҳали ҳеч ким бу мамлакатда кўрмаган, бу Қуёш ўғлига иккинчи марта сартарошлик қилишга ҳеч кимнинг ақл-идроки дош беролмаган. Ҳар қандай ирода бу сиймо олдида мумдай эриб кетади, худди қуёш нурида эриб кетган қиш сумалагидай. Шу-



нинг учун йилма-йил эмас, кунма-кун сартарош уруги камайиб, ноёб ҳунарга айланиб қолди. Сартарошга бўлган талаб кундан кун ошиб, охири одамлар соч-соқол олишни ўзлари ҳам ўргана бошладилар. Илгари болаларини сартарошлик ҳунарига ўргатинг деб эшик олдида навбат кутиб туришарди. Энди ҳеч ким боласини бу ҳунарга ўргатгиси келмасди. Ахир фарзанди сартарош бўлиб етишса, бир куни бошқа сартарошларнинг куни бошига тушишини билишарди-да. Баъзи сартарошлар Искандарнинг рўйхатига тушмасдан шаҳардан ва мамлакатдан бош олиб кетишди.

Мана, энди эса навбат менга келиб турибди. Менинг қисматим қандай бўлади? Буни чекка-чуккада, уйлариининг деразаларидан менга ачиниб қараб турганлар ҳам, менинг ўзим ҳам яхши биламиз. Дарбон ўз соқчилари билан кўча бошида кўринганда сартарошхонада йигирмага яқин мижоз навбат кутиб турар, яна шунчаси навбат олиб, ўз ишлари билан кетганди. Мен кейинги ойларда кечаю кундуз тиним билмай ишлашимга тўғри келаётган, гарчи ҳориб-толиб қолсам ҳам касбимга ва мижозларимга бўлган ҳурматим сабаб уларнинг биронтасини соч-соқолини олмай қайтаролмасдим. Аслида ҳам шу. Мижозини норози қилиб жўнатишга сартарошнинг ҳаққи йўқ. Биз устара билан ишлаймиз. Бизнинг пирларимиз ва маъбудларимиз ана шунга ўргатган. Мана, ҳозир ҳам соқолининг ярми олинган мижозимнинг сартарошхона рўпарасига келиб тўхтаган дарбонни кўриб типирчалашига қарамай

ишимни охирига етказишга қарор қилдим. Соқолни қайта-қайта қиртишлаб олдим, қўлларим билан бирон чала жойи қолиб кетмадимикин деб силаб-текшириб кўрдим. Кейин ҳўл латтада артиб, мушк суриб қўйдим. Мижоз қутулганига шукур қилиб, ирғиб туриб, ҳақимни ҳам бериш эсига келмай, оёғини қўлига олиб қочиб қолди. Унинг кўзида қўрқув ва хавотир аланга олган, энди ана шу аланга билан кўчамизни, маҳалламизни, бутун шаҳарни ёқмоқчидай шашти бор эди гўё. Бу пайтда дарбон ва навкарлар сартарошхонамнинг эшигидан бош суқишаётганди. Дарбон сатрошхонага кўз югуртириб, ҳеч ким қолмаганига ишонч ҳосил қилгач, оқсоқланиб, ичкарига кирди ва буйруқ оҳангида деди:

- Ахурамазда инояти билан сенга Искандарнинг соч-соқолини олишдек шарафли вазифа юкланди. Ҳозироқ асбоб-анжомингни олиб йўлга туш.

Мен бундай паллада нафақат оилам билан хайр-хўшлашишга, балки энди кўчада биронта танишим билан бош ирғаб, имо-ишора қилишга ҳам ҳаққим йўқлигини билардим. Қисматимга Искандарга сартарошлик қилиш шон-шарафи учун қурбон бўлиш маҳкумлиги ёзилганди.

Уч навкар ва дарбон ҳамроҳлигида саройга қараб кетарканмиз, шаҳар кўчаларининг ҳар икки томонида одамлар тўпланиб, бизни кузатиб туришар, уларнинг аксарияти ҳамдардлик билдириб, бош ирғаб қўяётганини, бошқа мени ҳеч қачон ҳозиргидек худди



бир ишни қойиллатиб қўйишга кетаётгандай мағрур ва масрур ҳолда кўришмаслигини, бир-икки кундан сўнг телбаларга қўшилиб, кўчаларда болалар билан чопиб, минғирлаб юрганимга кўзи тушишларини, мен каби шаҳардаги барча сартарошларни шу йўлдан шу тахлит қузатиб, кейин уларнинг жунун ўйнаган қиёфаларинигина кўришга ўрганиб қолишганини муҳокама қилишаётганини сезиб турардим. Айримлар эса гарчи эртанги ёздигим ўзларига беш қўлдай аён бўлса-да, менга надомат билан боқиб туришарди. Уларнинг қарашларини ҳам тушунгандек эдим. Улар Искандардек мукаррам зотнинг қаршисида туриш, балки унинг танасига тегиш, юзи ва танасидаги илоҳий қувватдан, майли, кейин ёқиб кул қилишса ҳам бир неча сония бўлса-да баҳра олишдек бахтга мушарраф бўлиш айнан менга насиб қилганидан ич-этларини ҳасад кемириб турар, шу сабабли атрофдаги хайрихоҳлик билан гувиллашаётган оломонга норозилик билдиришгандек, менга еб қўйгудек тикилишар, баъзида ошкора тарзда асбоб солинган чарм халтамнинг абгорлиги, уст-бошимнинг юпунлиги, бўйим калталиги, сартарош бўлатуриб, сочларимга тартиб берилмагани, умуман, камчилигу нуқсонларим, кўрса тиланчи уяладиган кўринишда Искандардек мукаррам зотнинг олдига бориш илоҳларга қанчалар ҳурматсизлик экани ҳақида жим ёки ошкора ғайирлик билан муносабат билдиришарди.

Уларни тушунса бўлади: Унинг

мўътабар чеҳрасидан фароғат олиш, муборак мўйларини қўлларидан ушлаш, абад ва азал акс этган кўзларига боқиш, фалакнинг марҳамати ва муруввати билан тўйинган нигоҳларидан баҳраманд бўлиш бахти шунча одамлар ичида фақат менга насиб қилган эди ва мен ҳам хаёлан ҳузурига борсам, унинг қиёфаси тафтидан кўзларим қамашиб қолади, у менга бани коинот қудурати акс этган кўзларини тикади, мен эса таъзим қилиб, ўзи билан юз кўришишдек бахтга каминани мушарраф этганидан миннатдор бўлиб, оёқ-қўларини ўпаман, токи ҳолдан тойгунча этакларини кўзимга суртиб, оёқ изларини ўпаман, унинг ана шу мунаввар чеҳрасини кўриш учун телба бўлсам нима бўлибди, ахир бу коинот туҳфасига менга ўхшаганлар икки дунёсини ҳам ҳадыя қилиб юборса бўлади деб ўйлардим ва ана шу хаёлимдан ҳамда Искандарни кўриш, унинг каромат тўла чеҳрасига боқиш бахтидан ҳалитдан масту мустағриқ бўлгандек, кўринган ҳар кимсага бахт ва сурур билан боқардим.

Саройга киришимиз билан улкан қушнинг қанотига ўхшаш қўш табақали дарвоза ёпилди. Қаршимда баҳайбат ибодатхонани эслатувчи сарой намоён бўлди. Ҳаммаси оддий ва жўн эди. Бу ерда ақлни оладиган ҳеч нарса йўқ эди. Фақат ортиқча ҳашам ва салобат мени лол қилиб қўйганди. Ҳар бир қадамда худди ер соти илоҳлари манзилдек совуқ руҳият ва сароб каби жимжима тўшалиб ётарди. Дарбон мени арши аълога олиб чиқаётгандек олтин зиналардан юқорига



бошлаб борар, мен эса атрофим-даги нақшлару опшоқ нафис мрамрлардан ҳайратда қолганча унинг изидан ёш боладек эргашиб кетаётгандим. Зина охирида, эшик олдида бизни салобатли, сочи қиртишлаб олинган, умрида қуёш кўрмагандек танаси кўкимтир тусга кирган одам кутиб олди.

- Эй, муҳтарам эшик оғаси, сартарош келди! - деди дарбон унга эгилиб таъзим қиларкан.

Эшик оғаси бош ирғади, мени бошдан оёқ кузатиб чиқди. Мен ҳам уни кузатдим: бир умр яшаган ер остидан ҳозиргина чиқиб келиб, кўзлари қамашаётгандек қуёш тафтидан ўзини тортиб турарди. Аммо ҳар бир ҳаракати аниқ, ҳисобли эди. Кейин У "изимдан юр" дегандек нигоҳи билан ишора қилиб, ичкари бошлади. Биз яна гўё оддий пиллапоялар эмас, аршу аълога олиб чиқадигандек ҳаддан ошиқ зебу зийнат беришган зиналардан кўтарилдик, гўё осмону фалакни суягандек маҳобат билан қад кериб турган улкан устунлар қалашиб ётган хоналардан, даҳлизлардан, бўлмалардан ўтдик. Назаримда умрим бино бўлиб бунчалик кўп юрмагандек эдим. Гўё дунёнинг бу чеккасидан нариги чеккасига бораётгандек, - Искандарники бўлса керак, - турли ҳолатлари акс этган ҳайкаллари бош қолиплари қалашиб ётган йўлак бўйлаб узоқ юрдик. Ниҳоят катта, ҳашамли, ўртада олтин тахт турган хонага кирдик. Тахт ёнидаги нақшинкор курсида ўрта бўй, калтабақай, юзларига илоҳий бўёқлар сурилган, бошига узун кулоҳ кийган киши ўтирарди. Кулоҳдан билдим, бу

Искандар эди. Фақат угина Ахурамаздага хос шунақа кўк кулоҳ кийишга ҳақли эди. Дарбон мени бу ҳақда ҳам огоҳлантирганди. "Токи соқолини олгунингча, Искандарнинг бошидаги кулоҳ ечилмайдди. Русуми шунақа. Соқол тўла олингач, қоҳин келиб, бошдаги кулоҳни олади, Искандарнинг бошига муқаддас булоқ сувини сепеди, бу пайтда сен бошингни эгганча миқ этмай ўтирасан" деганди. Бу ерда мен гувоҳ бўлаётганларим ташқарида кезиб юрган афсонаю мишмишларга ҳечам тўғри келмасди. Бу ер илоҳий зот яшайдиган меҳробдан кўра жинойтчилар устидан ҳукм ўқиладиган ва қатл этиладиган майдонни эслатарди. Искандарда ҳам ҳеч қандай маҳобат йўқ, худди еб ўтирган нони тортиб олинган қаландардек юзида аламзадалиқ қотиб қолган, на нур, на илоҳиёт тараларди. Бу мени бироз ажаблантирди. У қаёққадир шошилиб турганини билдирмоқчидек елкасига қизил духоба ташлаган ҳолда соч-соқол олдиришга тайёр бўлиб турарди. Ҳозиргина унинг елкасига духоба ташлаган қоҳин мен киришим билан тожни ушлаганча нари кетди. Афтидан, бу ерда ҳар бир сония ўлчовли эди. Ҳатто менинг қадамларим ҳам ҳисобга олингандай, эшиқдан кириб, остонага биринчи қадамни ташлашим билан тож бошдан олинган, ўрнига кулоҳ кийгизилган эди. Бунчалик батартиблик мени бироз эсанкиратиб қўйди. Бу ерда ҳар бир босилган қадам ҳисобли экан, унда бутун маҳоратимни ишга солиб, белгиланган муддатда ишимни якунлашим ке-



рак. Эшик оғаси менга "бошла" дегандек яна нигоҳи билан ишора қилди. Мен ҳаммасини тушундим. Бу ерда изоҳ сўраш, суриштириш ортиқча, тилу забон ожиз. Дарҳол ишга киришдим.

Искандарни ташқарида хушсурат, алпқомат, икки елкасига иккита фаришта қўниб туради, сиймоси тонг офтоби каби шафақ таратади, деб таърифлашарди. Кўз олдимда анчайин хунук, юзи гезарган, кўзлари ўлжа кўрган бўриникидек совуқ, кишига ҳамиша шубҳа ва гумон билан боқадиган бадбуруш кимса турарди. Хизматкор, эшик оғаси, иккита хос соқчи ва қоҳин менинг ҳар бир ҳаракатимни синчковлик билан кузатишарди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Улар Искандарни ҳар қандай суиқасддан асрашлари керак. Аввал бир сидра кўпик билан соқолини олдим. Буни менга дарбон йўлда тушунтирганди. "Искандарнинг олдин соқолини олиб, кейин сочига ўтасан. Тартиб шундай", деганди у. Мен соқолни қиртишларканман, чандиқларни тилиб юбормаслик учун бутун маҳоратимни ишга солардим. "Искандар Ахриманнинг кўплаб ёвуз кучлари билан олишиб, юзида ўша улғвор жангларнинг излари қолган, жуда эҳтиёт бўлишинг керак, мабодо биронтасидан қон кетса, бошинг кетади", деганди дарбон. Кўклам жилғалари тилимлаб ташлаган адирни ва селдан сўнг ёрилиб қолган қатқолоқни эслатадиган юзни мўйлардан тозалаб бўлгач, енгил тортдим. Энг оғир иш орқада қолганди. Энди буёғи осон. Сочни бир пасда қириб ташлаш

мумкин. Соч олиш бўйича бу мамлакатда менинг олдимга тушадигани йўқ. Қолаверса, дарбон мени соч олишнинг мураккаблиги ҳақида огоҳлантирмаган. Демак, қийин иш ортда қолди. Мен олдинги сартарошлар нега ақлдан озар даражага етганликларига бироз ажабландим ҳам. Искандарнинг на ўзида, на юзида, на хатти-ҳаракатида ақл оладиган ҳеч нарса йўқ. Оддий, ҳатто териси ўта жўн, қурумсиқ, худди калтакесанинг терисини эслатадиган озгина бадбўй ҳид ҳам анқирди. Бунинг нимаси уларни ақлдан оздирди экан?! Искандар худди қадимги маъбудлардай хўмрайиб, жим ўтирибди. Демак, ишимдан норози эмас. Мен енгил тортдим. Соқол олиб бўлинганини билдириш учун эшик оғасига ўгиридим, у қоҳинга қаради. Қоҳин Искандарга яқинлашди. Мен худди дарбон тушунтиргандек, ерга чўкканча, таъзим қилиб, бош эгиб турдим. Қоҳин кийимларининг шитирлашигина қулоғимга чалинарди. Кейин юзига пуркалаётган сув товуши келди, изидан Искандар сувдан қултумлаб ичиб қўйди. Дарбон бу сувни муқаддас "мада*" суви деб айтган эди. Бу сувни ичган ва унда чўмилган абадий яшайди, абадий ҳукмронлик қилади. Искандарнинг қудрати шундаки, у бобомнинг бобоси даврида ҳам ҳозиргидай навқирон кўринишда бўлган, набиранинг набираси даврида ҳам мен кўриб тургандай кўринишда қолади. У бу дунёга абадий ҳукмронлик қилиб, бизни адолат ва равнақ, ҳидоят ва тараққиёт сари етаклайди. Бизни залолат ботқоғи-



RUHIYAT SURATI

дан халос қилиш учун юборилган фалакнинг инояти, саховати, ҳиммати ва шафқати у. Бу унут заминда жудолик уқубатига фарқ қилинганлар учун илоҳий дийдор тажассуми. У бошимизда балқиб турган қуёшимиз, мангу меҳробимиз, Ахурамазданинг талъати, йўқ, йўқ, у орамиздаги Ахурамазданинг ўзи. Шафқат ва иноят учун, мурувват ва марҳамат учун, саҳро жизғанагида қолган қалбларимизга оби ҳаёт бериш, чанқоқ дилларни қондириш учун олдимизга тушган,

Салдан сўнг қоҳиннинг қизил ридоси мендан узоқлашди. Шундан қоҳин Искандарни соч олдиришга тайёрлаб бўлганини сездим. Эшик оғаси елкамга туртди. Мен энди сочни ола бошлашим мумкинлигини англадим ва халтамдан соч устарамни олиб, уни қайишга бир икки қайрадим. Искандарнинг олдига келиб, сочни пешона қисмдан бошлаб олмоқчи бўлиб, олд томонга ўтдим ва қай йўсин қиртишлаш қулайлигини билиш учун сочга разм солдим. Ва шунда бутун баданимни қалтироқ босди. Кўрганларимга ишонмай, эшик оғасига қарадим. Эшик оғаси мендан кўз узмай қараб турар, унинг кўзида ҳеч қандай ажабланиш йўқ эди. Ваҳоланки, мен кўрганни у ҳам кўриб турарди. Кейин қоҳинга қарадим. У ҳам худди ҳайкалдай, ҳеч нарса юз бермагандай қотиб турарди. Улар учун мен кўриб турганларим одатдаги манзара эди. Ҳа, кўзларим алдамаганди. Искандарнинг сочлари орасидан тўрт энли шох ўсиб турарди. Қўлларим қалтиради. Лабларим пирпиради. Қўлимдан устара тушиб кетди. Оқ мар-

марга жаранглаб тушди. Қўрқиб кетдим. Ҳозир Искандар газабга келади, бошимни танимдан жудо қилади деган хаёл ўтди миямдан. Аммо негадир бу ҳолатимга ҳеч ким эътибор бермади. Искандар тушиб кетган устарага қайрилиб ҳам қарамади, қолганлар ҳам пинагини бузишмади. Шундан билдимки, улар бунақа ҳолатга ўрганиб қолишган. Нима қилиб бўлса ҳам ўзимни босиб олишим керак эди. Чуқур нафас олдим. Кўзларимни юмиб, бир пас турдим. Бу менга дадиллик берди. Кейин пешонамда борини кўраман деб, сочни ола бошлади. Кўзим шохга тушганда қўлларимда қалтироқ турар, аммо дарҳол ўзимни чалғитиб, нима қилиб бўлса ҳам бу ердан соғ-омон чиқиб кетишни ўйлардим. Ниҳоят сочни олиб бўлдим. Шохнинг атрофини ҳам тозаладим. Искандар бошини кафти билан силаб кўрди, кейин жилмайди. Бу саройга келганимдан бери биринчи марта жилмайиши эди. Қоҳиннинг ҳам юзига табассум югурди. Демак, ишим буларга ёққан. Қоҳин келиб, Искандарга тож кийгиза бошлади. Тождан олдин шохни ёпиш учун қалпоқча кийдиришди. Кейин унга яна ўша сувни тутишди. Мен серрайиб қотиб турардим. Эшик оғаси келиб елкамга қўл қўйди. Шунда бу ерда ишим тутаганини, ҳаммаси яхши ўтганини англадим. Устарамни ва халтамни йиғиштирдим. Эшик оғаси билан яна ўша узун йўлаклар, айланма даҳлизлар ва сирли бўлмалар орқали орқага қайтдик. Зинага қайтиб чиққанимизда дарбон пастда соқчилари билан кутиб турарди. Эшик оғаси



Ҳақимни бераркан, менга ўта совуқ оҳангда шипшиди: "Сен бу ерда кўрганларингни унут. Бирон кишига гулласанг, ўзингнинг ва яқинларингнинг жони олинади, моли горат бўлади. Шуни билгилки, уйингнинг деворида ҳам, юрган йўлингда ҳам қулоқ бор. Оғзингдан чиққан товушни ҳам бизга етказишади. Тилингни тийсанг яшайсан. Аксинча бўлса, ўша заҳоти анови жаллод қаршингда пайдо бўлади." У имо билан сарой четига супада ойболтасини кўтариб, худди "қани, навбат кимники?" дегандек олдидаги кундани айланиб юрган бадабашара, баҳайбат, одамдан кўра девга ўхшаб кетадиган барзангини кўрсатди. Жаллод ҳар дамда болтасини бир силтаб оларди, гўё бу билан хаёлидаги маҳкумнинг бошини танасидан жудо қилаётгандай бўлар ва унинг болтасидан атрофга ваҳимали "шув, шув" деган сас тараларди. Ҳаммасига тушундим. Менга бу ерда кўрганларим ҳақида гапириш таъқиқланаётган эди. Аввалига соғ-саломат чиққанамга хурсанд бўлиб, бажону дил бош иргадим. Дарбон билан дарвоза томон йўл олдим. Энди буёғи озодлик эди. Бу ердан соғ-саломат чиққанамга шукурлар қилиб, қушдай учиб борардим. Мен озод эдим. Менга ҳам, забонимга ҳам, сезишимча, ақл-идрокимга ҳам ҳеч нарса қилмаганди. Демак, шунча саргарошлар ичида фақат мен бу саройдан ақл-ҳуши жойида бўлиб чиқиб кетаяпман деган хулосага келдим. Бу тақдирнинг сийлови, тангриларнинг инояти, Искандарнинг марҳамати эди. Ҳаёт янаям гўзал кўриниб кетди кўзимга. Саройдан уйимгача қушдай

учиб бордим.

Аммо янглишган эканман. Икки кундан кейин кўрганларим кўз олдимдан кетмай қўйди. Қаёққа қарасам, бошдаги шох кўринарди. Устига устак аёлим, болаларим ва яқинларим менга саройда кўрганларимни айтиб беришни талаб қилиб, ҳоли жонимга қўймас, мен эса уларга нима дейишни билолмай лол эдим. Бу ҳақда гапирай десам болаларим ва яқинларимнинг бошига кўзим тушар, бирдан фикримдан қайтардим. Ҳар бурчакда жосус маъбудлар менинг оғзимни пойлаб тургандай бўларди. Бирдан тилимни тишлардим. Шу тахлит кунлар ўтди. Менга ҳеч нарса ёқмас, ичимга кириб олган Искандарнинг сири менга тинчлик бермас, аммо уни ошкор қилишдан ҳам қўрқардим. Айтсам тилим, айтмасам дилим куядиган ҳолатга тушгандим. "Эй, одамлар, Искандарнинг шохи бор!" дейишим билан ўзимнинг ва яқинларимнинг бошига нима кунлар тушишини тасаввур қилиб, юрагим орқага тортиб кетарди. Тилни тийиб кўрганларинг, бошингдан кечирганларинг, гувоҳ бўлганларинг ҳақида лом-мим демай юриш бунчалик оғирлигини илгари билмаган эканман: ахир менга тилим, забоним бутун бўла туриб, кўрганимни кўрмадим, билганимни билмадим дейиш, худди гунгу кар одамлардек яшаш, бир умр тил тийиб юриш, бошқача айтганда, Искандар учун тилимни, борлигимни қурбон қилишим керак эди. Аммо жим юриб ҳам бўлмасди. Жим юриш ақлдан оздирарди, телба қиларди. Худди ичимга жин кириб



олгандай эди. Бу жин эртаю кеч хаёлимни Искандарнинг бошида турган шох билан банд қилар, у ҳақда кимгадир айтиш, бу сирни очиб, фош қилиш истагини уйғотар, кўринган ҳар бир одамга "Айт, айт" деётгандай туюлар, бу истак баъзида мени шунчалик қистовга олардики, бутун баданим қақшай бошлар, бошимга оғриқ кирар, пайларим тортишиб, худди тутқаноқ тутаётгандай қалтироқ ва азобдан букилиб қолар, ичимдагини айтиб, ҳаммасидан бира тўла қутилиш истаги пайдо бўлар, бироқ мени бу истакдан эшик оғаси болаларим ва яқинларимнинг жонини қилга осиб қўйган огоҳлантиришигина сақлаб қолар, чорасизликдан букилиб олиб, аъзои баданимни қақшатаётган оғриқни босаман деб гужанак бўлиб олар, ичимда гўё бутун шаҳарни, бутун мамлакатни ёндирадиган аланга ловуллаб, мени тафтида қовуриб-қовжиратиб тургандай туюларди. Ичимдаги оловни ҳеч нарса билан ўчириб бўлмасди. Ўчириш учун фақат ичимдагини айтишим керак. Лекин бу мамлакатда бировга бу ҳақда гапириш ўлим билан баравар эди. Биронтага энди гап бошлайман дейишим билан шундай ёнимда кундани айланиб юрган жаллод пайдо бўлар ва ойболтасини баланд кўтарарди. Уни кўриб тилларим танглайимга ёпишиб қолар, калима келмас, кийимларимни совуқ тер ҳўл қилиб юборарди. Бу қандайдир тавқи ланъатга ўхшарди: қачон ичимдагини айтаман десам, вужудимда худди бўрон каби қалтироқ бошланар, ўша заҳоти қаршимда жаллод пайдо

бўлар, "қани, бошингни кундага қўй" деётгандай кўзларини лўқ қилиб тикилар, жонҳолатда тилларимни тишлаб олар ва уни кўрмаслик учун кўзларимни юмар, токи ичимдаги қалтироқ пасайгунча шу ҳолатда қотиб тураверардим. Тушларимда ҳам ойболтанинг "шув, - шув" этган товушини эшитиб ётар, гўё ойболта бошимиз устида сермалаётгандай ухлаб ётган болаларимнинг бошини танам билан тўсганча, ётиб олардим. Менинг туш ва ҳуш аралаш бу ҳолатим аёлим ва болаларимда қанчадан қанча норозиликлар, ажабланишлар уйғотмади дейсиз. Кейинчалик улар ҳам мени бошқалар каби ақлдан озган деб ўйлай бошлаганини кўзларидан, юзларидан билиб турардим.

Одамларгина эмас, маъбудлар ҳам Искандарга хизмат қилиб, нафақат сўзларни, ҳар бир товушимни етказиб туришибди. Айғоқчи шамоллар ҳам атрофимда гап олиш учун гир-гир айланиб юрибди, жосус дарахтлар тунлари деразамга суяниб, тушларимга қулоқ тутуди. Бепоён осмон "қўнглинг кир сенинг" дегандек кўзларимга лўқ бўлиб тикилади, уйим атрофида чигирткалар, қурвақалар навбатчилик қилади. Ҳаммасининг мақсади мени гапга солиб, кейин бориб чақиш ва хонумонимни куйдириш. Кимга қарамай, бошқа мақсад кўрмайман. Ичимдагини айтишга, дардимни ёйишга муносиб қулоқ, муносиб ҳамдард йўқ. Худди телба каби кун узоғи шаҳар айланиб юрар, бирдан бўшалиб кетмаслик, гапириб юбормаслик учун тилимни маҳкам тишлаб олардим. Тилимга ишон-



масдим. Тўсатдан сирни очиб юборса, кейин болалариму яқинларимни кўз олдимда қатл этишса, Қатл манзарасини тасаввур қилиб, худди тилим мендан қочиб, айтиб қўядигандай, тилимни узиб ташлагим келарди. Тилим яра бўлиб, оғзимдан қон оқиб юрадиган бўлди. Ҳамма қўлини бигиз қилиб мени кўрсатишар, мени ҳам ақлдан озди деб ўйлашарди. Одамларни кўрдим дегунча менда айтиш истаги кучаяр, ўзимни зўрга босиб, тилимни тишлаганча оғзимдан кўпик ва қон сачратиб улардан узоқлашардим. Бора-бора ичимдаги истак кучайиб борар, аммо қаршимда бирон танишим ёки бирон ёт одам пайдо бўлди дегунча, қулоғим тагида ойболтанинг "шув" этган товуши ҳам эшитила бошлар, у бошим узра сермангандай туюлар, унинг зарбидан олиб қочаман деб бошимни эгиб олар, танишим бу ҳолатимни кўриб, мени ҳам бошқа саргарошлар каби тузалмас хасталикка йўлиққан деб ўйлагани унинг ачиниш ва ажабланиш тўла кўзларидан шундоқ кўриниб туради. Бора-бора болтанинг товуши кучайиб борди. Қаерда бўлсам у мени таъқиб этар, бир лаҳза бўлсин тинч қўймасди. Гавжум жойларда истак авж олар, қалтираб, тилимни тишлаб, ўзимга оғриқ бериб, зўрга қочиб қолардим. Охири чиқолмадим. Оломондан ўзимни олиб қочиб, овлоқ кўчаларга, одамлар йўқ жойларга чиқиб кета бошладим. Одамлардан узоқда бу истак ва болта товуши озроқ бўлса ҳам пасаярди. Энди мен шаҳарнинг ҳувилаб қолган кимсасиз кўчаларини телбалардай кезиб юрардим. Бу ерларда

ичимдаги қалтираш, қўрқув босилар, оғриқ юмшарди. Шунда ҳеч ким тушунмайдиган оҳангда худди итлардек алам билан увиллаб-увиллаб қўярдим. Гўё шу билан ичимдаги дарддан бутун дунёни хабардор қилмоқчидай эдим. Аммо дунё гунг ва қар эди. У мени тушунмас, увиллашларимга эътибор бермас, атрофимдан мени масхара қилаётган вақт ва оломон билан бирга қўшилиб ўтиб кетарди.

Бир куни дард янаям зўрайди, қайга борсам, ўтирсам ҳам, турсам ҳам болта товуши таъқиб қила бошлади. Нима қилиб бўлса ҳам ундан қутулишим керак эди. Қулоғимни қар қилгудек жаранглаётган бу товушга ва танамни қақшатаётган оғриққа бир чора излаб, шаҳардан қочиб далага чиқиб кетдим. Далада юриб-юриб, охири бир пайтлар болагимизда мол боқадиган тўқайга келиб қолдим. Узоқларда тоғ ястаниб ётарди. Аввалига ўша тоғларга қараб ичимдагини айтгим келди. Аммо атрофимда айланиб-ўргилиб, барларимни ва сочларимни ўйноқлаётган шаббода товушимни Искандарга етказишдан қўрқардим. Нажот истаб атрофга алангладим. Бирдан эсимга тўқайдаги қудуқ тушди. Болагимизда биз ундан садо қайтиши учун исмимизни айтиб чақирар, салдан кейин қудуқ тубидан исмимизнинг ғалати оҳангдаги акси қайтиб келиб, бизнинг кулгимизни қистар, ичагимиз узилгудай кулиб, яна бақираверардик. Бошимизни қудуққа тиқиб қанча қичқирсак ҳам овозимиз ташқарига чиқмас, қудуқ тубига изсиз сингиб кетар-



ди. Мана энди яна ўша қудуқ олдида турибман. Агар унга бошимни тиқиб қанча бақирсам ҳам қудуқдан бошқа ҳеч ким, на шамол, на осмон, на қушлар эшитмаслиги аниқ. Атрофимга қараб олдим. Товушим етадиган кенгликда, тепамда ҳеч зоғ йўқ эди. Шунда қудуқ бошига келдим, бошимни қудуққа тиқиб, худди болалигимдагидек бор овозим билан шунча кунлар айтишни менга таъқиқлашган, шунча кунлар хаёлимни банд қилиб, мени телба қилган сирни бақириб-ҳўнграб айта бошладим: "Искандарнинг шохи бор. У Ахурамазда авлоди эмас, у Ахриманнинг зурриёди экан. Унинг шохи бор экан!!!" Хуморим чиққунча бақирдим. Кўзларимдан ёш потирлаб оқарди. Бу севинч ёшлари эдими ёки қайғуми, билмадим. Лекин ҳўнграб йиғлар ва яна бақириб, Искандарнинг шохи ҳақидаги сирни қудуқнинг тубига ошкор қилардим. Ичимни куйдираётган, мени телба қилган сиримни айтадиган, майли, у жонсиз ва тубсиз қудуқ бўлса ҳам дардимни эшитадиган топилганидан ўзимда йўқ бахтиёр эдим. Ҳар бақирганимда баданимдан, бошимдан оғриқ, касаллик арир, вужудим енгиллашар, танамга қувват ва ҳаёт қайтар, энг муҳими мени таъқиб қилиб юрган болта товуши ҳам мендан узоқлашиб борарди. Охири у тиниб, қулоғимга оддий шангиллаш кела бошлади. Шу куни кечгача қудуққа Искандарнинг саройида нимани кўрган ва ҳис қилган бўлсам, ҳаммасини айтиб бердим. Шу йўл билан ўзимни муқаррар телбалиқдан асраб қолдим.

Ичим бўшалган, олов тафти босилган эди. Ичимда нимадир чиқиб, қудуқнинг тубига думалаб кетгандай, шуурим, вужудим ялнғоч бўлиб қолгандай эди. Аммо саломат, тетик эдим. Танамга яна қувват ва ҳаёт қайтганди. Бутун дардимни, сирни ва кўрган-кечирганларимни шу ерга ташлаб шаҳарга қайтдим,


У шаҳарга кетди. Кейинчалик эшитдик, уни Искандарнинг жосуслари ва маъбудлар қаҳру газабга тўлиб излашибди. Аммо уни бошқа ҳеч жойдан топишолмабди. У қудуққа келиб дардини айтгач изсиз ғойиб бўлибди. Айғоқчилар из ва ис олиб тўқайга ва бизнинг олдимизга ҳам келишди, улар қудуқ тубларини ҳам титкилашди, аммо бу пайт бизни қамиш барглари ўз ҳовучига яшириб қўйганди. Биз эса қамишнинг баргида узоқ ухладик ва бир куни қамишга айланиб, қудуқ тубидан ўсиб чиқдик. Ўша йили қурғоқчилик келди. Аммо бизнинг томиримиз сувга тегиб турарди. Биз тез бўй чўздик. Бўйимиз қудуқдан ташқарига чиқиб, олис ва ваҳимали шаҳарларни ҳам кўра оладиган даражага етди. Осмонга интилган дўстларим билан бирга шамолда тебраниб, ҳар ўтган-кетганларга нимадир деб шовулардик. Аммо бизни ҳеч ким тушунмас, ҳеч ким шовуримизга қулоқ тутмасди. Орадан ойлар ўтиб, тўқайга турли томонлардан қисматларига дунёни ўзгартириш битилган чўпон болалар кела бошлашди. Олдин ўйин илинжида тўқайни, кейин бизнинг атрофимизда айланишди. Бўлиқ, тарсиллаб турган танамизни уш-



лаб кўриб, бир-бирларига нима-дир дея бошлашди. Ўткир пичоқларини чиқаришиб, бизни бўлак-лаб кесишга тушишди. Кейин улар биздан сибизга ясашди. Энди биз қамишдан оҳангга айлангандик. Сибиз-гани чалиб кўришганда биз ичимиздаги ҳамма нарсани тўкиб солдик. Чўпон болалар ўзлари ясаган сибизгаларни йўл бўйи бошқа болаларга тарқатиб кетдилар. Болалар эса тун-кун сибизга чалишар, сибизгадаги оҳанг эшилиб буралиб одамларни огоҳ қиларди: "Искандарнинг шохи бор, Искандарнинг шохи бор," Тез орада биз ўсган қудуқдан чиқмаган бошқа сибизгалар ҳам пайдо бўлди. Кейин яна бошқалари. Турли макону манзил-

ларда ясалган бу сибизгалар ҳам бизга ўхшаб, шох ҳақида нола қиларди. Шундан кейин билдик, сартарошнинг қисмати мангуликка маҳкум қилинганди: у ҳали ҳануз дунё кезиб юрар, қаерда қудуқ бўлса, унга ичидаги сирни айтар, Искандар жосуслари кўмиб улгурмаган қудуқлардан қамишлар ўсиб чиқиб, сибизгага айланарди. Болалар эса тун-кун сибизга чалишар, сибизгадаги оҳанг эшилиб-эшилиб одамларни огоҳ қиларди: "Искандарнинг шохи бор, Искандарнинг шохи бор."

* Мада, бошқача номи хаома - зардуштийлик динида муқаддас сув. Бу сувни ичган абадий яшайди деб ҳисобланган.





ХАЛАЛ

(Ҳикоя)

Оқбой фермер тележка устида ўтирарди. Теримчилар тушлиқдан сўнг кенг далага ёйилиб кетишган. Куз илиқ келди, хўжалик иккинчи теримни ҳали яқунламай режани бажариш арафасида. Дала четидаги тутқатор ортида фермерлик ташкил этилган йил тикланган омборхонали олд тарафи оқланган уй. Уй олдида нишабга қўйилган уч оёқ трактор турибди. Бу ерга фермернинг оиласи кўчиб келган. Ҳар йили шу. Беш-ўн қўй-қўзи, сигир-бузоғи билан келиб, то гўзапоя олингунча шу ерда яшайди.

- Ҳей Оқбой, - деб қолади баъзан жўралари, - сен ҳам икки уйли асаларидай бўлиб кетдинг-ей. Илгари, биргадлик маҳалингда яхши эдинг, ўқариқда ётардинг қартани уриб. Энди бўлса бир жойда ўтирмайсан.

- Жавобиям, увол-савобиям ўзимизники бўлгандан кейин шуда. Кўҳнам қаерда - кўнглим шу ерда, деган экан биров. Ризқу насибанг кўкарган жойдан кетдинг келмай қоларкан, - дейди Оқбой уларга.

Ҳали тарозига анча вақт бор эди. Уй томондан мотоцикл товуши эшитилди. Фермер бурилиб қаради, улов бир муддат гур-гурлаб уй олдида турди-да, сўнгра дала бошига ортидан чанг кўтариб кела бошлади. Оқбойнинг кўнгли ғашланиб қўйди. У ким бўлсаям қишлоқдан келаёт-



Шодмонқул САЛОМ

ганди. Мотоцикл ўзига яқинлашгач, таниди. Мактабжўраси Хуррамнинг коллежда ўқийдиган ўғли экан. "Бобо кетибди-да", деб кўнглидан ўтказди Оқбой. Мотоциклдаги йигитча кеча ҳам, бугун ҳам теримга чиқмаганди. Бобоси Ўрол чала уч йилдан бери ётиб қолган. Кейинги кунларда оғирлашиб қолганди.

- Ҳа, неvara? - деди Оқбой йигитчага.

- Бобом сизни чақиряпти, бир келсин деяпти, - йигитча ҳовлиқиброқ турар, пастдан тележка устидаги фермерга қараркан, унинг "йўқ" дейишидан қўрққандай қўшимча қилди. - Отам ҳам айтди, бориб амакингни опкел, деди.

Оқбой ака пахта устида талпанглаб қадини ростлади-да, пастга далага қараб овоз берди:

- Сафар, ҳў Сафар!

- Ҳов, - деган сас келди даладан, сўнг Сафарнинг соябонли шапкаси кўринди.

- Мен қишлоққа бориб келаман, тарозига ўзинг қараб тур, - деди фермер. Сўнг Сафарнинг жавоби-



ни эшитмай йигитчага юзланди-да: "Бобонг гапиряптими?", деди. Йигитча "йўқ" маъносида бош ирғади. Ўрол бобони бир ҳафтача бурун тилдан ҳам қолибди, деб эшитган эди. Шунча вақтдан бери нима ўтган бўлсада мактабжўраси Хуррамнинг юзи учун ҳам бир хабар олмаганини ўйлаб ичида ўзини койиб қўйди. Ҳа, энди нималар бўлмайди, одамзоднинг орасидан не гаплар ўтмайди. Бир-бири билан бир қизаришиб сўнг яна кўрмагандай бўп кетаверади. Момонинг ҳам куни битганда, қолаверса, бу гапларга минг йил бўлди. Замон ҳам бошқа эди. Мен бўлсам,

Тележкадан авайлаб тушаркан, Оқбойнинг кўнглидан шу гаплар ўтиб турарди. Ерга тушгач уловни келган томонига ўнглаётган йигитчага боқди-да, чағир-кулранг кўзлари айна бобоси Ўрол чаланинг ёшлигини эслатгандай дили бир қалқиб кетди. Болага бир зум ёқимсиз кўз ташлади. Ҳа, кўнги қолган эди. Энди бу чала чол кетар чоғда Оқбойни нега йўқлаб қолдийкин, ўзи гапиролмаётган бўлса, қандай айтди экан. Ҳа, айтади.

Тўрт чақиримдан зиёдроқ йўлнинг ярмига етмай мотоциклни икки марта суриб ўт олдиришди, сўнг яна ўчиб қолди. Беихтиёр қовоғи солинган Оқбой ака йигитчага "Ўзинг тузатиб борарсан" деди-да, кўндалангига далани кесиб пиёдалаб йўлга тушди. Тутариқдан ҳатлаб ўтгани ҳамон юзига мезон тўри илашди. Оқбой Ўрол бобо уйларига Ўрол назоратчи бўлиб келган илк кунни, сўнг момосини, ундан эшитганларини бир-бир эслаб кетди. Юзига урилган мезон торлари худди хотирадай бирдан хаёлини чир-

маб олди.

* * *

Ўшанда ҳам кузнинг илиқ куни эди, далада терим авжига чиққан. Оқбой билан момосигина уйда. Невара момосига ҳадеб бир гапни такрорлайди.

- Эски тишимни ол,
Янги тишимни бер, -
демадингиз-ку момо? Айтинг,
кейин томнинг устига ўзим отиб
юбораман. Айтинг, бир марта ай-
тинг, моможон.

- Мигиллама-ей, ер тортгур, бо-
шимни оғритиб юбординг. Манови
чигитни яшириб кел ундан кўра.
Сигирга берма, соғаётганда энанг
ўзи беради.

- Уфф, яна чигит, бўлди қилинг-
эй, гийқиллатмай.

Шодмонқул Салом ХАЛАЖИ





RUHIYAT SURATI

- Тур дедим. Тавбангдан кетай, етти яшарнинг етмиш яшарга гап ўргатганини қаранг.

Энди еттига кираётган Оқбой қиқирлайди ва дейди:

- Момо, кимга айтяпсиз "қаранг" деб, ҳеч ким йўқ-ку?

- Бобонгга айтяпман. Чигитни яшир. Ўрол чала уйма-уй юрган эмиш, кеп қолса шўримни қурилади.

Боми усулда ёпилган хуржун шакл уч хонали лойсувоқ уйнинг сояси тортилиб қолган айвонида Улаш момо невараси Оқбой билан шу тахлит айтишиб ўтирар эди. Кампир қоқма гилам устида, якандоз кўрпачада, Оқбой унинг рўпарасида тўнкарилган челаққа ўтириб олган. Кампирнинг олдида ёйилган фартукда марҳум чолининг деновлик уста ошнаси ясаб бериб кетган пахта чигитлагич - халажи. Шу қишлоқда биргина Улаш момода бор бундай матоҳ. Чорпоя оёғи яхлит ёғочга ўрнатилган бу халажи дегани қўлмошиндай бир ускуна. Қўлмошиннинг қулоғидай мурватидан бураб турилса бас, офтобда ёйилиб, ҳурпайган пахтани иккита бир-бирига қараб тегиб-тегмай айланадиган силлиқ ёғоч соп ямлайверади. Лўппи чигитсиз гул пахта сопларнинг нариги ёғидан йиғилади, чигити ўтмайди. Оқбой шу халажидан ўтган пахтани ҳар замонда йиғиб олади, шунгаям эриниб момонинг ўзи ўргатган маталнамо айтими айтиб кампирнинг гашига тегади. Ўн хотиннинг ишини қиладиган бу "гунг келин" (момо халажига шундай ном берганди) кампирга икки йил бурун силдан кетган чолидан ёдгор, қадрдон. Баъзан қўниқўшни сўраб келгудай бўлса ҳам халажини эҳтиётлашни тайинлаб, ис-

тамайроқ беради. Ўзига ярашмаган бир жиззакилик билан қизғонади.

Чоли Тўхтамиш биргадирдан момага икки нарса азиз бўлиб қолган, бири кейинчалик шифер босилган хуржун том, иккинчиси шу халажи. Чоли кетгач уй олдидаги яккаш ўрик ҳам вафо қилмади. Тўхтамиш биргад қон туфлай-туфлай кўз юмган оғир қишдан сўнг ўрик на гуллади, на барг ёзди. Бутун танаси билан ҳаммани ҳайрон қилиб қурди-қўйди. Чолнинг бедаво дарди дарахтни ҳам олиб кетди гўё. Ўрикни чол ўзи экиб парвариш қилганди, даладан келиб соясида ухлар, бировни яқин йўлатмасди. У дарахт билан гурунги қилаётганга ўхшаб, узоқ вақт жим қолар, шу ерда ором топарди. Қиш олдидан ўрикни қавс сувига тўйдирарди. Совуқ тушган эрта баҳор кунларида оғилдан гўнг опкелиб дарахт тагига ёқарди. Бурқсиб дарахтга тумандай ўрлаган, тутун бўлгуси мевани бемаврид совуқдан сақлаб қоларди. Тенгқурлари чолни Тўхта чирс деб атарди, "Чирс уйдама, Улаш?", деб келаверишарди. Чол чирс, бироз кўрсроқ, гап билмасроқ эди, аммо тўғрисўз банда эди раҳматли. Пичоқ суякка етгунча жим ўтирар, сўнг калласи қизиб раисми, узанги йўлдош ошнасими юзинг-кўзинг демай сўкиб қўяверардики, унга кўп ҳазил-ҳузул қилишса-да ҳайиқишарди бариси. Чолнинг ўлиmidан сўнг қоқ қуриган шу улкан дарахт ҳам чолдан ҳайиқадигандай туюларди. Улар иккиси бир-бирига ўхшаб қолишганди. Ҳа, халажининг ўқловдай икки сопи ҳам шу ўрикнинг шамол синдирган шохидан олинган эдики, момонинг халажини қизғониб яхши кўриши шундан бўлса керак. Ўша йили эрта



баҳорда йиқитилган дарахтнинг ҳовлининг ҳар-ҳар ерида дўнграй-иб ётган танаси Улаш кампирга тинчлик бермай қўйди. "Йўқот-ча, йўқот" деб ўғли Мардоннинг қулогига қурт бўлди. Мардон охири трактор билан биргадан беш-ўн киши бўлиб келди-да тўнкани бировникига сумалакка олиб кетиб тинди. Кампир тинчиди.

- Кампир, дунёнинг молига меҳр қўйма, дегич эди отам раҳматли. Биз уч қиз, бир ўғил ўстирдик. Яна шу ўрикни ўстирдик. Билмасам, нима қилдик ўзи?, - Тўхтамиш биргаднинг кампирига дил ёриб айтган гапи шу эди кейинги вақтларда. Аммо Тўхтамиш чол ўттиз бир йил бригадир бўлиб, орттиргани шу бетўхтов йўтал эканини айтмас эди. Нолимас эди сира.

* * *

Оқбой ака ўша кезларни баайни бир эртақдай эслаб ариқ ёқалаб кетиб борарди. Шу ер, шу далалар ҳалиям бор, лекин момоси билан ўтган ўша кун қайтмайди, оғриғи эса босилмайди,

Катталар далага кетишгач, момосининг тиши тушди. Оғзидаги ягона саргайиб кетган тиш ўз-ўзидан оғримайгина тилига келди. Шу тиш деганлариям одамларга ўхшайди эканда, асли. Бирови кетса бошқа, унга суяниб турганлариям кетаверади экан.

Ярмигача кун кириб келган айвонда халажининг гийқиллаган товушидан бошқа сас йўқ. Анчагина хаёлга чўмиб қолган Улаш момонинг қулогига ниманингдир дупурлагандай товуши келди. Момо атрофга олазарак боқди. Оқбой невара кир оёғига кун келиб қоқ гилам устида юзтубан ухлаб ётар, халажининг у

ёнида чигитланган пахта йиғилиб қолган, шунга яраша чигит ҳам. Кампир очиқ ҳовлига кўз ташлади ва кириб келаётган Ўрол чала билан яна бировнинг қорасини кўрди. Кўрдию бўғини бўшашиб кетди, шу билан баравар фартук устидаги халажини олиб, пахтани яширишга урина бошлади. Халажининг ёғоч асоси кампирнинг этагига илашиб туришга йўл қўймас, аммо Улаш момо кўзи Ўролда бўлгани учун буни пайқамай, тагин асабийлашар эди. Ўрол чала деганлари йиғим-теримда колхозга назоратчи бўлиб беркитилган, кампирнинг ўғли тенги бир одам эди. Унинг чала дейилишига сабаб ҳам бор. Улаш момо, Улаш қушноч, Улаш доя эди у вақтлар. Онасининг эшига ўралиб етти ойликка етиб-етмай туғилган чақалоқ ўз оти ўзи билан Ўрол чала бўлди. Улаш момо қиш кунда туғилган ярим тирсаккина гўдакни ўраб-чирмаб катта қулоқли телпакка солиб берди. Бешиги шу бўлди. Кун бор экан, яшаб кетди. Пилла бўйича техникумни битириб келиб колхозда назоратчи бўлиб олди. Энди бўлса худди осмондан тушгандай бобоси қаториниям "ўртоқ, фалончиев" деб тухумини туширади.

Одамлар унга "чала"си камдай чуноқ ҳам деб лақаб қўйди. Шу чуноқ-тирновуқ феъли-хуйи сабаб. Бўлса нега бўлди, дейди, бўлмаса нега бўлмади дейдиган бир ичи қорароқ кимса бўлиб элга кирди бу Ўрол. Шу Ўрол чала бир миршабнамо одам билан кириб келди. Ёнидагиси бегона - кампир аввал кўрмаган экан. Қўлтигида қапшайган папка. Кампир ниҳоят ўрнидан турди ва Ўрол "Улаш момо", деб овоз бериб айвонга келгунча фартукни пахта ва чигит ус-



тига қайириб ёпди.

- Ҳа, Ўролбой, келаберинг-е, - деди кампир овози титраб.

Оёғига кирза этик кийган назоратчининг оғзи кампир билан сўрашар эдию икки кўзи атрофга, негандир том устига ҳам аланлар, ёнидаги кимса эса кампирдан кўзини узмай, нигоҳини унга қадаб жим турарди. Момо ҳар нарса деб довдираб гапиринарди.

- Қани, Ўролбой, Мардонбой ҳам қартада, бугун учинчи теримди бошлар экан. Хўш, ҳа,

Ниҳоят Ўролнинг нигоҳи айвонда ўроғлиқ дўшайиб турган фартукда тўхтади, сўнг халажига кўз ташлади-да, кампирга тик қаради:

- Улаш мома, уйда қанча пахта бор?

Ўрол кампирнинг нимадир деб гапирганини эшитмай тўғри бориб фартукни очди ва:

- Мана пахта, мана план, - деб чийиллаб бақириб юборди, - кампир турган жойида чўчиб тушди. Энди гапирмоқчи эди Ўрол гап бермади:

- Момо, шу қилғилиқни Мардон билан сиз қилиб ўтирибсизлар-да бошқалардан не умид. Мардон бу йил план чиқмаса қамалади, айтиб қўйин, буни сизга мен айтяпман, - Ўролнинг икки юзи бўғриқиб, бўйин томирлари ўйнаб чиқди. У бор овози билан кампирга ўдағайлар ва фартукдаги пахтани ичидан худди игна қидиргандай уёқдан буёққа тортқилаб, титкилар эди. Шовқиндан Оқбой уйғониб кетди ва анграйиб ўтириб қолди. Ўролнинг сўнги "Мардон қамалади" деган гапи кампирни ўзига келтирди, сўнг тилга кирди.

- Оғзинга тош-ей, сен чаланинг,

- деди важоҳат билан - ўзинг қамаласан. Баччанинг юрагини ёрдингку, бўйнинг сингур. Сенинг дастингдан бир чопонлик пахтаям олмаймизма энди, ордона қолсин. План-мланинг билан қўшмозор бўл. Ол, об кет шу бир собом пахта билан сен тўй.

Кампир кўйлагининг узун енги-ни ҳимариб Ўролга тикка келди. Оғзи беўхшов очилиб, истеҳзо билан қараб қолган Ўрол шеригига аввал қўли билан имо қилди, сўнг овоз берди:

- Ёз, Самад, ҳаммасини ёзиб ол.

- Сўнг кампирга қараб давом этди.

- Бойсунга қанча пахтани майизга алишиб сотдингиз улингиз билан? Муниям айтинг. Ҳў мома, мен бекорга келмадим, манави халажи билан неча кўрпага пахта олдингиз. Ҳаммасини билиб келдим бу ерга.

Ўролнинг шериги ниманидир тик туриб ширилладиб ёза кетди. Кампирнинг бу бўлмағур гаплардан қони кизиди, бошида оғриқ турди.

- Инсофинг борми ўзи сенинг. Гапираётган гапингни ўзинг ҳам эшитаяпсанми. Ноҳақ тухмат қилма бировга. Келиним, икки неварам кечқурун йўл-йўлакай чаноқда қолган бир чигитни киссасига териб келган пахта бу, ноинсоф. Нима, шуниям олмасинми? Худодан қўрқ, ўв, ёш бошинг бор. Йил-ўн икки ой шу қартада юриб чопон ҳам киймасинма? Худодан қўрқ, шу бир чангал оқ учун кўнглимни қора қилма.

- Улаш мома, - деди Ўрол ёқимсиз иршайиб кўзини бошқа ёққа оларкан, - Ҳўв мома, мен худодан қўрқмайман, пландан қўрқаман. Хўп-ма? Сиз бўлса, - Ўрол яна фартукка энгашиб овозини балаңдлатди, - пахта завод очиб ўтирибсиз.



Сиз қўрқинг шў худодан. Ёз, Самад, халажи кунига юз кило пахта-ни чигитлайди. Чигитини молига беради. Пахтасини сотади Мардон биргаднинг онаси, Улаш мома.

Ўрол Самаднинг ёзаётган қоғози-га узалиб қарар, кампирга эътибор қилмас эди. Самад дегани ростдан ҳам ниманидир ёзарди.

- Ҳей, Ўрол, иймонсиз! Шу гапларни Нурмат чўтир отанг ўргатди-ми сенга? Инсоф-диёнатинг борми ўзи сенинг! Отанг бир оёғи гўрда бўлсаям бировларни тирнаб ўтиб эди, сен ҳам шунинг боласида. Қўлингдан бошқа нима келсин яна?!

- Отамди қўшманг бу ерга, мома, ундан кўра айбингизни тан олинг, - Ўрол бирдан асабийлашиб қичқирди ва йиғламоқдан бери бўлиб турган Оқбойнинг ёнидаги халажини даст қўлига кўтарди-да мана сизга пахта сотиш, деб усқунани қаттиқ ерга отиб урди, - Айтинг, яна нечта бор бундай матоҳ. Бу уй ўзи халажига ўхшаб қопти.

Бу гап кампирнинг ҳамиятига тегди, сўнг халажига қараб чинқириб юборди, Оқбой дод солиб момосининг этагига ёпишди. Улаш момо ерга тушиб қийшайиб қолган халажини талпанглаб бориб қўлига олмоқчи бўлди. Шу билан баробар қон қақшаб Ўролни қарғай кетди.

- Ҳай бўйнинг синсин, илойим, менинг ёшимга кирмай жувонмарг бўл. Шу оқ пахтадай бузилиб элдан чиқ. - Кампир яланг ерга ўтириб қолди. Икки қўллаб ишдан чиққан халажини чангаллаганча бақирарди у. - Ҳўв кўшпак, сенлар эга бўп қолдингми, сен қирилгурнинг планинг халажи ўзи, ўзи қилган пахтасига ўзи эга бўлолмаган дунёнг халажи. Чигитинг чигит, ғозинг ғоз бўлган-

да кўрайинда сени. Кучинг менга етган бўлса худодан топ, илойим,

Ўрол билан Самад кампирнинг додлашидан сўнг аста сирғалиб жўнай бошлади. Сим тўсиқдан ўта туриб Ўрол қоқилиб кетди, лекин кампирдан кўз узмас, бирон сўз ҳам демасди,

* * *

Чироғига ҳашарот айланиб турган айвонда ётган Улаш момонинг пастки қовоқлари ийланган теридай ивиб, йиғидан ҳилвираб кетганди. Унинг атрофида ўғли Мардон, келини, икки қиз невараси жим ўтиришар, оёқ учида Мардон айтиб келган Ҳасан фельшер ўтирарди. Тепада, чироқнинг тагида эса гаражнинг устаси Чори билан Оқбой неvara бир сопи синган халажини чуқулар, фақатгина шу иккисининг гунг-гунг товуши эшитиларди.

* * *

Тонг отганда Улаш момо безовта бўлди, бўлак овулга тушган катта қизи ҳам шу ерда эди. Кампир кўзини ярим очиб қийнаиб гапирди.

- Тузалди-ма?, - деди у.

- Ҳа, эна? - деди Мардон, момо нимани сўраётганини англолмай, сўнгра, - Ҳа, Чори оқшом созлаб бериб кетди, деб хўрсиниб қўйди.

Кампир кўзини юмди, сўнг шу ҳолда "Оқбой!", деди оҳиста. Кичкина Оқбой маъюсланиб момосининг қошига келди: "Ҳа, момо?", деди секин.

Улаш момо кўзини очмай хиёл жилмайган бўлди-да:

- Нима эди, "эски тишимни ол"-миди, шуни айт.

Оқбой отасига қаради. Мардон ўғлига айт, деди секин. Оқбой астагина гўнғиллай бошлади:

- Эски тишимни ол,



RUHIYAT SURATI

Янги тишимни бер.

- Яна айт, - деди кампир безов-
талиқ билан. Юмуқ кўзларидан ёш
сизарди унинг, - айтабер,

- Эски тишимни ол,
Янги тишимни бер.

Эски тишимни ол,
Янги тишимни бер,

Улаш момо ўнганмади, миясига
қон урган, дейишди. Ўша куни чош-
гоҳда жони узилди. Жанозага
кўпчилик келди. Келолмаганлар ет-
тисига келишди. Фақат Ўрол келма-
ди. Мардон биргадирнинг олдин ҳам,
кейин ҳам режаси тўлмаган ягона
мавсуми шу онасидан айрилган йил
бўлди. Мардон Ўрол билан идорада
кўришди. Ўрол ҳеч гап бўлмагандай
унга келгусидаги ишлардан гапир-
ди. Кампирнинг етгисидан сўнг уй-
даги сигирни сотиб, Ўролнинг
йўриғи билан пулини унинг ўзига
берди. План "тўлди".

* * *

Ўрол бобонинг ўзи солган, бир
пайтлар фасонга кирган чордоғи ба-
ланд уй эндиликда чолнинг ўзидай
кўҳна, янги уйларнинг олдида
кўримсиз бўлиб қолган эди. Уйни
кўриб Оқбой момосининг гапни
эслади. Одамнинг кўнглидан бошқа
ҳар нима эскиради. Улаш момо шу
гапни кўп айтарди.

Ўрол бобо қалин тўшақда, униқ-
қан ёстиққа боши оғир ботиб, кўзи-
ни шифтга қадаб ётарди. Атрофида
ўғли Хуррам, Оқбой фермер, яна чол-
нинг қизлари. Кампири кўп йил бу-
рун кўз юмганди. Чол чап қўл-
оёғинигина сал-пал қимирлатарди. Уч
йилча аввал сўридан йиқилиб фалаж
бўлиб қолган, лекин яқин-яқингача

тидан қолмаган эди. Оқбойни кўриб
унинг серажин, оғир қовоқлари ос-
тидаги кўзлари ялтиллаб кетгандай
бўлди. Тиззалаб ўтирган Оқбой чолга
энгашиб: "Ўрол бобо, мен, Оқбой,
келдим", деди, оҳиста.

Ўрол бобо ундан нигоҳини олиб
шифтга тикилди, туйқусдан кўзла-
рида ёш милдиради. Кейин яна
Оқбойга қаради. Жимлик. Чол чап
қўлининг бармоқларини бироз вақт
ёзиб-йиғиб турди-да, қўлини секин
юқорига кўтарди. Сўнг тушуниксиз
бир ҳаракат билан қўлини қимир-
лата бошлади. Чолнинг тирноқлари
бироз ўсган, бўшашиб, титраб тур-
ган қўли худди бир нимани бураёт-
гандай ҳавода доира ясаб секин ай-
ланаверди, ёшли кўзлари Оқбойда
эди. Ўтирганлар ҳайрон бўлиб чол-
нинг гоҳ қўлига, гоҳ юзига қараб
қолди.

Оқбой фермернинг ичида бир
нима чирт узилгандай бўлди, беҳос
титраб кетди. Чолнинг сўнгги ил-
тижосини у англаганди.

Кун шомга қиялаб қолган бир
маҳалда Ўрол бобо ётган жимжит
хонадан ғалати товуш келарди.
Оқбой хаста чолнинг чап томони-
да, гилам устида халажи айланти-
рарди. Ўша Улаш момодан қолган,
ғийқиллаб айланаётган эски халажи
оппоқ лўпши пахтани ямлар, чигити
бобонинг ёйиқ белбоғига тушар эди.
Ўрол бобонинг юз пайлари гоҳ ти-
ришиб, гоҳ ёйилиб кетар, худди та-
нида санчиқ тургандай ҳар ғийқил-
лаганда инқиллаб кўярди.

Эртасига, Оқбой фермернинг
пахта режаси тўлган кунда Ўрол
бобонинг жанозаси ўқилди.



Кўзингни очганда цауғаса олам



**Нилуфар
УМАРОВА,**
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

СОКИНЛИК

Фақат анҳор сўзлайди,
Шилдирайди унлари.
Олмаларга қўшилиб,
Сувда оқар кунларим.

Ой тўлишган -кўримли,
Осмон ҳомиласи у.
Қароғимда сокинлик,
Сабримнинг боласи у.

Озиқ берар ҳислару,
Иродамга, кучимга.
Уни не ниятларда,
Улғайтирдим ичимда.

* * *

Ҳаводан таралгай тупроқнинг иси,
Бугдойзор шовуллар денгиздай тўлиб.
Ватан деб янғраса мангу бир исм,
Тарқоқ ажинларинг бирлашса кулиб.

Йўлингга ҳайратлар сочса бу дунё,
Кўзингни очганда яйғаса олам.
Унинг номин айтиб турса муҳаббат,
Сен кирар эшикка айлангани дам.

Мўътабар сўзларнинг базмгоҳида,
У бирла янғраса энг гўзал айтим.
Ўланлар келтириб нозик оҳида,
Турналари учса хушхабар айтиб.

Ёмғирлар куйига кўнглингни тутсанг,
Майин шивирлари жунжитса танни.
Қалбинг ойнасида акслантирар ишқ,
Адирларда кезиб юрган Ватанни...

* * *

Хаёл кўзгусига дарз кетар бир дам,
Яқинлашиб келар ҳар неки йироқ.
Бир-бирига ишқаб чақмоқтошини,
Юрагимни ёқар момоқалди роқ.

Булутлар лашқарин қувмоқлик учун,
Баҳор қамчи босар учқур отига.
Нетай, қулоқ тутгим келади менинг
Йиғлоқи ёмғирлар муножотига.

* * *

Чорлаб турар чексиз бир кенглик,
Ҳаволари руҳим аллалар.
Қулфин очсам меҳр сандигин,
Сарпо кутар меңдан далалар.

Бутун борлиқ чўгга айланиб,
Қинғир -қийшиқ изга тушар йўл.
Вужудимни қиздирар баттар.
Шеър ишқида ёнаётган дил.

Кўнглим каби девона шамол,
Куйиб-куйиб хўп соврилгунча.
Хаёлларнинг узун сочлари,
Ўралашди руҳимга бунча.

Қараб тўймам бир гўзал тасвир,
Илдамлайди тасаввур сари.
Қай рассомнинг иши экан бу,
Кўз ўнгимда санъат асари:

Видолашар намхуш далалар,
Кун кўзида жимирлар кўз ёш.
Қадоқланган оловга ўхшаб,
Лов қизариб ботмоқда қуёш.

* * *

Ҳадемай шивирлай бошлар кўк,
Булутлар келтирди хабарин.
Ўрилган майсалар баррадек,
Таратар юртнинг мушк анбарин.

Ҳадемай ёмғирга бўкар ер,
Ариқлар шилдирар - тўла сув.
Япроқлар шод чапак чалиб дер:
Ганимат кунларнинг гардин юв.

Бедазор ичида юрсам ҳам,
Ҳар кун сўз айтса ҳам бу осмон.
Кўксига бош қўйиб турсам ҳам,
Ватаннинг ҳидига тўймасман.

* * *

Шиддат билан келдилар босиб,
Ёмғирларга асир бўлди тун.
Булутларни қорнидан осиб,
Дор ясади осмон ҳам бутун.

Пичанлар ҳид таратар нохуш,
Намчиликни суймагай жини.
Тарновларда томчилар жанги,
Ҳали-вери билмайди тиним.

Деразадан нигоҳин солар,
Кириб ҳатто тонгги тушларга.
Шаҳар ўзин панага олар,
Юмуш чиқди ёмғирпўшларга.

Хотиралар қилди тантана,
Олисларга судради хаёл.
"Кир суви"ни йиғмоқ баҳона,
Ухламади шу кеч бир аёл...

ЎЗЛИККА ЙЎЛ

Сафар тўрвасини ҳозирлар саҳар,
Оёғим остида ўралашар йўл.
Тунда ҳамроҳликка берар деб ойни,
Осмоннинг қалбига соладирман йўл.

Кўкда у, пастда мен тарк этмас сира,
Кузатиб боради илтифотда шаън.
Бирлашиб кетаман йўлимдан чиққан,
Хазон тўкаётган дарахтлар билан.

Шунча йил яшадим вақтни ютқазиб,
Умрнинг мазмунин англамадим ё.
Шошилишим керак, узоқдир манзил,
Йўл юришим керак ўзимгача то.



Somerset Moem

Инглиз адабиёти тарихида машхур ёзувчи ва драматург Сомерсет Моём /1874-1965/ ижоди алоҳида ўринга эга. Адиб ўзининг асарларида қаҳрамонлар руҳий оламини теран очиб бергани, Бадиий сўз имкониятларини юксак маҳорат билан намойиш этгани боис жуда кенг китобхонлар оммасининг эътиборини қозонди. С. Моёмнинг "Инсоний эҳтиросларнинг уқубатлари" /1915/, "Ой ва чақа" романлари, "Давра" /1921/ сингари кўплаб пьесалар ва айниқса, 1926 йили нашр этилган "Казуарин дарахти" номли тўпламидан жой олган бир қанча ҳикоялари аллақачон жаҳон халқларининг талай тилларига таржима қилиниб, чоп этилган.

Сомерсет Моём жаҳон адабиётида ихчам ҳикояларнинг моҳир устаси сифатида шуҳрат қозонган. Бу ҳикояларида ёзувчи китобхонни инсон руҳиятининг мураккаб дунёсига олиб киради, ҳаётга янгича назар билан - ҳам куюниб, ҳам кулиб қарашга мажбур этади. Адиб асарларига хос бўлган жонли, аниқ-тиниқ, ростгўй ва самимий тил уларнинг берилиб, катта қизиқиш билан ўқилишини таъминлаган. Қуйида сизнинг эътиборингизга Сомерсет Моёмнинг "Киртоғ'ора" номли ҳикояси ҳавола этилаётир.

KIRTOG'ORA

(ҲИКОЯ)

Поситано - тепалиқда жойлашган хушманзара шаҳар. Қишда бу ердаги уч-тўртта одмигина меҳмонхона аёлу эркак рассомларга тўлиб кетади, лекин шаҳарга ёз пайтида келсангиз ҳамма жойлар сизники. Тинч ва ораста меҳмонхона айвонида ўтириб туни билан денгизни томоша қилиш мумкин. Пастда, қирғоқ яқинида макарон, яхна гўшт, янги тутилган балиқ ва муздек мусаллас сотиладиган кичкина ошхона бор. Август кунларининг бирида ўтиравериб

кўнглимга урган Капридан кетиб, уч-тўрт кунни Поситанода ўтказишга қарор қилдим. Ижарага қайиқ олиб, шаҳарга қараб сузиб кетдим. Поситанога кеч тушганда етиб бордим. Бир-бир қадам ташлаб тепалиқдаги меҳмонхонага чиқа бошладим. Чемоданларим икки бақувват италян аёл бошида. Бинога етиб боргач, у ерда бошқа меҳмон ҳам борлигини эшитиб ҳайрон бўлдим. Официант (исми Жузеппе эди) менинг эски танишларимдан эди. Хона-



ларга қаровчи ходим, ҳаммол, оқсоч ва ошпаз вазифасини ҳам ўзи бажарарди. Уч ойдан бери меҳмонхонада бир америкалик сенъор турганини айтди. "У рас-сомми ёки ёзувчи?", деб сўрадим. "Йўқ, сенъор, у жентельмен." Қизиқ-ку. Бу пайтда Поситанога чет элликлар келишмасди. Уч ой шу ерда қолишни хоҳлаган одамни кўз олдимга келтиролмасдим. Балки кимдандир беркиниш учун келгандир. Ўша йилнинг бошларида жиноятга қўл урган машҳур бир банкирнинг қочиши бутун Лондонда гап бўлганди. Бу сирли кимса ўша банкир бўлса-чи, деган фикр ўтди хаёлимдан. Мен у одам билан оз-моз таниш эдим, шунинг учун ҳам кўришганимизда безовта бўлмаса керак, деб ўйладим. "Сенъорни ошхонадан топасиз", деди Жузеппе кўчага чиқаётганимда. "У доим ўша ерда овқатланади." Албатта, мен борганимда у ошхонада йўқ эди. Лекин бир неча дақиқадан сўнг меҳмонхонадаги нотаниш қўшним кириб келди ва унинг мен кутган қочоқ банкир эмаслигини кўриб озгина ўнғайсизланиб қолдим. Ёши анчага бориб қолган, новча, денгиз ёқасида дам олиб қорайган, хушбичим, чўзинчоқ юзли киши экан. Эгнида очсариқ рангли ипақдан тикилган озодагина костюм, шляпаси йўқ эди. Калта олинган оппоқ сочлари ҳали ҳам анча қалин эди. Очиқкўнгиллиги мана-ман деб турган бу одамнинг ўзини тутишида қандайдир жозоба бор эди. У олтитача столда қарта ва домино

ўйнаб ўтирган шу ерликларга бир-бир қараб чиқди-да, кейин мени кўрди. Кўзларида қувонч порлади. Менга яқинлашди. "Сизни меҳмонхонага ҳозиргина келди, деб эшитдим. Жузеппенинг вақти йўқ экан. Демак, ўзимни ўзим таништиришим керак. Бегона одам билан овқатланишга қаршимасмисиз?" "Йўқ, албатта. Ўтиринг." У стол тузаётган хизматчи аёлга италянчасига жуда чиройли қилиб менинг ўзи билан овқатланмоқчи эканлигимни айтди. У ажойиб коктейл тайёрлади ва иштаҳамиз очилиб, овқатлана бошладик. Мезбоним ҳазилга уста экан. Тилни бузмай, равон гапириши менга ёқди. "Агар кўп гапириб юборсам, хафа бўлмайсиз", деди бир оздан кейин. "Уч ойдан бери, мана, биринчи марта менда инглизча гапириш имкони пайдо бўлди. Бу ерда узоқ қолмасангиз керак. Шунинг учун ҳам ичимдаги ҳамма гапларни сизга айтиб оламан энди." "Поситанода дам олиш учун уч ой, менингча, кўплик қилади." "Менинг ижара қайиғим бор, чўмиламан, балиқ овлайман. Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча китобни ўқиб чиқдим. Бу ерда китобларим жуда кўп. Хоҳласангиз, сизга ҳам бериб туришим мумкин." "Ўқишга ўзимдаям нарсалар кўп. Лекин қандай китобларни ўқишингизни бир кўриб қўйсам ёмон бўлмасди. Бошқаларнинг нима ўқиётганини кўриш жуда қизиқ." "Тўғри, бундан ташқари, қўлидаги китобига қараб одам ҳақида анча нарса билиб олса бўлади", деди у.



Овқатдан кейин суҳбатимиз яна давом этди. Ҳамроҳим кўп китоб ўқиган экан. У билан хоҳлаган мавзуда гаплашиш мумкин эди. Рассомлик тўғрисида шу қадар билимдонлик билан гапирдики, танқидчи бўлса керак, деб ўйлаб қолдим. Лекин бироздан сўнг у ўқиган китоблари ҳақида сўзлай бошлади, мен уни университет профессори экан, деган хулосага келдим. Исмини сўрадим. "Барнаби", деди у. "Бу ном жуда машҳур бўлиб кетди", дедим. "Йўғ-е, нега энди?" "Барнаби хоним ҳақида эшитмаганмисиз? Сизга ҳамюрт бўлади." "Газеталарда исмига кўзим тушган бўлиши мумкин. У аёлни танийсизми?" "Ҳа, албатта. Барнаби хоним бутун ўтган мавсум давомида бири-биридан дабдабали ўтиришлар ташкил қилди. Таклиф қилганда бирортасидан қолмадим. Ҳамма борди. Биласизми, у жуда ажойиб аёл. Лондонга дам олиш учун келган экан. Лекин уюштирган ўтиришлари, қасам ичиб айтаманки, Лондондаги энг эса қоларли ўтиришлардан бўлди." "Жуда бой бўлса керак-да?" "Ҳа, жуда. Лекин муваффақиятларига сабаб пул эмас. Америкалик аёлларнинг аксарияти пулдор. Барнаби хонимнинг давраларда ўз ўрни борлигига сабаб бўлган асосий хусусият унинг феъл-атворидаги барқарорлик. У ҳеч қачон ўзини катта одам қилиб кўрсатишга уринмайди. Унда табиийлик бор. Ҳа, бебаҳо аёл. Барнаби хоним бошидан ўтказган воқеалар ҳақида эшитгандирсиз?" Дўстим

жилмайди. "Барнаби хонимнинг Лондонда донғи кетган бўлиши мумкин. Лекин Америкада уни кўпчилик деярли танимайди." Мен ҳам жилмайдим. "Майли, унда хоним ҳақида ўзим гапириб берман. Барнаби хонимнинг эри маънавий томондан анча етук бўлса ҳам, кўриниши қўполроқ экан. Хонимнинг айтишича, эри бале бўйли, девкелбат киши, хоҳласа, бир уриб ҳўкизни қулата оларкан. Уни Аризонада "Бехато урадиган Майк", деб чақиришаркан". "Ё Худо! Нега?" "Биласизми, кўп йиллар аввал ёшлигида у бир ўқ отиб иккита одамни ўлдирибди. Барнаби хонимнинг айтишича, у ҳатто ҳозир ҳам Серқоя тоғларнинг ғарбида яшайдиган ҳар қандай эркақдан яхшироқ отаркан. Хонимнинг эри асли кончи бўлсада, ўз вақтида чўпонлик қилган, ноқонуний қурол савдоси билан ҳам шуғулланган экан." "Ҳа, ҳақиқий ғарблик экан", деди профессорим кесатгандек алфозда. "Барнаби хонимнинг эри ҳақида гапириб берган ҳикоялари жуда қизиқ. Барча ўша ғаройиб одам билан бир марта бўлса ҳам гаплашишни истаган эди, бироқ Барнаби хонимнинг гапига қараганда, у ҳеч қачон ўзининг бепоён даштларини ташлаб, Лондонга келмас эмиш. Бир-икки йил аввал нефть конини топибди, ҳозир пулга кўмилиб ётган эмиш. Барнаби хоним эри билан бирга бошларидан кечирган саргузаштларини сўзлаганда, барча меҳмонлар гапларига маҳлиё бўлиб қолишадди. Сочига оқ тушган, ўзи унча



чиройли бўлмаса ҳам гўзал либосларни кийиб, қимматбаҳо марваридлар таққан бу аёлнинг бир вақтлар кончилар кийимини ювиб, уларга овқат тайёрлагани ҳақидаги ҳикоясини эшитганингизда завқланиб кетасиз. Барнаби хонимнинг шаҳзодалар, эчилар, ҳукумат аъзолари-ю, герцоглар билан бир столда қариндошлардек бемалол гурунглашиб ўтирганини кўриб, уч-тўрт йил аввал шу аёл етмишта кончига овқат пишириб юрганига одамнинг ишонгиси келмайди." "Хоним ўқиш ёки ёзишни биларканми?" "Таклифномаларни, менинча, котибаси ёзган бўлса керак. Лекин ўзи саводсиз эмаслиги аниқ. Бир сафар менга ҳар куни кечқурун кончилар ухлашга кетганда ўзини бир соатдан китоб ўқишга мажбур қилганини гапириб берганди." "Ажойиб!" "Лекин Бехато урадиган Майк бойиб, чекларга имзо чекишга тўғри келгандагина исмини ёзишни ўрганган."

Тепалиқдаги меҳмонхонамизга чиқдик ва хайрлашишдан аввал эртанги кунни бирга ўтказишга келишиб олдик. Кейинги кунни ҳам чўмилиш, китоб ўқиш, овқатланиш, ухлаш билан маза қилиб ўтказиб, кечки овқатни ҳам бирга қилдик. Эртаси куни эрталаб, айвондаги нонуштадан сўнг, Барнабига китобларини кўрсатиш ҳақидаги ваъдасини эслатдим. "Қани, юринг-чи." У билан бирга ётоқхонасига кирдик. Хизматчи Жузеппе Барнабининг ўрнини тартибга келтираётган экан. Хонада кўзим тушган биринчи нар-

са - донги кетган ўша Барнаби хонимнинг бежирим рамкага солиб қўйилган сурати бўлди. Дўстим ҳам суратга қаради ва бирдан ранги оқарди. "Эсинг жойидами, Жузеппе? Нега бу суратни жавонимдан олдинг? Жин урсин, нимага расмни жавонга солиб қўйганимни биласанми ўзи?" "Билмабман, сенъор. Сенъораларини столда кўриш сенъорга ёқади деб ўйлабман." Донг қотиб қолдим. "Барнаби хоним сизнинг хотинингизми?", деб бақариб юборибман. "Ҳа." "Эй Худо, сиз бехато урадиган Майк-мисиз?" "Ўхшамайманми?" Кулиб юбордим. "Тўғриси айтсам, ўхшамайсиз." Қўлига қараган эдим, Барнаби синиққина жилмайиб уларни яширди. "Йўқ, сэр, мен ҳеч қачон бир мушт уриб ҳўкизни ўлдирмаганман." Уч-тўрт сония бир-биримизга тикилганча туриб қолдик. "Хотиним мени кечирмайди энди", уҳ тортди Барнаби. "У исмимни ўзгартиришим лозимлигини айтганди, унамаганимдан кейин роса жаҳли чиқувди. Охири вой бўлади, деганди. Мен бўлса уч ой Поситанода беркинишнинг ўзи кифоя, деб гапига қулоқ солмагандим." У негадир жимиб қолди. "Мана энди тасодифан воқиф бўлганингиз бу сирни ҳеч кимга айтманг, деб сизга илтимос қилишдан бошқа иложим йўқ." "Қўрқманг, керак бўлса, нариги дунёда ҳам сирингизни ошкор этмайман. Лекин, тўғриси айтсам, ҳеч тушунмаяпман." "Аслида, касбим ўқитувчилик, ўттиз йилдан бери хотиним билан бирга Пенсилванияда яшардик. Билма-



дим, балки мен сизда бетартиб одамга ўхшаб таассурот қолдиргандирман, аммо шуни айтишим керакки, Барнаби хоним мен билган аёллар орасида энг маданиятлиси. Хуллас, амакиваччасининг вафотидан сўнг хотинимга жуда катта бойлик мерос тегди. Хотиним жуда-жуда бой аёл. У доим инглиз адабиётини ўқийди. Шунинг учун унинг энг катта орзуси - Лондондаги юқори табақа вакиллари даврасига қўшилиш, Лондон мавсуми давомида базмлар ташкил қилиш ва китоблардан бу ҳақда ўқиганларини рўёбга чиқариш бўлди. Албатта, пул уники эди. Хотинимнинг бундай истаклари менга унча ёқмаса ҳам орзуларига етиши учун имконияти борлигидан хурсанд бўлдим. Шундай қилиб, ўтган йили апрелда Англияга қараб йўлга тушдик. Буни қарангки, Херефорд герцоги ва герцогиняси ҳам биз билан бир кемада кетишадиган экан. Йўлга чиққан вақтимизда мен касал эдим, шу сабабли каютамдан чиқа олмадим. Барнаби хоним эса хоҳлаган ишини қилиш имкониятига эга бўлди. Унинг шезлонги герцогиняники билан ёнма-ён жойлашган экан. Хотиним ҳазил-мутойибага жуда уста. У ўша герцогиня билан суҳбатлашган ва унга битта воқеани айтиб берган. Ҳикоя янада қизиқарли чиқиши учун бу нарса ўзимнинг бошимдан ўтган, деб айтган. Бу дарров натижа бериб, герцогиня яна бирор нарса гапириб беришини илтимос қилган. Шунда хотиним яна бир уйдирмани ўйлаб

топган. Хуллас, йигирма тўрт соатдан сўнг хотиним герцог ва герцогиня билан ака-укалардек апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Орада каютамга келиб эришган муваффақиятларини айтиб берарди. Ўзим ҳам бу ишга қизиқиб қолдим. Қиладиган юмушим йўқ эди. Кутубхонадан Брет-Гарт асарларини келтиртириб, хотинимга ҳар хил саргузаштларни ўргатиб турдим". Беихтиёр пешонамга урдим: "Биз бўлсак, Барнаби хонимни Брет-Гартга қиёслаб мақтардик." "Саёҳат охирида каютамдан чиқаман-у хотинимнинг дўстларига аёлим билан уларни шунча вақтдан бери қандай қилиб алдаб келаётганимизни айтиб бераман, уларнинг донг қотиб қолишганини кўриб роса куламан, деб ўйлардим. Лекин рафиқамни билмас эканман. Эртаси куни, Саутгемптонга етиб қолганимизда, Барнаби хоним Херефорд герцоги унинг шарафига зиёфат бераётганини айтди. Герцогиня хотинимни казо-казоларга таништираман, деб интиқ экан. Албатта, бундай имконият мингтадан битта одамга насиб этади. Мен эса ҳаммасини расво қилишим мумкин эди. Хотиним гапириб берган воқеаларида мени умуман бошқача тасвирлаганини айтди. У пайтда ҳали Барнаби хоним мени аллақачон беҳато урувчи Майкка айлангириб қўйганини билмасдим. Лекин кемада эканлигим эсидан чиқиб, кўп нарсалар тўқиганини кўнглим сеза бошлаганди. Қисқаси, у мавқеини мустаҳкамлаб ол-



гунича бир-икки ҳафта Парижда яшаб туришимни илтимос қилди. Рози бўлдим. Лондондаги зиёфатларга боришдан кўра Сорбоннада озгина бўлса ҳам ишлаш мен учун минг марта яхши эди. Шундай қилиб уни Саутгемптонда қолдириб Парижга кетдим. Ўн кун ўтгач, Барнаби хоним орқамдан етиб келди. Орзу қилганидан ҳам катта муваффақиятларга эришганини, бошидан кечираётганлари ўқиган романларидаги воқеалардан минг марта яхшилигини, лекин танишлари мени кўриб қолишса ҳаммаси тугаши мумкинлигини айтди. Жуда яхши, дедим мен, ундай бўлса Парижда яшай-вераман. Унга бу фикр ёқмади, менинг шунчалик яқин жойдалигим ва номимни билган биронтасини учратиб қолишимдан қўрқиб тинч юролмаслигини айтди. Вена ёки Римга кетсам-чи, дедим. Бу ҳам ёқмагач, мана шу жойга келдим ва шу ерда жиноятчига ўхшаб узундан-узоқ уч ойдан бери беркиниб ётибман." "Чап ва ўнг қўлингизда револьверлардан бир-варақайига отиб иккита қиморвозни ўлдирганингиз ҳам ёлгон экан-да!" "Оғайни, мен ҳеч қачон қўлимга қурол олмаганман." "Мексикалик қароқчиларнинг чайлангизга ҳужуми-чи? Ўшанда хотинингиз милтиқларни ўқлаб турган экан, сиз бўлса то ҳукумат қўшини ёрдамга етиб келгунча уч кун ҳужумни қайтариб тургансиз. Бу ҳам ёлгонми?" Барнаби

жилмайган бўлди. "Бунисини ўзим ҳам эшитмаган эканман. Ҳаддан ошириб юборган-а." "Нималар деяпсиз? Булар худди Ёввойи Гарб ҳақидаги саргузашт фильмлардек бизларга ёққан." "Хотиним гоёни ҳам ўша ердан олган бўлса керак." "Лекин киртоғора-чи? Кончилар кийимини ювиши, яна алламбалолар. Хотинингиз бу воқеани гапириб, бизларни қанчалик кулдирганини сиз билмайсиз. Ахир, Барнаби хоним Лондонга киртоғорада сузиб келган эди-ку!" Кулиб юборди. "Ҳа, Барнаби хоним ҳаммамизни бошлаб лақиллатибди." "Мени ҳам роса алдаган", деди Барнаби. "Рафиқангиз ажойиб аёл. Ундан қанча фахрлансангиз шунча оз. Доим уни бебаҳо аёл, дердим. У ҳар бир инглиздаги саргузашт-у уйдирмаларга бўлган эҳтиёжни ўз вақтида пайқай олди ва бизга айнан ўзимиз хоҳлаган нарсани берди. Ёлгонларини бутун дунёни беришса ҳам ошкор қилмасдим." "Сўзларингиз учун раҳмат, сер. Ҳақиқатан ҳам Лондон ажойиб мезбонга эга бўлди. Мен эса бебаҳо хонимдан айрилдим, шекилли." "Бехато урадиган Майк учун бирдан-бир макон, бу - Ёввойи Гарб. Азизим Барнаби, сизнинг йўлингиз битта: беркинишни давом эттиринг." "Маслаҳатингиз учун катта раҳмат", кесатди Барнаби.

**Инглиз тилидан Алишер
Отабоев таржимаси.**

BARKAMOLLIK ZIYOSI

Umid bilan suqilgan tayoq, bir kun berar meva-yu, yaproq! Gyote

*Abdulla Oripov nomidagi ixtisoslashtirilgan
maktab-internatining yosh ijodkorlari she'rlaridan
namunalar*



Севинч АБДИЕВА,
7- синф ўқувчиси.

Abdulla Oripov xotirasiga

*Бугун кўз дунимда янгила олам,
Янгила ҳаяжон, янги бир дунё.
Бугун танҳо менмас, хурсанд ҳар одам.
Чунки бобом ёди соғмоқда зинё.*

*Бу инсон дардлари шевридадир жо,
Лек унинг қалбини англамоқ мушкул.
Шоирлар ўзига оламда танҳо,
Лек у шоирлардан ўзига буткул.*

*Абдулла Орипов буюк сиймодир,
Ардоқлар хотирин асрлар абад.
Унинг шеърларида яширин бир сир,
Буни ён шоирлар англайди фақат.*



Эъзога ЙЎЛДОШЕВА,
7- синф ўқувчиси.

Баҳор

*Эрта баҳорданок барқ уриб пуллаб,
Ўзгаллик айлагай кенг сарҳадлари.
Баҳорнинг ташрифин баргага йўллар,
Тул-у райҳонларнинг хушбўй ҳидлари.*

*Чалиниб ўёки кулоқларимга,
Апроқ олаётган куртак овози.
Кўкламда уйғонган гунла япроқлар,
Бўлар табиятнинг ўзгал тиннози.*

*Ўзига жилвада кўз олган куртак,
Баҳорнинг энг нозик бир дурдонаси.
Буй ўзган майсага лол қолар фалак,
Бу эса баҳорнинг илк нишониси.*

**«SOHIQIRON YULDUZI»
ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журналида
мақола чоп этилиши учун қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

1. Мақола сарлавҳаси бош ҳарфлар билан ёзилади.
2. Муаллиф фамилияси тўлиқ, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, ундан кейин у ишлайдиган ОТМнинг номи қавс ичида берилади.
3. Таянч сўз ва иборалар келтирилади.
4. Мақола матни Times New Roman ёзувида, 14 шрифтда, 1,5 интервалда 6-10 ҳажмида, чапдан 3, ўнгдан 1,5, юқори ва пастдан 2 см қолдирилиб ёзилади.
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати рақамланган ҳолда мақола сўнгида берилади. Унда адабиётдан олинган саҳифалар ёки шу манбанинг умумий ҳажми кўрсатилиши шарт. Матн ичида керакли ўринларда талаб этилаётган адабиётнинг рақами, ундан кейин икки нуқта қўйилиб, фойдаланилган бетлар ёзилади ва қавс ичига олинади. (1: 176 тарзида).
6. Ҳавола (сноска)лар ҳар бир бетнинг пастиди, рақамланган ҳолда берилиши керак.
7. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин.
8. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида резюме бўлиши талаб этилади.
9. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг услубий семинари ёки кафедра йиғилишининг мақолани нашрга тавсия этганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма талаб қилинади.
10. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг тўлиқ манзили, шахсий телефон рақами ёки электрон почтаси кўрсатилиши лозим.
11. Мақола [sohibqiron - jurnali @ mail.ru](mailto:sohibqiron-jurnali@mail.ru) электрон почталари орқали олиш мумкин.
12. Қўшимча ахборотларни +914668032 телефон рақами орқали олиш мумкин.
13. Қўлёзма ҳуқуқидаги мақолалар муаллифларга қайтарилмайди.

